

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

# Шарқ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА  
САНАТ ЖУРНАЛИ

№ 9

СЕНТЯБРЬ

„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН“ ва „ПРАВДА ВОСТОКА“  
НАШРИЁТИ

Тошкент—1946

## МУНДАРИЖА

<p><i>Абдулла Қаҳҳор</i> — Кўшчинор (роман) . . . . . 3</p> <p><i>М. Турсунзода</i> — Улуғ рус халқи- га . . . . . 16</p> <p><i>Эгам Раҳим</i> — Пахтакор . . . . 17</p> <p><i>Шолохов</i> — Улар Ватан учун жанг қилдилар . . . . . 18</p> <p><i>Миртемир</i> — Наҳанг . . . . . 39</p> <p><i>В. Катаев</i> — Виадук (ҳикоя) . . 41</p> <p><i>Ж. Шарифий</i> — Тошкент . . . . 53</p> <p><i>Мирмуҳсин</i> — Ёш коммунист ҳа- қида . . . . . 55</p>	<p><i>Ҳаким Назир</i> — Валижоннинг да- даси (ҳикоя) . . . . . 58</p> <p><i>М. Бобоев</i> — Теримчилар . . . . 85</p> <p><i>Ота Қаушатов</i> — Свечи Қандим- нинг онласи (ҳикоя) . . . . . 67</p> <p><i>А. С. Пушкин</i> — Балиқчи ва ба- лиқ артаги . . . . . 74</p> <p><i>В. Шекспир</i> — Ромео ва Жульетта (пьеса) . . . . . 79</p> <p><i>Набиев</i> — Навоий даврида Хуро- сониинг сиёсий ҳаёти . . . . . 97</p> <p><i>Верхацкий</i> — Тамараховим . . . 103</p> <p><i>Асқад Мухтор</i> — А. Тўқай „Тан- ланган асарлари“ . . . . . 109</p>
---	--

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** *Оббек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин*, *Уй-  
гун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сами*  
*Абдуллаев*. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

*На узбекском языке*

### „ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 9

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кзыл Узбекистан“

Ташкент—1946

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Бешинча руҳсат атылли 10/XII-46 й.да. Р 06230. Қогоз формати 60x92/16. Босма листи 7  
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. 272. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент, „Қизил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ напирёти босмангоаси. Заказ 701.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

## ҚЎШЧИНОР<sup>1</sup>

*Роман*

### ҚЎШЧИНОР

Наймандан тортиб то Мирзаоралгача дар'ё бўйидаги ерларни авваллари чойракор бўлиб, кейинчалик ижарага олиб эккан деҳқонлар дар'ё бўйидаги қаторасига кеткан катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Капсанчилар қишлоғи деб аталар эди. Бу ерларга дар'ёдан сув чиқарадиган водокачкаларни босмачилар бузиб ташлагандан кейин капсанчиларнинг бир қисми аста-секин ҳар ёққа кўчиб кетиб қолди. Шу вақтлардаёқ халқ оғзида „Ер экканники эмиш“ деган гап юрса ҳам, қолган капсанчилар васиқасиз мулкни ўз мулклари ҳисоблаша олмас, ҳар йили бу ерларга наридан-бери арпа, бугдой сеип, ўз меҳнатларининг ҳосилини, худди ўғрилик қилаёткандай, хавотирлик блан йиғиштириб олар эди.

Ер ислоҳотига қадар бир йил дар'ё тошиб экинларнинг яримидан кўпи нобуд бўлди. Яна бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб экинлар куйиб кетди. Мана шу йиллари, гарчи ҳукумат катта ёрдам берган бўлса ҳам, капсанчиларнинг яна бир қисми ҳар томонга кўчиб кетиб, беш маҳаллалик Капсанчилар қишлоғи бир-биридан тепаликлар блан айрилган Қўшчинор, Бақа-қуруллоқ, Қўғазордан иборат уч маҳалла бўлиб қолди. Буларнинг бир маҳалладаги уй-жойларини ташлаб, бошқа маҳаллалардан уй-жой қилиши жуда осон, чунки ҳаммасининг ҳам уйи ёнбағирликларни ўйиб қилинган ярим ертўла-ярим бостирмадан иборат бошпана эди. Шундай қилиб, Капсанчилар қишлоғи ер ислоҳоти арафасида сал кам юз хўжаликдан иборат бўлиб қолган эди. Брок ер ислоҳотида салкам юз хўжалик эмас, бир юз қирқбир хўжалик ер олди. Илгари кўчиб кетиб шу атрофда турли касб-кор блан кун кечириб юрган капсанчилар ер ислоҳотининг дарагини эшитиб қайтиб келган эди. Қайтиб келганларнинг ҳаммаси деярлик қўруқ бўлиб қолган ерларни очиб олди.

Ер қўлга киргандан кейин капсанчилар тилга кириб, сув тўғрисида кўп гапрадиган бўлиб қолди. Булар энди азамат бир дар'ё бўйида осмондан тушадиган томчига зор бўлиб ўтиришни кулги

<sup>1</sup> Боши 3, 4-5, 6 ва 7-8 сонларда.

бир ҳол ҳисоблашар, бу тўғрида уэларини ўэлари чандиб, калака қилиб, ҳар-хил латифалар, маталлар тўқишар эди.

Ер ислоҳоти вақтида ва ундан кейин юзага чиқиб қишлоқ совети атрофига тўпланган гапдонлар бу хусусда аввал район ижроия қўмитасига, ундан кейин вилоят сув хўжалиги бошқармасига арз қилишди. Шу йили кеч кузақда шаҳардан икки қиз, бир чол дурбин кўтариб келиб шу атрофни яқин бир ҳафта текшириб кетди.

Қишда район ижроия қўмитасининг раиси келиб, Бақа-қуруллоқдаги водокачкаларнинг ўрнини, ўша вақтдаги ариқларни кўздан кечирдию, кечқурун активларни йиғиб, бир водокачкани тиклаш ҳақида мажлис ўтказадиган бўлди. Мажлисга фақат активлар чақирилган бўлса ҳам, сувнинг дарагини эшитиб, ёшучари, эркак-аёл — бутун қишлоқ келиб, Қўғазордаги водокачкадан қолган чор-деворнинг саҳни одамга лиқ тўлди. Раис Капсанчилар қишлоғининг талабига мувофиқ район ижроия қўмитаси водокачкалардан бирини тиклашга қарор қилганлиги, бунга кераклик пул олинганлиги ва асбоб-ускуна келтириш учун Тошкентга махсус одам кетканлигини билдирди. Битта водокачканинг суви бир юзу қирқ бир хўжаликга, туяни чўмич блан суғоргандай гап бўлса ҳам, янги рўзғор, ҳатто пиёзни ҳам бозордан сотиб оладиган капсанчилар учун бу катта мадад эди. Шунинг учун капсанчилар бу хабарни эшитиб бениҳоят хурсанд бўлишди. Раисни ёш-яланглар олқишлар, кексалар дуо қилар эди. Раис сўзининг ахирида капсанчиларни бир ёқадан бош чиқариб, зиммаларига тушадиган вазифани ўринлатиб бажаришга чақирди. Бунга ҳамма бир оғиздан „Бажарамиз!“ деб жавоб берди. Капсанчиларнинг зиммасига тушган вазифаларнинг бири — хумдондан ўттуз бешминг дона ғиш, Зарбулоқдан йигирма арава қум ташиш эди. Капсанчилар буни елкалаб бўлса ҳам ташишга тайёр эканликларини билдиришди. Буларнинг зиммасига тушган иккинчи вазифа Бақа-қуруллоқдан икки томонга қараб кетган ариқларни тузатиш, кўмилиб кеткан жойларини бошқатдан қазиш, янги ариқлар чиқариш эди. Бунга келганда халойиқдан ола чиқди. Булар уч гуруҳга бўлиниб, ҳар қайси гуруҳ ўз ерига яқин водокачканинг тикланишини, ҳамма ҳам сув бошида бўлишни хоҳлар эди. Мунозара қизиб кетканда кимдир „Қўғазорга бўладиган бўлса бўлмагани яхши“ деди. Яна кимдир „Қўшчинорга бўладиган бўлса таги блан қўпариб ташлаймиз“ деди.

Ҳар қалай Бақа-қуруллоқдаги водокачка тикланадиган бўлди. Капсанчилар сиртдан муросага келгандай бўлиб, ижроқўм раиси айткан ишларни иложи борича тезроқ қилишга сўз беришди.

Икки кундан кейин қишлоқ советининг раиси қишлоқдаги ҳамма от, эшак ва хўкиэларни рўйхат қилиб, ғиш ва қум ташиш ишини бошлаб юборди. Броқ иш шу қадар суст борар эдики, раис усталар келгунча бу ишларнинг битмай қолишидан хавфсизраб, ҳар кимга алоҳида-алоҳида уқдиришга, ҳатто ялвинишга мажбур эди. Қўшчинор, ёки қўғазорликлар уёқда турсин, сувнинг бошида бўладиган бақа-қуруллоқликлар ҳам бугун неча арава

қум, қанча ғиш ташилганига эмас, кимнинг оти, эшаги ёки ҳўкузи неча мартаба қатнаганига кўпроқ қизиқар, ҳар ким ўз уловини мумкин қадар камроқ ишлатиш учун минг хил баҳона топишга уринар эди. Шундай қилиб, олти-етти кунга мўлжалланган иш роса қирқ олти кувга чўзилди. Бу орада капсанчилар орасида қанча дилсиёҳлик, машмашалар бўлиб ўтди. Қўшчинорликлардан икки киши район партия комитетига арзга борди, лекин нима деб арз қилишни билмай, бир соатга яқин эшик тагида нос туфлаб ўтириб, қайтиб келди. Бир неча кундан кейин водокачка қурилишига уста тушди.

Ариқларни тузатиш, кўмилиб кетган жойларни қайтадан қазिश, янги ариқ чықариш ишида капсанчилар жуда ҳам ноаҳл бўлди. Булардан, хусусан бақа-қуруллоқликлардан ҳеч бири ўз еридан сал нарироққа бирон кетман уришни ҳам хоҳламас эди. Бу иш судралиб қолгандан кейин район ижроия кўмитасининг президиуми қишлоқ совети раисининг докладини эшитди. У, умрида биринчи мартаба доклад қилаётганлиги учун шошилиб қолиб, бу аҳволнинг сабаблари ҳақида дуруст бир нарса деяолмади, хўп дакки еди. Президиум унинг ҳали тажрибасиз раҳбар эканлигини кўзда тутиб, камчиликларини кўрсатиш блан қаноатланди ва бир партия а'зосини ижроқўмнинг қурулишдаги вакили қилиб тайинлади. Вакил эртасигаёқ азонда Капсанчилар қишлоғига келиб, ҳамма активларни йиғди, мажлис қилиб, бутун трассаларни кичик-кичик участкаларга бўлди, ҳар участкага бир активни бошлиқ қилиб, унинг қўлида ишлаши керак бўлган одамларни номбаном айтиб берди.

Шундан кейин иш жўнашиб кетди.

Ариқлар ҳар қалай водокачка биткунча тайёр бўлди. Водокачкани очиш маросими каттакан сайилга айланиб кетди. Ёш-яланглар ўйин-кулги қилишар, чоллар, шу кун и очилган самоварда ўтириб, қолган водокачкаларни ҳам тиклаш, қишлоқнинг келажаги ҳақида сўзлашар, болалар ариқ бўйида ивирсиб кема-кема ўйнар, кўпикланиб оқаётган сувга қаттиқ нон оқизиб ер эди. Ҳамма бир-биридан хурсанд, ҳамма иноқ, илгари ўтган паст-баланд гаплар буткул унутилган эди. Броқ бу хурсандчилик, иноқлик кўпга бормади. Кўкларда капсанчилар орасига нифоқ тушди.

Бақа-қуруллоқликлардан бири — бош ариққа ҳаммадан яқин бўлган бир киши — сабзавотга ажратган ерига пахта экгуси келиб қолди. Унинг ҳисобига кўра бундан унадиган пахта шу ердан унадиган сабзавот ва бошқа еридан чиқадиган ҳамма ҳосилдан кўра кўпроқ даромад берар эди. У, бошқаларнинг „пахтага сув кўп кетади“ деб хархаша қилишидан бир оз ҳайиқса ҳам, таваккал қилиб пахта экди. Бундан хабардор бўлган қўшнис и шу нарса эсига келмагани учун ўзини жўп сўкдию, ҳовлиққанича, уикидан кўра сал кўпроқ ерга пахта экди. Буларни кўриб бошқалар ҳам пахта экиш тараддудига тушиб қолди. Буларнинг ичида мулоҳазалик, пишиқ бир киши ҳамма ерига етадиган чигитни ивитиб қўйиб, аввал қўшчинорликлар блан қўғазорликларнинг қўйнига қўл солиб кўрмакчи бўлди: қани, индамайдими ё „пахта кўп сув

ичади“ деб хархаша қиладими? У бир куннинг ўзида қўшчинорликларни ҳам қўғазорликларни ҳам қўшниларининг қилган ишида ҳам хабардор қилди. Шу кун ичкеруун катта жанжал бўлиб, пахта эккан бақақуруллоқликлар искарддан ортиқ бир қултум ҳам сув олмасликка сўз беришди. Орага бундай шарт тушкандан кейин қолган бақа-қуруллоқликлар пахта экиш тўғрисида иккиланиб қолди. Кўп киши пахта экишдан воз кечди, чунки буларнинг ерлари қақир ерлар бўлиб, пахта экилган тақдирда энг ками етти-саккиз мартаба сув талаб қилар эди.

Ғўза теккиз униб, унинг ҳосили ҳозирданоқ ма'лум бўлиб қолгандан сўнг, қўрқоқлик қилиб пахта экмаган бақа-қуруллоқликларнинг ғаюрлиги кела бошлади. Булар, қўшничилик туфайли бир нарса дейишмаса ҳам, ғўза ҳар сафар суғорилганда қўшчинорликлар блан қўғазорликларни уларга қарши гиз-гизлашар эди. Шу сабабдан орада қанча жанжаллар бўлиб ўтди, бўлардан бири муштлашиш блан туғади.

Ғўза, худди бошқа капсанчиларга ўчакишкандай, роса бўлиб берди. Экканлар уни кўз қорачиғидай асрашар, гўдакдай парварिश қилишар, бошқалар эса уни сувдан қолдиришга ҳаракат қилиб, уларига сув керак бўлмаганда ҳам сув талашиб ёқалашар эди.

Ғўза гулга кирганда пахтакорлар бошда искарддан ортиқ бир қултум ҳам сув ичмаслик ҳақида берган ва'даларини бузишга мажбур бўлишти. Бунинг оқибати шу бўлдики, бир кун ирта-лаб туриб қарашса, ҳамма пахтакорнинг еридаги ғўзадан анчанчасини кимдир ўриб ташлапти. Бу ишни бир киши қилган деб бўлмас эди. Ҳақиқатан бу ишни етти киши қилганлиги ва буларнинг ҳаммаси ҳам қўшчинорликлар эканлиги шу кун ичкеруун ма'лум бўлди. Пахта эккан бақа-қуруллоқликлар бунга жавобан ўша кун ичкеруун бориб, ҳалиги етти кишининг еридаги қовунторвузининг қариб яримини ўриб ташлади. Шундан кейин жуда катта жанжал бўлди, райондан-махсус комиссия келиб, иш судгача борди.

Шундай қилиб, сувсизликдан жафо тортканда аҳил бўлган капсанчилар сувнинг роҳатини кўришга келганда жуда ноиттифоқ, ҳатто бир-бирига душман бўлиб қолди. Бу душманлик фақат пахта эккан ва пахта экмаган деҳқонлар орасидагина эмас эди.

Шундай бўлса ҳам кузда ҳосил яхши бўлиб, капсанчиларнинг жони кириб қолди. Буларнинг ҳар бири, бошқаларнинг ноаҳиллигидан хафалигини э'тиборга олмаганда, ўзини мурод-мақсадига еткан ҳисоблар ва бундан яхши тирикчиликни кутмас, орзу ҳам қилмас эди.

Мана шу вақтда колхозчилик ҳаракати бошланиб кетди.

Мирзаорол блан Бешсеркада биттадан иккита колхоз бўлиб бунинг нима эканлиги капсанчиларга ма'лум эди: ер-сув ўртада бўлади, ҳукумат трактор ва бошқа хил машиналар беради, пахта экиб катта даромад олинади, ҳамма даромад а'золар ўртасида барабар бўлинади... Броқ капсанчилар ўша хилда колхоз бўла олишини, битта водокачка устида муроса қилолмаган одамлар

ер ҳам ўртада бўлганда қандай муроса қилишини ҳеч ким тасаввур қилаолмас эди. Бунинг устига теварак-атрофдан, колхозга кирган киши еридан тортиб уй-жойигача, кетманидан тортиб уловигача, эчкисидан тортиб товуғигача ўртага ташлаши керак эмиш деган хабарлар кела бошлади. Бу гап капсанчиларга сира ёқмади. Буларнинг бирдан бир умиди — бу гапларнинг ёлгон ёққиши, ёлгон чиқмаган тақдирда ҳам бирон ғаламис чиқарган ҳангама бўлиб, ҳукумат буни бекор қилиши ва ўша ғаламисни жавобгарликка тортиши эди.

Шу ойнинг охирида райондан вакиллар келиб, капсанчиларнинг мажлисини чақирди. Водокачка майдонига ҳамма йиғилди, ҳатто бетоб ётган кишилар ҳам келди. Вакиллардан бири, бу қишлоқнинг та'рихини яхши билар экан, капсанчиларнинг ўтмишдаги ҳаётини батафсил гапириб берди, лекин бу гаплар капсанчиларнинг қулоғига кирмас эди. Ҳамма унинг колхоз тўғрисида гапиришини хоҳлар, колхоз тўғрисида ҳозир тарқалган гаплар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини билгуси келар эди. Нотиқ ер ислоҳоти ҳақида сўзлади; ўша вақтда „Худо бермаган ерни бандасининг қўлидан олмайман“ деб аввал ер олишдан бош тортган ба'зи кишилар ҳақида гапириб ҳаммани кулдирди; сўнгра „Мана шунақа, ба'зи одамлар биров қулоғидан чўзиб, тумшугини овқатга ишқамагунча оғзини очмайди“ деди.

Капсанчилар кўнгиллари очилиб, нимадандир хотиржам ва мамнун бўлиб тарқалишди.

Капсанчиларнинг кўпчилиги колхозга кирмасляк, гарчи нима эканлиги ҳозир очиқ кўринмаса ҳам, катта бир нарсадан маҳрум бўлиш эканини сезар, лекин киришга келганда ўзининг серсут эчкисюю, масалан, қўшнисининг камсут эчкиси, ёки, ўзининг бир туп ўруклик ҳовлисюю, қўшнисининг яйдоқ чордевори кўз олдига келиб, ўйланиб қолар эди. Бундан ташқари буларнинг ҳар бири капсанчилар ниҳоятда ноаҳил, ҳеч йўл блан қовуштириб бўлмайдиган одамлар, зоғора ундан чап-чап ёпса буладикки, булардан колхоз қилиб бўлмайдиган қаноатда эди. Шунинг учун булар орасида „мол-мулки баравар, бир-бири блан чиқишадиган, бир-бирини кўнгли тортадиган одамлар бирикиб колхоз эмасу, колхозчи бўлса нима қилади?“ деган фикрлар пайдо бўлди. Лекин бу фикрдан ўзлари айнишди, чунки шу хилдаги „колхозчи“лар трактор ишлатадиган бўлса трактор ер ҳайдашдан кўра кўпроқ йўл юрар экан.

Капсанчиларнинг к,лчилиги, — бири иккиланиб, бири таваккал қилиб, бири „Ҳукуматимиз деҳқоннинг зиёнига иш тутмайди“ деган ишонч блан, бири бошқа бировга эргашиб — колхозга кирди. Қолганлари ҳам кириш олдига турганда Хўжақишлоқда колхозга қарши бир тўполон чиқдию, бу тўполонда муштумзўрларгина эмас, камбағал деҳқонлар ҳам қатнашганлиги буларни чўчитиб қўйди. Бу тўполон, колхозлаштириш ишида маҳаллий раҳбарлар йўл қўйган хатоларни дастак қилиб, муштумзўр — хўжалар томонидан қўзғатилган фитна эканлиги то ма'лум бўлгунча яккахўжаликлар бисотларида бор нарсалардан еб буладиганини

шошиб-пишиб еб, бўлмайдиганини тупроқ баҳоси сотиб ши-  
шийдам бўлишди. Фитна ва яккахўжаликларнинг бу ишлари кол-  
хозчиларни ҳам ўйлатиб қўйди. Булар, қўллари ишга бормай, кўк-  
дамнинг қизгин иш пайтини ўтказиб юборишти. Бунинг оқибати  
шу бўлдики, кузда ҳосил жуда кам унди. Колхозда ҳисобот иши  
йўқлиги сабабли ўша кам ҳосилнинг ҳам бир қисми толон-торож  
бўлди; қолгани, ким қанча ишлагани ма'лум булмагани учун,  
жон бошига баробар тақсим қилинди. Натижада қишдан одамлар  
суроби тортилиб, отлар аравани кўрса куладиган ва бошқа жон-  
ворлар думидан кўтарилмаса туролмайдиган бўлиб чиқди. Бу  
ҳол колхозчиларда норозилик, яккахўжаликларда колхознинг  
якши эканлигига яна шубҳа туғдириб қўйди.

Қишнинг яримидан бошланган озиқ-овқат танқислиги арпа  
пишиғигача борди. Бу орада колхозчилардан анчаси колхоз иши-  
ни қўйиб, дар'едан балиқ овлаш, бу балиқларни Азизтепа бозо-  
рида қовуриб сотиш блан машғул бўлди. Колхоз раиси булар-  
нинг бозорда „Ғарчча мой“ деб ўтирганини ўз кўзи блан кўрса  
ҳам индаёлмас, чунки ўзининг қўғазорликларига сўзи ўтмас,  
шу сабабли бошқалардан тили қисик эди.

Ишбайнинг хила кеч жори қилинганлиги, ҳисобот иши ҳамон  
оқсаганлиги орқасида колхозчилар бу йилги куздан ҳам рози  
бўлишмади. Даромад тақсимотидан бошланган можаро қишнинг  
яримигача чўзилиб, раиснинг раисликдан бекор қилиниши блан  
тўгади. Янги раис сайлаш иши ундан ҳам каттароқ можарога  
сабаб бўлди. Бутун колхозчилар яна уч гуруҳга бўлиниб, ҳар-  
қайси гуруҳ раисни ўзидан сайлашни хоҳлар эди. Можаро узоқ-  
қа чўзилгандан кейин раисни ҳеч қайси гуруҳдан ҳам сайламас-  
лики ма'қул кўрилди ва четдан холис раис тавсия қилинишини  
сўраб район ташкилотларига мурожаат қилинди. Район ташки-  
лотлари, худди шу мурожаатга маҳтал бўлиб турган экан шекил-  
ли, дарҳол Ўрмонжон Амонов деган кишини тавсия қилди,

Ўрмонжон Амонов, Товулда ер ислоҳотидан кейин-оқ собиқ  
батрақлардан ташкил топкан „Қизил Қўшчи“ колхозининг ҳосилот  
кенгаши раиси бўлиб, колхознинг ҳозир капсанчилар бошдан  
кечираёткан гўдаклик чоғларини кўрган, уни балоғатга етказиш  
учун меҳнати синган, олиқдор бўлиб қолган ҳавсалаги, ғайрат-  
ли бир киши эди. Бир кун уни район партия комитетининг сек-  
ретари ўртоқ Аҳмедов чақиртириб, даб-дурустан „Капсанчилар  
қишлоғини биласизми?“—деб сўради. Ўрмонжон бу ғалати номни  
эшитган бўлса ҳам қишлоқнинг ўзини билмас эди. Аҳмедов қиш-  
лоқнинг князь ва эшон зомонидан тортиб бугунгача бўлган та'ри-  
хини, унда бўлиб ўтган ҳамма катта-кичик ходисаларни батаф-  
сил сўзлаб берди-да, „Биз сизни шу колхозга раисликга тав-  
сия қилдик“—деди. Ўрмонжон тинч жойидан нотинч бўлишни  
истамаса ҳам, Аҳмедовга ҳурмати ҳаддан зиёда бўлганлиги  
учун, сўзини қайтармади.

Бир ҳафтадан кейин капсанчилар мажлис қилиб, ҳар қайси  
гуруҳ худди бошқасидан ҳузур қилиб ўч олаёткандай, шавқу-  
завқ блан Ўрмонжонни бир оғиздан раисликка сайлашди. Бир



неча кундан кейин Ўрмонжон бола-чақасини, энг зарур кўч-курагини олиб келиб, Кўғазордаги собиқ водокачанинг харобасини ўзига уй қилиб олди.

Колхознинг идораси йўқ, ёмон кўрган одамларининг номини ҳам вақт кичик ҳарф блан ёзадиган котиб қаерда ўтирса идора ўша ерда; бутун ҳисобот иши хўжакўрсин учунгина каттакон чўт кўтариб юрадиган, лекин чўт қоқишни яхши билмайдиган ва нима учундир ўрама газ ҳам олиб юрадиган ҳисобчининг қўлида эди. Омборчи, худди қизиқчиликга семиргандай, ҳаддан ташқари семиз, лекин абжир ва мушукка ўхшаб мулоийм қадам босадиган Тожибой деган бир киши бўлиб, капсанчилар унинг қўли қалблигини билишса ҳам „четдан келган одам, еса ҳам холис одам есин“ деб индашмас эди. Фақат унинг тўғрисида латифа тўқишкан: Тожибой роса олти путу юз пайса бўлиб, ҳар куни қиём пайтида ўзини боқаторозида тортар эмиш; роса олти путу юз пайса келса секин торозидан тушиб, осмонга қаргани ҳолда кўзларини юмиб, тишининг оқини кўрсатар ва қорнини силкитар, я'ни кулар, мабодо кам келса, рангги ўчганича югириб омборга кириб, бир нима еб чиқар эмиш...

Колхоз янги кўчиб кирилган ҳовлига ўхшар эди: ҳеч нарса жойида эмас; одамлар бир-бири блан худди жуда чарчаган, саранжомини олалмаганидан хуноб бўлгандай гаплашар эди.

Ўрмонжон яқин ўн кунқи далз айланиб, кечқурунларни айниқса чоллар блан суҳбатлашиш учун қишлоқнинг ягона самоварида чойхўрлик қилиб ўтказди. Одамлар у блан очилиб гаплашмас, Ўрмонжон келганда ба'зи уларнинг суҳбатидан файз кетар эди. Брок бу узоққа бормади. Ҳа демай хусусан чоллар унга ихлос бўйишди. Бунга сабаб бақа-қуруллоқлик Мадамин-бога деган етмишларга бориб қолган бир чолнинг ўлими бўлди.

Ўрмонжон Мадамин бобонинг қазо қилганини кечаси эшитдию, азонда унинг уйига бориб, жанжал устидан чиқди, Мадамин бобонинг кампири, қавм-қариндоши, ёру-жўралари бўлган чоллар бир тарафу, унинг чоч қўйган, ит'ёқа сариқ кўйлак ва бўқоқлиқ жигаранг шим кийиб, тўппонча тақиб олган йигирма ёшлардаги ўғли бир тараф бўлиб, чолга жаноза ўқитиш-ўқитмаслик устида муноқаша борар эди. У районда ишлар экану, отасининг ўсалигини эшитиб, у блан видео'лашиш учун эмас, унга жаноза ўқилишининг олдини олиш учун келган экан. Онаси зор-зор йяғлар, отаси жаноза ўқитиш ҳақида васият қилганлигини айтиб, шу ерда турганларнинг ҳаммасини гувоҳликга тортар, ёш йигит кўнмас, дўқ урар, тўппончасини гоҳ қўймучига, гоҳ ёнбошига суриб қўяр эди. Ўрмонжон кампирни юпатди, хуноб бўлиб турган чолларга кўз қисдию, ёш йигитнинг олдига бориб, „Ука, отанг шундай васият қилганига ишанмайсанми?“ деб сўради Йигит хўмрайиб, „тушунмаган одам қилса қилабери-да!“ деб жавоб берди. „Бордию,—деди Ўрмонжон—ўша тушунмаган отанг фалон жойга бир хум тилла кўмиб қўйганман, шуни ковлаб олгин деб васият қилган бўлса ковлаб олармидинг? Ўлганинга қарзмай пешанангни боғлаб тушарсан дейман?“. Ўрмонжон шу гапни айт-

дию, гангиб қолган ёш йигитнинг жавобини ҳам кутмай маросимга ўзи бош бўлди; чолни кўнгилдагидек қилиб дафн қилди-ҳатто қабр устида қур'он ўқилгандан кейин ўзи „Мадамни бобо қандай одам эди?“ деди. Унга ҳамма „Худораҳмати!“ деб турил-лаб жавоб берди.

Шундан кейин ҳамма, хусусан чоллар самоварда унинг атро-фига тўпланадиган, бир-икки кун сомоворга чиқмаса унинг суҳ-батини кумсайдиган бўлди.

Бир суҳбатда алла нимадан гап чиқдию, кимдир ер ислоҳоти-дан бурун бўлган дар'ё тошқини ҳақида гапирди. Бу тошқин-да олти минг танобдан ортиқроқ экинни сув босган, агар Тош-кентдан ўн тўққизта қайиқ ўз вақтида олиб келинмаганда талай одам ўладиган бўлган экан. Бир чол Герман урушидан бурунроқ бўлган тошқинда князьнинг чўчқаларидан иккитаси, капсанчи-лардан бир киши фарқ бўлганини айтди. Шу хилдаги тошқинлар вабо қўзғалган, Оқ Пошшо Мингтепа қишлоғини тўлга тутиб теп-текиз қилган йилларда ва ундан илгари ҳам бўлган экан. Ўрмонжон тошқин бўлган йилларни аниқроқ суриштириб қараса тошқин тахминан ҳар ўн йилда бир мартаба бўлар экан. Демак бу йил баҳорда бўлмаса янаги йили баҳорда албатта бўлади ва янги туғилган қўзичоқдай зўрға оёқ узра турган колхозни пий-палаб ташлайди.

Ўрмонжон, та'би тирриқ бўлиб, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдию, эртасига қиём вақтигача юриб Қўғазордан Қўшчиноргача бутун дар'ё бўйини кўздан кечирди. Бақа-қуруллоқдан ярим чақирим юқорида бири юз эллик ва иккинчиси икки юз қадамдан ортиқ-роқ иккита даҳана бўлиб, тошқин вақтида сув шу ердан ўтар экан. Бу даҳанани тўсиш-дамба қилиш учун бутун Капсанчилар қишлоғи камида уч ой яшлаши керак эди.

Ўрмонжон, торвузи қўлтуғидан тушиб, Аҳмедовнинг олдига борди. Бу боришдан мақсади колхознинг аҳволини ва бунинг устига капсанчилар бошига келадиган фалокатни айтиб, бу кол-хозга раислик қилиш қўлидан келмаслигини араз этиш эди. У гапни тошқин ва дамбадан бошлаган эди, Аҳмедов, худди бир ери санчигандай, қошини чимирди-да, унинг сўзини бўлиб, бу йил тошқин ва дамба тўғрисида гапириш капсанчилар колхозига ҳар қанақа зўр тошқиндан ҳам каттароқ зиён етказишини бил-дирди. У ҳар ўн йилда бир мартаба зўр тошқин бўлишини, ўткан тошқинда сув қаерларгача бориб қанчалик зарар етказганини яхши билар, ўша даҳаналарга дамба қилиш ҳақида ўзининг планлари бор экан. Бу гапни эшитиб Ўрмонжон шунча хурсанд бўлди, шунчалик кўнгли тўқ бўлдики, бу планнинг тафсилотини ҳам сўрамади. Дар'ё бўйини кезиб, даҳаналарни қадамлаб ўлчаб юрганида кўзига тоғ бўлиб кўринган дамба ҳозир кундалик юмиш орасида битиб кетадиган бир ишдай кўринар эди. Аҳмедов у блан хайрлашганида яна писанда қилди: „Бу йил тошқин, дамба тўғрисида сўз очиб бўлмайди!“ деди, кейин кулимсираб илова қилди: „Колхоз шу аҳволда кетаберса келаси йилга ҳам айтиб бўлмайди. Кишвлар оч. Оч одамга узоқдаги думбадан яқиндаги

ўпка яхши. Шу вақтда дамба тўғрисида гапирсангиз колхозчи колхознинг ишини қўйиб балиқ овлайди. Бундан ташқари колхозчи ҳозирги аҳволида нимасини тошқиндан эҳтиёт қилади? Ертўласинию, балиқ овидан ҳам камроқ даромад берадиган экининими?"

Ўрмонжон райондан янги куч, янги ғайрат ва бошида турли-туман планлар блан қайтдию, бир ҳафта тайёргарлик кўрганидан кейин правления мажлисини чақирди ва колхозни оёққа бостириш учун лозим кўрган чораларини бирма бир баён қилди. Бу чоралардан бири Бақа-қуруллоқдаги ҳамма ерга пахта экиш, шу муносабат блан ҳамма бригадаларни қайтадан тузиш эди. Капсанчилар қишлоғи ўнбеш-ўн олти йилдан бери пахта эмагани, капсанчиларнинг кўпчилиги пахтани билмагани учун Ўрмонжон пахтани унча-мунча биладиган кишилардан пахтакор бригадалар тузиш ва буларга тажрибали кексаларни бригадир қилиб тайинлашни лозим кўрар эди. Правления а'золари пахта экишни жуда-жуда ма'қул кўришди, лекин пахтанинг Бақа-қуруллоққа экиш ва пахтакор бригадалар масаласи хила мунозарага сабаб бўлди. Пахта учун энг мувофиқ ер Бақа-қуруллоқ эканлиги, энди айирмачиликга сра ўрин қолмаганлигини ҳамма билиб турар ҳам бу нарса бақа-қуруллоқликларга ёққани қўшчинорликлар блан қўғазорликларнинг қитиғига тегар эди. Пахтакор бригадалар тузишда бу бригадаларга ҳар ким ўз ёру-дўсти, қовм-қариндошини тиқиштиришга зўр берар эди. Ҳар қалай Ўрмонжоннинг таклифи ўтди. Энди бу масалаларни колхозчиларнинг умумий мажлисига қўйиш керак эди.

Правления мажлисида мунозарага сабаб бўлган бу икки нарса умумий мажлисда жуда катта тортишувга сабаб бўлиши муқаррар эди. Пахта қаерга экилмасин, пахта ишида ким ишламасин ундан келадиган даромад ҳамманики—колхозники эканлигини буларга сўз блан уқдириш кўп машаққат эди. Шунинг учун Ўрмонжон бу нарсаларни умумий мажлисга қўйиш олдидан хўп ўйлаб, бир йўл топди.

Колхоз тузилган вақтда унга „Ивановознесенский“ деб ном қўйилган, бу ном жуда узун бўлгани учун ҳеч ким колхозни бу ном блан атамас, ҳатто расмий ҳужжатларда ҳам „Капсанчилар“ дейлар экан. Ўрмонжон мана шундан фойдаланди. Колхозга янги ном қўйиш, албатта, зарур. Ўрмонжоннинг мўлжалига кўра агар унга „Қўшчинор“ деб ном қўйилса бу ном қўшчинорликларнинг кўнглини тўқ қилиши, шулар қатори бўлган қўғазорликларга тасалли бериши керак эди. Ўрмонжон худди шундай қилди: умумий мажлисга биринчи масала қилиб колхозга янги ном беришни қўйди. Биров „Инобатлик“ деди, Ўрмонжон „биз ҳали инобатлик бўлганимиз йўқ“ деб унамади; биров „Меҳнатда роҳат“ деди, Ўрмонжон яна кўнмади, „биз ҳали меҳнат ҳам қилганимиз йўқ, роҳат ҳам кўрганимиз йўқ“ деди. Ким нима деса Ўрмонжон важ кўрсатиб, унинг таклифини рад қилаберди. Ниҳоят ҳеч ким ҳеч нима демай қўйгандан кейин ўзи „Қўшчинор“ бўлсин деб таклиф қилди. Бу таклифга қўғазорликлардан бири

қарши чиққан эди, Ўрмонжон „Ҳа, Қўғазор қўяйликми бўлмаса?“ деб унинг оғзига урди. Шундан кейин бақа-қуруллоқликлар оғиз очалмай қолди. Шундай қилиб колхозга „Қўшчинор“ деб ном қўйилди.

Шундан кейин Ўрмонжон асосий масалаларни „Қўшчинор“ колхозининг Бақа-қуруллоқ участкасига буткул пахта экиш ҳамда бу участкада ишлаш учун „Қўшчинор“ колхозининг пахта ишини биладиган а'золаридан пахтакор бригадалар ташкил қилиш“ деб қўйди. Ҳар иккала масала ҳам шундай силлиқлик блан ўтдики, правления мажлисида мунозара қилган правления а'золари хижолатда қолишди, правления қарорини ёқлаш учун сўзга тайёрланганларнинг сўзлашига аҳтиёжи бўлмади.

Капсанчилар ҳеч қачан бундай аҳил бўлишмаган эди. Бу аҳиллик кўклам ишида ўз самарасини берди. Ўрмонжон бу бошланган ишнинг яхши оқибатига колхозчиларни яна ҳам ишонтириш учун, ҳамир учидан патир деб, пахтага қилинган шартнома юзасидан бўнак олиб ҳаммага бўлашиб берди.

Одамлар уюшди, иш бошланиб кетди. Энди бу ишни бошқариш, колхоз хўжалигини тартибга солиш, мустаҳкамлаш зарур эди. Бунинг учун ишчан правления, ҳар ишга қобил аппарат керак эди. Ўрмонжон ёз бўйи шу блан машғул бўлди. У правления ишини шундай йўлга бурдики, правления а'золаридан икки киши зиммасига тушкан вазифаларни удда қилолмай исте'фо берди. Ўрмонжон бутун қийинчиликни ўз устига олиб ҳисобчини, котибни, ёшлардан яна бир неча кишини олти ойлик ўқишга юборди.

Мана шу кунлардан бир куни Ўрмонжон кечаси уйига келса омборчи Тожибой битта қўю, бир жўра беқасам ташлаб кетипти. Ўрмонжон куддю, ўша тобнинг ўзида уни чақиртириб шундай деди: „Беқасамни ўзингиз кийинг. Лекин қўйни икита қилиб, кузгача ўзингиз боқиб беринг. Яхшилаб боқинг! Йиғим-теримни олганимиздан кейин тўй қилмоқчимиз, шунда ўз қўлингиз блан сўйиб берасиз. Бу—бир. Иккинчи: бугундан бошлаб сиз омборчиликдан бекар бўлдингиз, омборнинг калитини Эгамберди акага топшинг. Учинчи: сизга ўзингизга ўхшаган қирови тўкилмаган иккита йигит бераман, учовларинг тўйгача мана шу тўқайдан беш юзу қирқ саржин ўтин қиласизлар. Тўқайнинг ҳарер-ҳареридан кесманглар, бир бошдан, мана шу яланглик томондан кесингларки, ер очилсин. Янаги йилга бугдой экани бизга қўшимча ер керак. Тушиндингизми? Беш юзу қирқ саржин! Бир саржин кам бўлса ҳам сизларни тўйга киргизмаймиз. Гап шу. Норози бўлсангиз правленияга ариза беринг“.

Тожибой гинг деялмай, қўйни етаклаб чиқиб кетди. У, Ўрмонжон бу гапни ошкоро қилади деган уйда уч-тўрт кун ваҳимага тушиб юрди, ҳеч гап бўлавермагандан кейин бир қадар хотиржам бўлиб, гўё ўтин қилиш ташаббусини ўза ўйлаб чиқаргандай, серҳаракат, сердағдаға бўлиб ишга киришди. Даслабки кунларда у Ўрмонжондан жуда миннатдор эди, лекин ўзи оғир ишда озган ва уйдаги икки қўй семирган сойин раисга қарши юрагида адоват пайдо бўлар, авж олар эди.

Янги омборчи тайин қилинганлиги, эски омборчининг саржинчилик қилиб юрганлиги блан бошда ҳечкимнинг иши бўлмаган, бунга ҳамма шундоқ бўлиши керак деб қараган эди. Омборга арпа, буғдой қирабошлагандан кейин ҳамманинг диққати янги омборчига жалб бўлди. Ба'зи кишилар унинг ҳар бир ҳаракатидан, ҳар бир қилмишидан, ҳар бир оғиз сўзидан бир қаллоблик излар, эски дўппи кийса „Тулки“, янги дўппи кийса „Безбет“ дер эди. Мана шундан кейин унинг қандоқ қилиб омборчи бўлиб қолганлиги ҳақида гап кўпайди. Кимдир Ўрманжон ҳали бу ерга кўчиб келмасидан бурун шу одамнинг уйида бир-икки кеча ётканлигини эслади. Шундан кейин омборчи у ёқда қолиб Ўрманжон оғизга тушиб кетди. Тожибойнинг хиёнатини кўриб, билиб туриб индамаган, ҳатто „Майли, еса ҳам четдан келган одам есин“ деган кишилар энди унинг нима учун омборчиликдан беозоргина бўшатишганлиги, кўпчиликнинг нонини туя қилиб келган киши нима учун осонликча қутилиб кетабергани тўғрисида бўғилиб сўзлашар, очиқ айтишмаса ҳам, раис ундан бир нима еган деган мазмунда ҳар хил қочириқлар қилишар эди. Ўрманжон бу гапларни эшитса ҳам Тожибойни бўшатиш ва Эгамбердиакани омборчи қилиб тайинлашда правлениянинг олдидан ўтмаганлиги, ўзбошимчалик қилганлиги учун ўзидан хафа бўлиш блан кифояланиб қўя қолди, бу гаплардан келиб чиқадиган ёмон оқибатнинг олдини олмади. Бунинг оқибати шу булдики, кичкинагина риханак каттакан чипқонга айланди. Йиғим-терим олиниб, яхши ҳосил шодиёнасига бўлган тўй арафаси кунин Тожибой колхоз ҳисобида бўлмаган икки қўйни сўйиб ўртага ташлаганда „Раис ўзидан кўрқди, боқдириб қўйган қўйини ўртага солди“ деган гап чиқди. Бу ҳақда Тожибойдан сўралганда у ҳам жўртага „Хўжайин боқ дедилар—боқдим, сўй дедилар—сўйдим“ деб мужмал жавоб берди. Тожибой бошлиқ уч киши тўқайдан беш юзу қирқ саржин ўтин қилиши керак экинлиги одамларга ма'лум эди. Булар беш юзу қирқ саржин ўрнига уч юз саксон саржин ўтин қилишди. Етмаган бир юзу олтмиш саржин тўғрисида ҳам одамлар бадғумон бўлишти: буларнинг чамасига кўра Тожибой раис блан битишиб, бир юзу олтмиш саржин ўтинни пул қилган бўлса керак эди.

Бу гаплар ошқора, жиддийроқ бир йўсунда айтилмагани, қуруқ ғийбат руҳида бўлгани учун Ўрманжон бунга ҳанўз аҳамият бермас, эшитганида кулиб қўя қолар эди. Брок тўйга таклиф қилинган маҳаллий раҳбарлардан биронтаси ҳам келмаганлиги уни ташвишга солиб қўйди. Находки шу гаплар районгача етган бўлса, находки район раҳбарлари қуруқ ғийбат эканлиги очиқ кўриниб турган гапларга э'тибор бериб, бирон хулоса чиқаришкан бўлса! Ўрманжон тўй кунин, хусусан кечки пайт ниҳоятда диққат бўлса ҳам, тўйга гард қўндирмаслик учун ўзини ҳаммадан ҳам хурсандроқ тутди, ҳамма ерда ўйин-кулгига бош бўлди.

Ўрманжон индинига, раҳбарлар нима учун келмаганлигини билиш, бунга ҳақиқатан ўзи тўғрисидаги гаплар сабаб бўлган бўлса бунинг ғийбат эканини айтиш, ҳақиқатан тушиндириш учун районга борди. Аҳмедов областьга кетган экан. Район ижроия

қўмитасининг раиси уни яхши ҳосил блан табриклади, тўйга боралмагани учун узур айтди; кейин унга бир даста газета узатар экан, лабидаги табассумни яширишга ҳаракат қилиб „Тинчликми?“ деди. Ўрмонжон сўз нима тўғрида кетаётганини фаҳмлади-да, бу гап ғовлаб кетиб газетага ҳам ёзилипти-да, деб кўрқиб кетди. У, газетани олар экан, „Бу гапларнинг чиқишига менинг бир ўзбошимчалигим сабаб бўлди“ деб гап бошлаган эди, раис „биламиз,—деди афтидан Аҳмедовни ҳам кўзда тутиб—буни биламиз, лекин ўзбошимчалик қилишингизга сабаб нима бўлди? Раис колхознинг хўжайини эмас, раҳбари!“ деб жеркиб ташлади; сўнгра қўли блан бу гап тамом бўлди деганга ишора қилиб, „Газетани ўқинг, кейин гаплашамиз“ деди. Ўрмонжон газетани варақлаб „Тошқин“ сарлавҳалик каттагина бир мақолани кўрди. Мақола ҳар ўн йилда бир мартаба бўладиган зўр тошқин ва „Қўшчинор“ колхозининг қарийб ҳамма ервини, унга қўшни колхозларнинг еридан анчагина қисмини сув босиб кетиши, бундан келадиган зарарлар ҳақида сўзлаб, бу офатдан қутилиш йўлларини кўрсатар ва „Қўшчинор“, „Ишчи“, „Бешйиллик“, „Қизил ғайрат“, „Ленин йўли“ колхозларини ҳашарга чақирар эди.

Иккита катта-катта дамба қилишнинг бутун оғирчилиги Қўшчинор устига тушади деб ўйлаган ва бундай катта ишни бошлаб ахирига еткизаолишга кўзи чандон етмаган Ўрмонжон бу мақолани ўқиб шу қадар сўюндикки, ўзи тўғрисидаги ғийбатлар ҳам эсидан чиқиб, мақолани колхозчиларнинг умумий мажлисида қандай муҳокама қилиш ҳақида раисдан йўл-йўруқ олдию, бетўхтов жўнаб қолди.

Колхозчиларнинг умумий мажлисида бу мақола ўқилгандан кейин унда айтилган тошқинлардан бирнечасини ўз кўзи блан кўрган чоллар чиқиб, „Бу газетни мийяси бутун одам чиқарипти, ҳамма гапи тўғри“ дейишди. Ўрмонжон бу ишда маҳаллий ҳукуматнинг берадиган ёрдами, яна тўрт колхознинг бош қўшуви ҳақида гапиргандан кейин мажлис аҳли бир оғиздан „Бажарамиз“ деди, қарор қабул қилди.

Иш даромад тақсимотидан кейин бошланиб қўшчиқар олдида тўгади. Ўрмонжон бу ишни шу қадар оғир, колхозчилар шу қадар азоб чекади деб ўйламаган эди. Ҳаво совуқ, қаттиқ шамоллар кўз очгани қўймаган кунларда бошқа колхозчилар унчамунча ғирромлик қилиб, оғирчилякнинг кўпи Қўшчинорга тушди. Совуқ ва оғир меҳнатда абгор бўлган колхозчиларнинг руҳини кўтариш, оғир меҳнат ва шафқатсиз табиатни енгиб чиқишга уларда ишонч тугдирриш учун Ўрмонжон бутун имкониятдан фойдаланар, ўзи ҳам улар блан баробар кетман урар, замбал кўтарар эди. Мана шу кунларда колхозчилардан бир мунчаси кетиб қолди.

Бу ишда одамларнинг тортқан азоби шу қадар жон-жонларидан ўтиб кетдики, дамби битиши муносибати блан бирон хурсандчилик ҳам қилишмади. Лекин шундай хурсандчилик орадан бир ярим ой ўткандан кейин, дар'ёнинг суви кўтарилиб, дамбанинг яримидан юқорироққа чиққанда ўз-ўзидан бошланиб кетди. Ўша

куни кечқурун қишлоқнинг бутун аҳолиси иккита дамбанинг устига чиқиб, ярим кечагача ўйин-кулги қилди. Дар'ё буларнинг оёғи остига бош қўйгандай жимгина оқар эди.

Шу ғалаба ва хурсандчилик кайфияти ёз бўйи колхозчиларнинг дилидан аримади. Булардан ҳар бири, қаерда нима иш блан машғул булмасин, ўзини ҳар ишга қодир ҳис қилар, ҳар томчи теридан ҳам ўзи, ҳам эл учун бир кўнгилхушлиги унишига кўзи етар эди.

Қишда район ижроия қўмитаси блан район партия комитети шу атрофдаги ўнбир колхознинг сувга жуда муҳтожлигини назарда тутиб, дар'ёдан ариқ чиқаришга қарор қилди. Бу ариқ ўт-тиз бир километр узунликда бўлиб, Яккабоғдан чиқарилиши ва Шўртепанинг пастроғидан яна дар'ёга ташланиши керак эди.

Бу қарор чиққандан кейин Ўрмонжон колхознинг бу ишда иштироки тўғрисида ўйлаш блан бирга ариқнинг сувидан қандай фойдаланиш ҳақида ҳам режалар туза бошлади. Унинг режасига кўра „Қўшчинор“ колхозининг а'золари шу яқин йилларда ертўлалардан ер юзига чиқиши, Капсанчилар қишлоғидан нишон ҳам қолмай тамоман янги бир қишлоқ барпо бўлиши керак эди.

Баҳорда, колхознинг ариқ ишида иштироки тўғрисида чақирилган колхозчиларнинг умумий мажлисида Ўрмонжон сўзни Қўшчинор колхозининг келажакдан бошлаб, ўзининг бутун режаларини батафсил сўзлаб берди. У тасвир қилган келажакдаги Қўшчинор қишлоғи ҳозир хаёлий бир қишлоқ бўлиб кўринса ҳам, сув бўлса, трактор бўлса, одам аҳил бўлиб ишласа ўшандай қишлоқ, ўшандай турмуш бунёдга келиши мумкин эканлигига ҳамма ишанар эди. Шунинг учун колхознинг ариқ ишига иштироки тўғрисида првзления томонидан белгиланган ҳамма чора ма'қуланди.

Биринчи кун ариқ ишига ўн бир колхоздан икки мингу уч юз киши чиқди. Ишнинг шундай зўр ҳавас, ғайрат блан бошланишини кўп колхоз раҳбарлари ҳам ҳутишмаган эди. Ҳар бир кетман урган, ҳар бир замбил, қоп кўтарган киши худди хазина оҷаёткандай ҳаракат қилар эди.

Ўнбир колхоз доирасидаги яккахўжалликлар жуда ноқулай аҳволда қолишди. Ҳечким булардан ишга чиқишни талаб қилмас, ўзларича чиқишса иккита савзи келтириб, „Биз ҳам ошга шерик“ дегандай бўлар эди. Шундай бўлса ҳам булардан кўпчилиги ҳечкимга ҳеч нарса демай ишга чиқаберди, бир қисми колхозга кириш тараддудига тушди.

Сидиқжон бу ерга келганда ариқ асосан биткан, тўғон участкасида яна бирон ҳафталик иш қолган эди.

(Давоми келаси сонда),

М. ТУРСУНЗОДА

## УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА

Биласанми тоғ бургутин зеҳнини  
Боласига муҳаббати, меҳрини?  
Яшнаганда водиларнинг ҳар ёғи,  
Чиққанида ниҳолларнинг ёпроғи,  
Болаларин силаб-силаб бургут ҳам  
Темир қанот ўстиради дам-бадам.  
Сўнг чиқариб уясидан ҳавога  
Учиради кенг, поёнсиз фазога.  
Болаларин атрофида парвона —  
Бўлиб асрар ҳар балодан мардона,  
Шундай етар бургутчалар камолга,  
Чидам берар бўронларга, шамолга.  
Болалари эркин учса тез, баланд  
Кўриб бургут бўлар яна шод, хурсанд,  
Ғурурланиб болалари ёнида  
Учар, учар, учар бахтлар қонида.

Эй улуғ халқ — эй рус халқи, қабул эт,  
Сенга ёзган масалимни бир эшит,  
Тожикларга қанот берган сен ўзинг,  
Куч ва қувват, ҳаёт берган сен ўзинг.  
Улуғлигинг ва мардлигинг зиёда,  
Сенчалик дўст халқ кўрмадим дун'ёда,  
Бўлганидай бахтли, ширин онингда,  
Жангларда ҳам менинг халқим ёнингда.  
Ҳаммамиз бир ватандошмиз, қардошмиз.  
Кўнглимиз бир, сўзимиз бир, йўлдошмиз.  
Бир отанинг фарзанди биз, дури биз,  
Бир қуёшнинг шу'ласи биз, нури биз,  
Бирга-бирга бахтиёрмиз, дилшодмиз,  
Озод ватан қучоғида озодмиз,  
Майдон ора қўшилди соф қонимиз,  
Шу туфайли ортди шуҳрат, шонимиз.  
Мадҳинг қўшиқ бўлди бурро тилларда,  
Ишқинг доим жуш уради дилларда.  
Ойли тунда оққан Аму сингари  
Талпинади юрак доим сен сари.



Токи жоним бўлар экан танамда  
Дўстлик куйин куйлай улуғ Ватанда,  
Илму-урфон денгизисан бепоён,  
Халқлар дар'ё каби оқар сен томон.  
Сен блан дўст халқлар бўлди бахтиёр,  
Сен бош бўлдинг яшнади бу кенг диёр.  
Халқларимиз истиқболи сен блан  
Саодати ва иқболи сен блан,  
Бирга-бирга яшаймиз шод музаффар,  
Бизга даҳшат солалмайди хавф-хатар.

*Тоҷикчадан АШИРМАТ таржимаси.*

ЭГАМ РАҲИМ

## ПАХТАКОР

Пахтадир ватанга сединг мададинг,  
Пахта яшнатади бахт-саодатинг,  
Бекорга ўтмасин куну-соатинг,  
Унумли ишламоқ бўлсин одатинг,  
Улуғ бўстон учун пахта бер, пахта,  
Шуҳратли-шон учун пахта бер, пахта.

Зафарга ярашар тамоша-базм,  
Ҳамма якдил бўлиб қилганмиз жазм,  
— Хижолатдан халос бўлсин Хоразм,  
Улуғ бўстон учун пахта бер, пахта,  
Шуҳрату-шон учун пахта бер, пахта.

Турмуш бўлсин десанг қувноқ ва тотли,  
Бўлмай десанг юрт олдида уятли;  
Бўлай десанг кўкда учар қанотли,  
Касбингда бўл бардам, толмас, саботли,  
Улуғ бўстон учун пахта бер, пахта,  
Шуҳрату-шон учун пахта бер, пахта.

Урганч.  
май, 1946 йил.



МИХАИЛ ШОЛОХОВ

## УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР

Кўм-кўк мовий осмонда, июль қуёши ёлқинлаб аланга сочади, шамол тўзитиб юборган оппоқ булут парчалари сузиб юради. Тупроқ йўлдаги танк гусеницаларининг изларини автомашиналар иланг-биланг қилиб босиб ўткан. Атроф эса иссиқдан қавжираб кетган саҳро: кўкатлар ҳолсизланиб ётиб қолган, оппоқ шўр ерларда ҳаёт асари кўринмайди, узоқдаги тепаликларнинг усти хароратдан жимирлаб кўринади; атроф шу қадар жимжитки узоқдаги юмронқозиқларнинг чийиллаши эшитилади, учиб ўтаётган қизил қанотли чигирткаларнинг қанотининг штирлаши иссиқ ҳавода узоқ қулоқдан кетмайди.

Николай олдинги сафда борар эди. У тепалик устига чиққач орқасига қаради ва Сухой Ильмень хутори учун бўлган жангдан кейин эсон-омон қолганларни кўздан кечирди. Сўнгги жангда қаттиқ зарба еган полкдан қолган юз ўн етти жангчи ва командирлар зич саф тортиб, ҳорғин қадамлар ташлаб, йўл устида булутдек тўзиб юрган саҳро чанггидан нафаслари бўғилиб борар эдилар. Иккинчи батальон командири контузия бўлган капитан Сумсков, йўл чеккасидан, оқсоқланиб борарди. У, майор ўлдирилганидан кейин полк қўмондонлигини ўз зиммасига олган эди. Сержант Любченконинг кенг елкасида чекиниш олдида иккинчи эшелондан топиб олиб келинган, ўнгиб кетган ғилобга ўралган полк байроғининг ёғочи тебраниб борар эди. Латталари чанг боскан енгил ярадор жангчилар ҳам кейинда қолмай қаторда борар эдилар.

Енгилган полкнинг секин-секин юриб боришида, жанглардан, иссиқдан, уйқусиз кечалардан ва тинмай кўп юриб чарчаган, лекин керак бўлса ҳар минутда яна жанг қилишга тайёр кишиларнинг солмоқли қадам ташлашида қандайдир ҳаяжонлаштиручи улуғворлик бор эди.

Николай ғамган, юзлари қорайиб кетган таниш кишиларни бирма-бир кўзидан кечириб чиқди. Шу бадбахт беш кун ичида полк қанча талафот кўрди. Иссиқдан ёрилиб кетган дабларни бурилабашлаганини сезиб Николай шобиб юзини ўгирди. Бехосдан ўпкаси тўлди, ўртоқлари кўз ёшини кўрмасин учун, бошини қуйи солиб, қизиб кетган каска сини пешонасига туширди...

У, орқада қолмай деб чўяндай оғир, чарчаган оёқлари бланбазур қадам босиб борар экан: „Бўшашиб кетибман, ланж бўлиб

қолибман... Бунинг ҳаммаси иссиқдан ва чэрчаганликдан", — деб ўйлади.

У, энди орқасига бурилмас, ерга қараб борар эди, унинг кўз олдида бу катта чекинишнинг асосий сабаби бўлган кейинги жангнинг айрим манзаралари сра эсдан чиқмайдиган тушдек гавдаланар эди. У яна, тоғ ёнбағридан даҳшат блан ўқдек учиб келаётган немис танкларини, чанг ичида физилаб ўтаётган автомашиналарни, портлашдан пайдо бўлган қора тутунларни ва дала бўйлаб, ўрилмаган бугдой ичидан тартибсиз равишда қочаётган қўшни батальон жангчиларини эсларди. Кейин, моторлаштирилган душман пиёда аскарлари блан бўлган жанг, ярим қуршовдан қутилиб чиқиш, ён томондан душмanning кучли ўтга тутиши, снаряд парчалари узиб кетган кунгабоқарлар, тумшуғи блан кичкинагина чуқурда кўмилиб ётган пулемёт, портлаш улоқтириб ташлаган, ўлиб чалқанча ётган пулемётчи, унинг устига тўкилиб тушган олтиндек сапсариқ кунгабоқар ёпроқлари ва ёпроқлар устига сачраган қип-қизил қон унинг кўзига кўриниб кетди...

Полк турган участканинг олдинги линиясига шу куни немис бомбардимончи аэропланлари тўрт мартаба ҳужум қилди. Душмanning тўрт танк атакаси қайтарилди. Буларни эслаб Николай „Яхши курашдик-ку турган жойни қўлдан бердик...“ деб ачинди. У бир лаҳза кўзини юмди яна гуллаб турган кунгабоқар жуяғи ичида, юмшоқ ерда чўзилиб ётган пулемётчи кўзига кўринди. У чалкаш хаёл қилиб кунгабоқарларнинг ўтоқ қилинмаганини, чунки колхозда ишчи кучи етишмаганини; кўп колхозлардаги кунгабоқарларнинг ҳам баҳордан бери ўтоқ қилинмай ўт босиб ётганини; пулемётчининг эса бахтли йигит эканини, шунинг учун у ҳозир солдатларча жон берганда ҳам ҳечқаери шикаст топмай, худди суратдагидек қулочларини ёзиб, бут-бутун бўлиб, кунгабоқар гулларининг барглари блан безаниб ётганини ўйлади. Сўнг Николай бу гапларнинг ҳаммаси пуч деди. Чунки у ажойиб ва азамат йигитларни замбарак ўқи парча-парча қилиб ташлаганини, бундай жасадаларнинг билиб бўлмас даражада расво бўлганини кўп марта кўрган. Мана бу пулемётчининг бутун қолиши эса бахтли тасодиф. Портлашдан пайдо бўладиган кучли ҳаво тўлқуни буни иргитиб юборган. Кунгабоқар гуллари унинг юзини, бу дунёнинг сўнгги ордоқлашидай силаган. Бу балки гўзал кўринар, броқ урушда ташқи гўзаллик, худди муқаддас нарсаларни эрмаклагандек туйилади, шунинг учун бўлса керакки, кучли қўлларини иссиқ ерга чўзиб, кўмкўк, хира кўзларини тўппатўғри қуёшга тикиб ётган бу пулемётчи унинг эсидан чиқмай қолди.

Николай бу кераксиз таассуротларни зўрлаб бўлса ҳам хаёлидан йироқлаштирди. У, ҳаммадан яхшиси ҳеч нарсани эсламасдан, ҳеч нарса тўғрисида ўйламасдан, мана шундай кўзни юмиб. солмоқли қадам товушларига қулоқ солиб бориш, кифтининг оғришига ҳам, ишиб кетган оёқларининг зириллашига ҳам мумкин қадар парво қилмай кетабериш керак деган қарорга келди.

У чанқади. Биларди-ки бир қултум ҳам сув йўқ, шунга қарамай қўлини бўш сувдонига чўзиб уни чайқаб кўрди ва оғзида йиғилган қуюқ, ёпишқоқ тупрукни ютди.

Шамол ёнбағирликдаги йўлнинг тупроғини учириб уни тақир қилиб қўйган эди. Бу ерга еткунча тупроқда эшитилмаган қадам товушлари тўсатдан аниқ эшитилабошлади. Николай кузини очди. Пастда-хутор, казакларнинг эллик чамаси атрофи дарахтлар блан уралган оппоқ уйлари ва сойининг ёйилиб оқаётган ери кўринди. Бу ердан, баландликдан, оқ уйлар худди кўкат ичида тартибсиз равишда ётган ялтироқ тошларга ўхшар эди.

Жим кетаётган жангчилар бироз жонландилар. Кишиларнинг товуши эшитилабошлади:

— Шу ерда дам олармиз...

— Бўлмасамчи, эрталабдан бери ўттиз километрча йўл босиб қўйдик.

Николай орқасида кимдир тамшаниб, ғижиллаган товуш блан деди:

— Киши бошига ярим пақирдан муздек булоқ суви бўлса...

Қанотларини тўрт томонга ёзган шамол тегирмонидан ўтгач хуторга кирилди. Сарик, ола-була бузоқлар четан девор тагидаги қуриб қолган ўтларни эринчаклик блан ер, қаердадир товуқлар астайдил қоқақлар, гулзорлар ичида қип-қизил гулхайрилар худди уйқуси келгандек бошларини қуйи солган, очиб қўйилган теразалардаги оппоқ пардалар аста-секин ҳилпирарди. Николайга бу тинчлик ва жимжитлик шундай та'сир қилдики, унга ошна бўлган, бундан кўп вақтлар илгари таниш бу манзаранинг тўсатдан йўқ бўлиб қолишидан, хаёл сингари бу иссиқ ҳавода кўздан ғойиб бўлишидан, қўрқиб кўзларини катта очди ва секин-секин нафас олди. Шўра босиб ётган майдонга чиқилганда пиёда аскарларнинг бир тартибда босаётган қадам товушлари яна пасайди. Фақат сўлиб қолган ўтнинг этик қўнжига шаппилаб урилиши эшитилар, бу кўкатлар этикларда кўкимтил чанг қолдирар ва нафасни бўғадиган чангга айна гуллаб ётган бурганнинг хушбуй ҳиди қўшилар эди.

Уруш бепоеъ Дон саҳросида кўзга кўринмаган мана шу хуторга ҳам етиб келди. Ҳовлиларда, омборхона деворлари ёнида медсанбат автомашиналари турар, кўчаларда сапёр қисмларининг жангчилари юрар, уч тоннали машиналар янги тилинган тахталар ортиб сой томонга утар эди. Майдон ёнидаги боғда эса зенит батареяси жойлашган. Дарахтлар ёнида турган тўплар кўкатлар блан яхшилаб ниқобланган, яқинда қазилган окоплар устида қуриб қолган утлар кўринар, энг чеккада, кўча муйилишига яқин ерда турган тўпнинг баланд кўтарилган даҳшатли стволини эса антоновка олмаси<sup>1</sup>нинг кўм-кўк, пишмаган олмалари осилиб турган катта бир шохи қучоқлаб турар эди.

Звягинцев Николайни тирсаги блан туртди ва хурсандлик блан деди:

<sup>1</sup> Антоновка олмаси — Россияда тарқалган кузги олма.

— Бу ер ўзимизнинг жой, Микола! Бундай кўкрагингни кўтар! Бу ерда дам оламиз, сой ҳам бор, Петка Лисиченконинг кухняси ҳам шу ерда, сенга яна нима керак?

Полк сой бўйидаги ташландиқ бир боғ ичига жойлашди. Николай муздек совуқ, бироз шўртам сувни ҳўплаб-ҳўплаб, шошмасдан, дам олиб, челақ лабига оғзини қўйиб ичар эди. Унга қараб Звягинцев деди:

— Ўғлингдан келган хатни ҳам худди шунга ўхшатиб, дам олиб-дам олиб ўқийсан. Мен бунақа чўзиб ўтиришни ёмон кўраман. Мунақа қилишга менинг сабрим чидамайди. Қани пақирни буёққа бер, ишиб кетасан бўлмас.

У, Николай қўлидан пақирни олди-да, бошини баланд кўтариб туриб, нафас олмай, худди от сингари симирди. Малла соқоли ўсиб кетган жағи ҳамон қимирлаб турар, кулранг, бўртиб чиққан кўзлари эса сузилган эди. Ичи бўлиб у томоғини қириб йўталди, гимнастёркасининг энги блан лабини ва ҳўл иягини артиб дўнғиллади:

— Сув унча яхши эмас экан, совуқлигини айтмасанг мазаси ҳам йўқ... Тузини эса бироз камайтирса ёмон бўлмасди. Яна ичасанми?

Николай бош чайқади. Шунда Звягинцев тўсатдан сўради:

— Сенга ҳадеб ўғлинг хат ёзади, лекин хотинингдан хат келганини кўрмадим. Хотинингга нима бўлган?

Николай ўзи ҳам кутмагани ҳолда жавоб берди:

— Хотиним йўқ. Ажрашганмиз.

— Қачон?

— Ўтган йил.

— Шундайми, — деди Звягинцев, афсуслангандай. — Болаларга ким қарайди? Иккита бўлса керак?

— Иккита. Онам қарайди.

— Хотинингни сен қўйдингми, Микола?

— Йўқ, у мени қўйган... Урушнинг дастлабки кунлари эди, командировкадан қайтиб келсам уйда йўқ, кетиб қолибди. Хат қолдирити-ю кетипти..

Иштаҳо блан сўзлаб турган Николай бирдан жим бўлиб қолди. Қовоғини солиб, лабларини тишлаганича олма дарахтининг соясига ўтириб, оёқ кийимини ечишга тутинди ва айтган сўзларига афсус қилди. Бир йилгача бу аламли воқияни ҳечкимга айтмай кўнглида сақлаб юриб-юриб мана энди ҳечнарсадан-ҳечнарсга йўқ рўпара келиб қолган бир одамга, „Менга кўнгли яқин экан“ деб сирни очиб беришнинг нима кераги бор эди?. Нега энди шуни айтиб қўйди. Унинг дарди блан Звягинцевнинг нима иши бор?

Звягинцев Николайнинг бошини қўйи солиб хафа бўлиб ўтирганини кўрмай яна гап сўрай берди.

— Ҳа, у шумтака бошқасини топгандир-да?

— Билмайман, — деди Николай совуққина.

— Демак топган! — муқаррар қилиб деди Звягинцев ва бошини чайқади. — Хотинлар мана шунақа бўладя-да! Ўзинг бир келишган йигитсан, оладиган маошинг ҳам ёмон бўлмаган бўлса

керак, яна нима керак экан унга? У ла'нати болаларини ўйламадими?

Николайнинг каска остига беркинган юзига синчиклаб қарганидан сўнг Звягинцев бу сўзларни давом этдириш керак эмас эканлигини тушинди. Содда ва раҳмдил кишиларга оид одоб блан у, бир хўрсиниб, гоҳ бир оёғини, гоҳ иккинчи оёғини босиб жим қолди. Кейин у икки ойдан бери бирга жанг қилиб келаётган, солдатлик жафосини баробар тортиб юрган, ўзининг бу жонажон дўсти, новқисон, кучли бир кишига ачинди, унинг кўнглини кўтаришни истади, ўзи тўғрисида ҳикоя қилиш ниятида ёнига ўтириб сўз бошлади:

— Сен у тўғрида қайғирма, Микола. Аввал уришиб бўлайликчи, кейин бир гап бўлар. Ҳаммадан муҳими — болаларинг бор экан. Ҳаммадан ҳам зарури — бола. Менинг тушинишимча яшашнинг ма'носи ҳам ана шунда. Бу вайрон этилган ҳаётни шулар тиклайди. Бу чакана уруш бўлгани йўқ, ахир. Хотинлар бўлса, мен сенга айтсам тушиниб бўлмайдиган махлуқ. Бир хиллари минг чиғриқдан ўтса ҳам ўз билганини қилади. Хотинлар ўлгидек хира бўлади, мен уларни яхши биламан! Юқори лабимдаги тиртиқни кўряпсанми? Бу ўткан йил бўлган. Биринчи май куни мен ўртоқларим комбайнчилар блан йиғилишиб ичадиган бўлдик. Хотинларимиз блан оилавий ўтиришга йиғилишдик. Ўйнадик, кулдик, гармон топиб келдик, бир оз ичиб ҳам олдик. Ўзим ҳам жиндак ичиб олдим, хотиним ҳам. Хотиним, сенга нима деб тушинтирсам бўлар экан, бир нарсани бошласа, худди немис автоматчиси бор ўқини отиб бўлмагунча тўхтамаганидек у ҳам мана шунақа қуруқ дўққа уста.

Шу ўтиришимизда бир қиз ҳам бор эди, у „циганочка“га яхши ўйинга тушар эди. Мен унга қарадим, мароқим келди, лекин кўнглимда ҳечқандай ғаразим йўқ эди. Хотиним бўлса секин ёнимга келиб қўлимни чимчилади, қулоғимга — „Қарама унга!“ деб шипшиди. Ана халос, бу ўтиришда кўзимни юмиб ўтирсам дуруст эканда, деб қўйдим. Яна қарадим. Хотиним яна олдимга келиб сонимни қаттиқ бураб олди. „Қарама дейман!“ — деди. Қиздан юзимни ўгирдим, кел эй, қўй қарамай қўяқолай сенга, шундай лаззатнинг баҳридан ўтдим, деб ўйладим. Ўйиндан сўнг овқатга ўтирдик. Хотиним рўпарамга ўтириб олди, унинг мушукники сингари юмалоқ кўзларидан десанг худди ўт чақнарди. Қўлим блан сонимнинг кўкарган ерлари қаттиқ оғрир эди. Бу бадбахт қизга яна қараб: „Сени деб азоб чекиб ўлтирибман! Оёғингни ўйнатган сену, балого қолган мен бўлдим“ — деб ўйладим. Мен қизга қараб шуларни кўнглимдан ўтказиб турувдим ҳамки стол устидаги туника тарелкани олдию қулочкаш қилиб туриб башарамга солса бўладими. Мўлжал масаласида у янглишмаган, албатта, чунки, у пайтларда менинг юзим баркашдек эди. Ишонсанг агар ҳалиги тарелка икки букланиб кетипти, бурним блан лабимдан худди оғир ярадор бўлгандек қон оқабошлади.

Қиз қўрқиб қийқариб юборди, гармончи бўлса ўзини диванга ташлаб оёқларини баланд кўтариб олди-да қотиб, қотиб кулди ва

бўкириб: „Ур уни самовар блан, афти-ангори келишган экан, ҳечнарсга қилмайди!“ деди. Менинг кўзим тинди! Ўрнимдан турдимда хотинимни сўқдим. „Бу нима қилиқ ҳайвон, ҳу, уша сени...“ У бўлса пинагини бузмай: „Қизга кўзингни тикма маллаво! Мен сенга айтдимку“ — дейди. Шундан кейин бироз мен ўзимга келдим, ўтирдим, хотинимни сизлаб унга мурожаат қилдим: „Сиз Настасья Филипповна демак ўз маданиятингизни шундай қилиб кўрсатар экансиз-да? Сиз томонингиздан одамлар олдида бунингдек тарелка отиш жуда ҳам келишмаган иш, шуни сиз эсингизда тутинг, ҳали уйга борганда сиз блан бу тўғрида тукчасига гаплашамиз,“ — дедим.

Турган гап, хотиним бу қилиғи блан, байрамни ҳам расво қилди. Лабим торс ёрилиб кетган, битта тишим қимирлаб қолипти, кашта тикилган оқ кўйлагим қон, бурним бўлса ишиб бир ёққа қараб қийшайиб кетган. Улфатлардан ажралиб чиқиб кетишга тўғри келди. Ўрнимиздан турдик, хайрлашдик, уй эгаларидан узир сўрадик, қондан бажо келтириб уйга жўнадик. Хотиним олдинда, мен бўлса гуноҳкордек орқада борар эдим. Ла'нати йўлда туппа-тузук кетаётиб эди уйга боргач эшикдан кирдю, ўзини таппаташлаб ҳушидан кетиб қолди. Ётипти, нафас олмайди, юзи лавлагидек қип-қизил, туриб-туриб чап кўзини аста-секин очиб менга қараб қўяди. Энди уришиб сўкиш бўлмайди, ла'натига яна бир бало бўлиб қолмасан, деб ўйладим. Сув селиб, амаллаб ҳушига келтирдим. Бир нафас ўтмай у яна ҳушидан кетди. Бу сафар кўзини очиб қарамай ҳам қўйди. Яна бир пақир сўвни бошидан қуйган эдим ўзига келди, шовқун кўтарди, ер тепиб йиғлайбошлади.

„Сен, фалон-писмадон — дейди, — янги кўйлагимни расво қилдинг, ҳаммаёгимни ивитординг, энди бу кўйлак очилмайди! Шарманда! Учраган қизга бақрайиб қоласан! Мен энди сендай аблаҳ блан ортиқ тураолмайман!“ — ва шунинг сингари гаплар бўлиб ўтди. Ҳа, модомики ер тепишга дармонингетар экан ва кўйлагингга ачинар экансан, — демак ҳали-бери ўлмас экансан — деб қўйдим.

Стол ёнига ўтириб чекабошладим, қарасам жононим ўрнимдан туриб сандиқни очди-да, майда-чуйдасини йиғиштириб тугабошлади. Тугунини кўтарганича эшик ёнига бориб: „Кетдим энди. Синглим блан тураман“ деди. Кўриб турибманки унинг ниҳоятда қайсарлиги тутган, унга тўсқунлик қилишнинг фойдаси йўқ, шунга кўра мен ҳам рози бўлиб индамай қўяқолдим. „Майли кетавер, у ерда яхшироқ турарсан“, — дедим. „Ҳа, ҳали шундайми, — деди у, — ҳали сенинг менга кўнглинг шуми, қайтариш ўрнига-я?!“ Бундай бўлса мен ҳечқаерга кетмайман. Шу ернинг ўзида ўзимни осаман, токи сендек итваччанинг бутун умри виждон азобида ўтсин!“.

Звягинцев, хотиротга берилиб кетиб, ёнидан тамаки халтасини олди, кулиб, бош чайқаб тамаки ўрайбошлади. Николай тердан ивиб кетган иссиқ пайтавасини ушлаб турар, мудраб, эринчаклик блан у ҳам илжайар эди. Қудуқ олдига бориб пайтавасини ювмоқчи бўлса ҳам қизиқиб кетган Звягинцевнинг сўзини бўлгиси кел-

мас эди, ундан ташқари ўрнидан туриб офтобдан юриб боришга мадори ҳам йўқ эди. Звягинцев махоркасини тутатиб сўзида давом этди.

— Ўйлаб туриб: „Майли булмаса Настасья Филипповна, осабер ўзингни, арқон ана сандиқнинг орқасида ётипти“ дедим. У тугинини итқитиб арқонни олди-да нариги уйга кириб кетди. Столни сурди, арқоннинг бир учини қадим болалар беланчаги осиладиган илгакка илди, иккинчи учини сиртмоқ қилиб бўйнига солди. Столдан оёғини узмай, тиззаларини букиб, энгаги блан сиртмоқни тортиб худди ростдан осилган одамдек хириллайди. Мен булсам ўтирган жойимдан қимирламадим, эшик қия очиқ бўлгани учув ҳамма бўлаётган воқиа менга очиқ-ойдин кўриниб турар эди. Бироз индамай турдим-да кейин баланд овоз блан дедим: „Хўдога шукр, ўлди шекилли. Азоб-уқубатдан қутилдим!“ Хотиним стол устидан ирғиб тушди-да тўғри олдимга келиб мушт дўлайиб: „Ҳали сен ўлсам хурсанд бўлар экансан-да?! Мени севадиган эрнинг аҳволи шуми?!“ деб бақирди. Мен уни зўрға босиб олдим. Қайфим тарқаб кетди, ўтиришда бир литр чамаси ичилган арақ ҳам бекор кетди. Бу жангдан кейин ўтириб олиб уйладим: ўртоқларим Народний домга театр кўргани кетишгандир, менинг ўйимда бўлса текин тамоша. Кулгим қистайди, лекин юрагим ғаш.

Шайтондан тарқаган хотинлар мана шунақа хилаларни ҳам билади! Яхши ҳам шу куни уйда болалар йўқ эди: уларни бир қариндошим уйига меҳмонга олиб кетган эди, бўлмаса қўрқиб ўлишарди.

Звягинцев бироз жим қолди, кейин секин, ҳовликмай сўзида давом этди:

— Хотини иккови бутун ўмрини шу хилда ўтказибди деб ўйлама, Микола. Хотиним шу кейинги икки йил ичида айнади. Уни айнишига, гапнинг очиги: бадий адабиёт сабаб бўлди.

Саккиз йилгача одамлар қатори туппа-тузук ҳаёт кечирдик, у тракторчига ёрдамчи бўлиб ишларди, ҳушидан ҳам кетмас эди, бошқа ҳунарлари ҳам йўқ эди, кейин ҳархил ҳикоя китобларни ўқийбошлади-да шундан кейин қилиқ чиқарди. Шундақанги билмидон бўлиб олдики, жўн гапи йўқ, илмоқдор қилиб гапиради, китобга берилиб кетгани шунчаки, туни блан ухламай китоб ўқиб чиқади, кундузи эса эсини йўқотган қўйдек гангиб юради, оҳ чекади, ҳеч ишга қўли бормади. Шундай ғамгинлик блан юра-юра бир куни олдимга келиб тортинчоқлик блан деди: „Сен Ваня, бирор марта менга юксак муҳаббат изҳор қилмадинг. Бир марта бўлса ҳам китоблардагидай юмшоқ сўзингни эшитмадим“. Менинг жаҳлим чиқиб кетди. „Мулла бўлиб қолибди!“—деб ўйладим ва унга: „Эсингни йиғиб ол Настасья! Сен блан ўн йилдан бери бирга умр қиламиз, уч боламиз бор, энди изҳор муҳаббат қиладиган яна қанақа жойи қолди? Қайси тилим блан мен сенга муҳаббат тўғрисида сўзлайман! Ёшлигимда ҳам ҳечкимга мулойим сўз айтишни билмас эдим, кўпроқ қўлим блан иш битираар эдим, энди шунча ёшга кирганимда ўлсам ҳам бу йўлга кирмас-



ман, мен сен ўйлаган аҳмоқлардан эмасман! Сен бундақанги бе-ма'ни китобларни ўқиб юргандан кўра болаларинга дурустроқ тарбия беришни ўйлагин!" дедим. Болаларим ҳақиқатан ҳам қарамсиз бўлиб қолишди, безорилардек чопишиб юргани-юрган, ифлос, бурни оққан, ундан ташқари рўзгоримиз ҳам режадан чиқиб кетди.

Ўйлаб кўр, Микола, шу ҳам иш бўлдики? Мен ҳам албатта маданият тарафдориман, техника ёки моторлар тўғрисида ёзилган китобларни ўқишни мен ҳам яхши кўраман. Қизиқ китобларим жуда кўп эди, айниқса тракторга қараш, моторлар, деталларни стационарларга ўрнатиш тўғрисида, комбайнлар тўғрисидаги китобларимни эса қўяберасан. Жуда кўп айтдим: „Ҳой Настасья мана трактор тўғрисидаги китобни ўқи. Жуда қизиқадиган китоб суратлари, чертёжлари ҳам бор. Сен буни ўқиб ошно бўлишинг керак, ахир сен тракторчига ёрдамчи бўлиб ишлайсан-ку“ дедим. Ўқиди, деб ўйлайсанми? Ўқиб бўпти! Китобларимни кўрса имони учар эди. Унга бадний китоблар бўлса-ю ичида муҳаббат тўғрисида ёзилган бўлса. Шунча сўкдим, ялиндим ҳам, бўлмади. Лекин урмадим. Чунки комбайнчи бўлишдан бурун олти йил заводда босқончи бўлиб ишлаган эдим, шунинг учун қўлим жуда бақувват бўлиб кетган эди.

Кўрдингми оғайни, бизнинг оилавий ҳаётимиз, мени армияга чақиргунча, мана шундай ўтиб турган эди. Айрилиқ, ҳозир менинг учун осон деб ўйлайсанми? Ундай эмас! Сиримни сенга айтсам, Настасья Филипповна блан алоқамни сра тузатолмадим. Қандай қилмай бўлмади! Сен ўзинг яхши биласанки, Микола, бу ерда, фронтда қайси биримиз уйдан хат олсак хурсанд бўламиз, келган хатни жангчилар бир-бирига ўқиб беради, мана сен ҳам ўғлингдан келган хатларни менга ўқиб берардинг, мен эса хотинимдан келган хатни ҳечкимга ўқиб бераолмайман, нега десанг — уяламан. Харьков ёнида турганимизда хотинимдан бирин-кетин учта хат олдим, учтавини ҳам бошида: „Менинг қимматли қўзим!“ деб ёзади. Ўқийману қулоқларим ловуллаб кетади. Бунақа қўзи гапларни қаердан топти экан деб ўйлайман, ақлим етмайди, ҳарҳолда ҳикоя китоблардан ўқиб ўрганган бўлса керак дейман. Одамларга ўхшаб „қимматли Ваня“ ёки бошқача қилиб ёзса ўларми экан, ҳадеб „қўзим“ дейишни қўймайди. Уйдалигимда мени маллавоё деб чақирарди, фронтга келганимдан бери менга қўзим деб от қўйиб олипти. Ҳамма ёзган хатларида болалар соғ-саломат, МТС да деярлик янгиликлар йўқ деб икки оғиз ёзиб қўяди-да, хатнинг қолган қисмини фақат муҳаббат тўғрисида ёзади, яна шунақанги сўзларни танлаб ёзадики ўқиб тураб қулоқларим битиб, кўзларим тиниб кетади...

Шунақа хатларидан иккитасини ўқиганимдан кейин, худди маст одамдек гаранг бўлиб қолдим. Иккинчи взводдаги Слюсарев келиб, хотининг нима янгиликлар ёзипти, деб сўраб эди, мен даррав хатни чўнтакка яшириб, қўлим блан „сўрамай қўяқол яхши йигит, менинг ғашимга тегма“, дегандай қилиб ишора қилдим. У сўрайди: „Ўйингда тинчликми? Авзойингга қараганда— дей-

ди у — бирар, бахтсизлик рўй берганга ўхшайди". Нима деб жавоб берсам бўлади! Уйлаб туриб: „Кампир бувим бор эди ўлиб қолипти“ — дедим. У ҳам ишониб, қайтиб кетди.

Кечкурун ўтириб хотинимга хат ёздим. Аввал болаларимга, қариндошларга салом айтдим, ўзим тўғримда анча ёздим, кейин: мумкин бўлса бундан кейин менга ҳар турли келишмайдиган лақаблар қўямасанг, ўз исмим бор, бундан ўттиз беш йил илгари балки „қўзи“ бўлсам бўлгандирман, лекин ҳозир туппа-тузик қўчқор бўлиб қолдим, ўзим ҳам саксон икки килограмм келаман, бундай оламни қўзи дейиш тўғри келмайди. Ундан кейин яна илтимос қиламан — муҳаббат тўғрисида ёзишни бас қил, менинг саломатлигимга ҳалал берма, бундан кўра МТСда ишларнинг бориши, қишлоқдан урушга кимлар кетмай қолгани, янги директор қандай ишлайтгани тўғрисида ёз! — деб ёздим.

Чекинишимиздан сал олдин жавоб олдим. Хатни олдим, қўлларим титради, очиб эдим — иситмам чиқиб кетди! „Салом бўталоғим!“ деб ёзипти, тўрт варақ хатнинг ҳаммаси фақат севги ҳақида. МТС тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ, бир ерида мени Иван деб эмас, аллақандай Эдуард депти. Хотиннинг бўладигани бўлипти деб ўйладим. Бу севги деган бадбахтни худди китобдан кўчириб олган бўлса керак, бўлмаса Эдуард деган исмини қаердан олсин, ёки турли-туман вергуллар ишлатишни қайдан билсин? Умри биво бўлиб вергул нима эканлигини билмас эди. Мана энди битта хатдаги вергулларнинг сон-саноғи йўқ. Унинг хатидаги вергулнинг сони серсоқол кишининг соқолидан ҳам кўпроқ. Лақабларчи? Аввал „қўзи“ деб, кейин „бўталоқ“ деб исм қўйган у одамдан нималарни кутмаслик мумкин, — деб ўйладим. Бешинчи хатида мени Трезор<sup>1</sup> ми ёки яна бирор биябоб исм блан аташи ҳам мумкин. Нима мен циркда туғилганманми? Уйдан чиққанымда „ЧТЗ“ трактори ҳақидаги китобимни олиб чиққан эдим, китоб ўқигим келиб қолса ўқирман деб ёнимда олиб юрибман, шунинг икки варағини кўчириб ёзиб хатга солиб юборсаммикан, роса қасдимни олар эдим — деб ўйладим-ку яна бу фикримдан қайтдим. Қаттиқ тегиб кетмасин дедим. Лекин барибир уни бу бема'依лик кўчасидан қайтариш учун бир нима қилиш керак... Сен қандай маслаҳат берасан, Микола?

Звягинцев, ўртоғига ғамгин кўз ташлаб, йўталиб қўйди. Николай, чалқамча тушиб ухлаб қолди. Пастга осилиб тушган қора мўйлаби остидаги қинғир-қийшиқ тишлари оқариб кўринар, дўрдоқ лабининг икки четда эса табассум изи кўриниб турар эди.

\* \* \*

Кўп вақт ўтмай Николай уйғонди. Майин и аббода олма барглари тибратарди. Кўкатлар устига тушган ранг-баранг ялтироқ шу'лалар турланиб турарди. Қаердадир, яқин ерда, гуррак гуриллар ва буни гоҳ тўхтаб, гоҳ ишлаётган трактор маторининг

<sup>1</sup> Трезор — итларга бериладиган исм.

овози босиб кетар эди. Кўчадан кишилар овози, кулки эшитилди, кейин кимдир жаранглаган овоз блан қичқирди:

— Мен сенга ҳамма гап свеча<sup>1</sup>да демадимми. Шведкалиди сендами? Олиб кел буёққа ука! Келақол бўта кўз!

Боғдан сўлиган кўкатлар, тутун ва куйган бўтқа ҳиди келар эди. Дала ошхонаси ёнида Николайнинг дўсти броньтешар Петр Лопахин қийшиқ оёқларини кериб турарди. У тамаки чекаркан ошпаз Лисиченко блан эринибгина айтишар эди.

— Яна бўтқа пиширибсан-да ахта!

— Ҳа, яна бўтқа пиширдим, оғзингни чакки қилма!

— Бўтқанг жонимга тегди, билдингми?

— Қаерингга теккани блан менинг нима ишим бор.

— Сен ҳам ошпаз бўлдинг-у. Дидинг йўқ, фазандамассан, бирор дурустроқ овқат қилишни ҳам ўйламайсан. Калланг хом ошқовоққа ўхшайди, шундай қишлақ бўлсаю бирор қўйнимни, чўчқаними эгасига билдирмай, сўраб оламсанг? Карам шўрва пиширардинг, яна қуюғи ҳам бўларди...

— Жуна, жуна, бундақанги маслаҳатларни кўп эшитганман.

— Уч ҳафтадан бери бизни сўк бўтқа блан боқасан, халос. Ошпаз ҳам шунақа бўладими, ахир? Сен ошпаз эмас ямоқчисан.

— Ҳа антрекот егинг келиб қолипти-да? Ёки катлет бўлсинми?

5

— Ўзингни катлет қилса бўларди, асли. Жуда ҳам етилибсан, иккинчи ранг интендантлардек семирибсан.

— Оғзингга қараброқ гапир Петька, олдимда қайноқ сув бор-а... Медсанбатга бордингми?

— Бордим.

— Ҳуш?

— Ҳеч гап йўқ.

— Нега бориб эдинг?— Лопахин, ёлғондан эснаб, индамай қолди. Бошини бир томонга қийшайтириб, табассум блан унга тикилиб турган Лисиченко жавоб кутар эди.

— Ўзим бордим, бирор таниш учраб қолармикан, деб ўйлаб эдим,— деди Лопахин бепарволик блан.

— У ерда келишкангина бир қиз бор эди... Тузоғингга илинмадимми?

— Мен тузоғимга илинтирмоқчи бўлганим ҳам йўқ.

— Ҳа-ҳа, шундай дегин! Этигиггни ўт блан тозалаятганингни, медалингни латта блан артаётганингни кўриб эдим. Демак медалинг ҳам иш бермапти-да? Қандай қилиб ҳам иш берсин? Ординг бўлганида ҳам бошқа гап эди, сенинг „Жасурлик учун“ медалингни ҳечким кўрмаган деб ўйлайсанми? У ерга шунақа орденли кишилар келади-ки сра қўяберасан!

— Тентак,— деди Лопахин жаҳлсиз.— Айтяпман-ку сенга, бу гап хаёламда ҳам йўқ эди, деб, мен шунчаки қишлоқни айланиб келдим, халос. Сенинг овқатларингни еган одам қизларга қарай-

<sup>1</sup> Свеча — трактор қисми.

дими. Кейинги пайтларда менинг шундай силлам қуриди-ки, ҳатто тушимга хотиним ҳам кирмай қўйди.

— Энди қанақа тушлар кўряпсан, қаҳрамон?

— Жирсиз тушлар кўраман, сенинг бўтқанг сингари ҳархил бемаза нарсалар тушимга киради.—Уюшиб қолган қўлларини силаб ўрнидан турар экан Николай „булар гап сотиб чарчамас эканда“ деб ўйлади.

Лопахин масқарабозларча та'зим қилиб, унинг ёнига келди.

— Қандай дам олдилар ҳурматли мистер Стрельцов?

Николай нохушлик блан.

— Бор, ошпаз блан гаплашавер, менинг бошим огрияпти,— деди. Лопахин шишадек ўғри кўзларини қисди ва тушинган киши бўлиб бош чайқади.

— Ма'лум бўлди: чекинаётганимиз туфайли руҳан эзилгансиз, кун иссиқ, бошингиз огриган, шундай бўлса керак? Юр, Коля, овқатгача чўмилиб келамиз. Ҳа демай йўлга тушармиз. Бизникилар ҳаммаси чўмилишяпти. Мен ҳам бир марта чўмилиб олдим.

Николай Лопахин блан яқинда дўстлашиб қолди. „Светлий путь“ совхози учун бўлган жангда булар окопда ёнма-ён бўлиб қолишди. Лопахин полкга бундан бир оз илгари, янгилар орасида келган эди. Николай блан у жангда биринчи мартаба бир-бирини таниди. Броньтешарларимиз икки танкни юз эллик-юз метр яқин келтириб ёндириб юбордилар, броқ ёрдамчиси ўлгандан кейин Лопахин бир оз кечикиб қолди, шунда учинчи танк тўхтовсиз ўқ узиб тўғри бостириб келаверди, броньтешарлар окопини босиб ўтиб тўппа-тўғри тўпчилар батареяси турган томонга йўл олди. Николай тиз чўккан ҳолда титраган қўллари блан автомат дискасига ўқ жойлар эди. У танк гусеничалари остидан ёғилаётган сариқ тупроқларнинг Лопахин окопини тўлдираётганини кўрди-да броньтешарларимиз ҳалок бўлди—деб ўйлади, кейин бир неча секунд ўтгач, ўша тупроққа тўлган окопдан, ҳали тарқалмаган сариқ чанг нчидан, танк ёриб ўтган томонга қаратилган броньтешар милтиқ кўринди. Ўқ отилди, тўсатдан тўхтаб қолган танкнинг қопқора зирҳи устида пайдо бўлган аланга худди калтакесак сингари ўрмалайбошлади, кейин танкдан қўюқ, қоратутун кўтарилди. Худди шу пайт Лопахин Николайни чақирди.

— Ҳой, мўйлабли қора йигит! Тирикмисан?—Николай бошини кўтариб эди Лопахиннинг қизариб кетган, даргазаб, лойга беланган юзини кўрди. Ер бағирлаб судралиб келётган немисларни кўрсатиб, шишадек кўзларини бақрайтиргани ҳолда Лопахин:

— Нега отмайсан, лавашанг?! Кўрмаяпсаними, ана ўрмалаб келяпти! — деб бақирди. Николайнинг биринчи отган ўқи марза устидаги газак ўтларининг оплоқ бошини учуриб кетди, нишонни бироз пастроқ олган эди, автоматининг тарақлаб турган овози аралаш икки мартаба такрорланган дод овозини эшитди ва жуда хурсанд бўлиб кетди.

Кечқурун, жангдан кейин, ертўлага Лопахин кириб келди. Қизил аскарларни бирма-бир кўздан кечириб сўради:

— Ичингларда қорача келган, мўилабли, келишган, худди инглиз министри Антон Иденга ўхшайдиган бир йигит бор эди, ўша қани-а?

Николай юзини чироғ томон бурган эди Лопахин уни кўриб жиддийлик блан деди:

— Охир топдим-а сени! Юр ҳамшаҳар, эшикка чиқиб чекиб келамиз.

Улар ер тўла ёнига ўтириб чекабошладилар.

— Сен сўнги танкни боплаб урдинг-да,—деди Николай, қоронғуда броньтешарнинг қорайиб кетган юзига тикилиб қаради.—Мен икковинг ҳам тупроқ остида қолдинг деб ўйлаб туриб эдим, қарасам милтиқнинг учи чиқиб қолди...

Шунда Лопахин кулки аралаш сўзни бўлди:

— Мен ҳам худди шуни кутиб туриб эдим... Қилган ишимга тан берасану, окопинга танк бостириб келаётганида нега ўзинг ўқ узмайсан? Нега мен сўкиб бермагунча автоматчиларга қарши ўт очмадинг? Менга сенинг мақташинг бир пул, тушундингми? Мароқланиш эмас, иш кўрсатиш керак.

Николай табассум блан худди ўша пайтда ҳамма ўқларини отиб тамомлагани туфайли бироз тўхтаб қолганини тушунтирди. Лопахин, кўзини қисиб ишонмаган назар блан қараб, деди:—

— Жангга тайёр эмаслигинг жангга кирганингдан кейин малум бўлиб қолдими? Икковимизнинг ўртоқлигимизда фақатгина бир нарса етишмайди: сен ўз номусингни чўнтагинга солиб қўйиб менга ўқ етказиб бериб турсанг-у, мени мақтайберсанг, сен учун ҳам ўзим жанг қилсам... Шундайми? Бу жуда ғалати ўртоқлик бўлар эди-да...

Лопахин Николайни хўмраяётганини сезиб, калтагина кучли қулини чўзди ва очиқ кўнгиллик блан деди:

— Хафа бўлма. Рост гапга ҳам хафа бўладими, киши? Зарурат бошимизни қўшган экан—жангда ҳам бирга бўламиз. Кел танишиб қўяйлик, икковимиз ҳамшаҳармиз шекилли. Сен Ростов областиданми? Шундай бўлса, мен ҳам Шахта шахриданман. Дўст бўламиз.

Шу кундан бошлаб улар оддий, солдатларча, мустаҳкам ва ҳақиқий дўст булиб қолдилар. Калака қилишни яхши кўрадиган, тили ўткур, хотин-қизларга дарров ёпишадиган ва хушчақчақ Лопахин камгап ва ўйчан Николайга жуда мос тушган эди, уларни кўрганда секин қимирлайдиган, анча ёшга бориб қолган украинали старшина Попришченко кўпинча шундай дер эди:

— Агар Петр Лопахин блан Николай Стрельцов иккавини хамир қилиб битта одам ясаса—иккавидан битта дурустроқ одам келиб чиқар ё чиқмас эди, одам чиқмаса нима чиқар эдикин?

Сой буйида сапёрлар ёғоч арралар, сувнинг чайқалган овози ва чўмилаётган қизил аскарларнинг хурсанд ҳайқиринлари эшитилар эди. Лопахин блан Николай пайхон бўлган ўтлар устидан ёнма-ён индамай боришарди. Кейин Лопахин таклиф қилди:

— Юр кўпрукнинг нариги томонига ўтамиз, у ер чуқурроқ бўлса керак.—У йиқилиб ётган шох девордан аввал ирғиб ўтди

ва йўл устида турган тягач<sup>1</sup> машинани имо блан кўрсатди. Кийимлари мой блан қорайган икки тракторчи унинг мотори олдида ивирсиб турар, белигача яланғоч бўлиб олган Звягинцев эса уларга ёрдам берар эди. Унинг ниҳоятда кенг кифти ва мускуллари бўртиб чиққан кучли қўллари машина мойига буланган, юзида бошидан энгагигача қоққоро чизиқ тортилган. У ихтиётдан гимнастеркасини ешиб қўйган ва машинага учраб қолганига хурсанд бўлиб қўлидаги калид блан завқ қилиб ишлар эди.

Лопахин ўтиб бораётди:

— Ҳой олифта! Йигитлардан совун сўраб олиб биз блан чўмилгани юр, бир бало қилиб сени тозалаб қўййлик,—деди.

Звягинцев унга қаради ва Николайни кўриб хурсандилжайди.

— Никола, мана бу машинани қарая, заб машина экан-да! Жуда ҳам зўр. Тортаётган нарсасини қара. Олдига келиб эдим ўзимни худди уйда, МТС дадек ҳис қилдим... Бу мотор учта комбайнни торта олади, худо ҳақи тортади!

Звягинцевнинг кўпчиган юзида шу қадар беғубор соддалик ва хурсандлик акс этардики Николайнинг унга беихтиёр ҳаваси келди.

• • •

Тиниб ётган сув устида сариқ гуллар оқиб юрарди. Зах, балчиқ ҳиди келарди. Ечингач, Николай уст куйлаги блан пайтавасини ювиб олди, кейин қум устида тиззаларини қучоқлаб ўтирди. Лопахин унинг ёнига ётди.

— Бугун негадир ғамгивсан, Николай...

— Нимага ҳам хурсанд бўламан? Хурсандликка ҳеч қандай асос йўқ.

— Сенга яна қандай асос керак? Тирикмисан? Тириксан. Бўпти, хурсанд бўлавер да. Бугун ҳаво яхши бўлди-а! Офтоб чарақлаяпти, сой бўлса ёнингда, сувда гуллар оқиб юрипти. Жуда гўзал манзара! Мен сенга хайронман: эски солдатсан, чамаси бир йилдан бери урушдасан-у худди аскарликка энди олинадиганларга ўхшайсан. Сен нима деб ўйлайсан, душман бизни суриб келаётгани учун шу блан иш тамомми? Уруш тамому, қиёмат қойим бўладими?

Николай афсусланиб, юзини тириштириб, деди:

— Уруш тамом деган гапнинг нима даҳли бор? Мен ҳеч ундай деб ўйлаганим ҳам йўқ, лекин юз берган воқиага мен энгил баҳо бераолмайман. Сен эсанг ҳазил фаҳмлайсан, гўё ҳечнарсга бўлмагандай ўзингни бепарво тутасан. Менинг учун зўр фалокат рўй бергани аниқ. Бу фалокатнинг қанча катталигини сен блан биз билмаймиз, аммо унча-мунча нарсага ақлимиз етади. Беш кундан буён чекиниб келяпмиз. Донга яқинлашиб қолдик, ундан кейин Сталинград... Полкимиз ер блан яқсон бўлди. Бошқаларчи? Армиямизчи? Фронтимизнинг кенг участкада ёриб ўтганлари аниқ. Немислар изма-из қувиб келяпти, фақат кечагина узоқлашиб ке-

<sup>1</sup> Тягач — оғир тўпларни тортадиган махсус машина.

таолдик, халос, биз ҳамон чекиниб боряпмиз, қачон тўхташимиз нома'лум. Ахир бундай ҳеч нарсадан хабарсиз кетавериш ғурбат эмасми? Одамлар бизни қандай кўз блан кузатаётганини кўрдингми? Ақилдан озиб кетади, киши!—Николай тишларини гижирлатиб, юзини бурди. Бир минут ўз ҳаяжони блан курашиб жим қолди, кейин секин, босиқ гапира бошлади:

— Буларнинг ҳаммасини ўйласанг жонинг халқумингга келади, сен бўлсанг „жонинг саломат қолипга хурсанд бўлавер“ дейсан, қўёшдан, сувда оқиб юрган гуллардан мароқланасан... Гулларинг блан бирга жаҳаннамга кетмайсанми! Уларни кўрсам кўнглим айнийди! Сен ярамас пьесадаги ҳайбаракаллачиларга ўхшайсан, ҳатто медсанбатга бориб қизлар блан гаплашиш ҳам юрагингга сиғипти...

Лопахин суякларини қисирлатиб керишди-да деди:

— Мен блан чакки бирга бормадинг. У ерда, Коля, шунақанги учинчи даражали бир доктор хотин борки, уни кўрсанг тўхтовсиз жангга кириб ярадор бўлишни истаб қоласан. Доктор хотин эмас, паришта, худо ҳаққи!

— Кел қўй бўлмаган сафсатагни!

— Йўқ, рост! Шундай фазилатли, шундай чиройли хотинки сра қўйверасан! Доктор хотин эмас—олти отар миномёт, командирлар уёқда турсин биздақанги солдатлар учун ҳарқанақа миномётдан ҳам ҳавфлироқ.

Николай индамай оппоқ булутнинг сувдаги аксига ғамгин қараб ўтирган эди, кейин Лопахин қизишмасдан ғазаб блан гапира бошлади:

— Мен ит фе'л бўлиб икки оёғим ўртасига думимни қисиб олишга ҳеч қандай асос тополмайман, тушундингми? Бизга зарба бердиларми? Демак сабаби бор. Тузикроқ жанг қилишимиз керак! Ўз ерингизнинг ҳарбир қаричи учун жон олинг, душманни шундай урингки ўлим талвасасига тушсин. Урушини билмас экансиз уриб бурнингизни қонаткандан кейин, халойиқнинг норози бўлиб қарашига хафа бўлманг. Нима иш кўрасатдингизки, кишилар сизни ҳурмат блан қарши олсин? Бетингга тупурмагани учун ҳам раҳмат дегин, ҳа, шунисига ҳам шуқр қил! Сен-ку энгил-елли одам эмассан, менга айтчи: нега немис бирар қишлоқни ишғол қилса қишлоқнинг тангадекгина кичкина бўлишига қарамай биз уни не-не кучларни сарф қилиб, ёни-атрофини ўпириб зўрга қайтариб оламиз, каттагина шаҳарларни эса ба'зан жангсиз топшириб йўртиб қоламиз. Ахир шу шаҳарларни қайтариб олиш ҳам керак ку, ёки амакингиз қайтариб оладими? Бундай бўлишининг сабаби шуки; биз, сен блан оғайни, ҳали астайидил жанг қилишни ўрганганимиз йўқ. ғазабимиз ҳам ҳали авж олгани йўқ. Аввал урушини яхши ўрганиб олсак, шу блан бирга жангга кетаётганда душманга бўлган ғазабимиз ниҳоят даражада зўр бўлса ана ўшанда немис шарққа томон орқасини ўгириб қолади, билдингми? Мен, масалан ғазабимдан шу қадар қизишиб кетганманки, менга тупурсанг тупуригинг жазиллайди, мана шунинг учун менинг руҳим тетик, ғазабимнинг зўрлигидан

думияни қисиб эмас, хола қилиб юрибман. Сен бўлсанг думияни ҳам қисиб олибсан, йиғлоқи ҳам бўлиб қолисан. „Аттанг полкимиз тор-мор бўлди! Аттанг Армиямиз тор-мор бўлди! Немислар ёриб ўтдилар!“ дейсан. Минг ла'нат ўша немисга! Ёриб ўтишга-ку ёриб ўтди, биз куч йиғиб унга зарба берганимизда уни бу ердан ким олиб чиқади? Чекинаётганимизда шунчалик зарба бераётгирмиз, ҳужумга ўтганда ўн мартаба кучлироқ зарба берамиз! Яхшими, ёмонми, биз ҳозир чекинаётгирмиз, лекин улар чекинаолмай қолади, чунки, қочишга вақти бўлмайди. Орқасини шарқ томонига ўгирган замон биз у итларнинг оёғини шундай суғириб оламизки иккинчи марта бизнинг ерга қадам босмайдиган бўлади. Менинг фикрим шу, сенга шунни айтиб қўяй: мумкин бўлса менинг олдимда ҳадеб йиғлайвермасанг, барибир кўз ёшингни артиб қўймайман, чунки урушда юриб қўлларим қотиб кетган, худо кўрсатмасин яна бирор жойингни тимталаб олмай...

— Мен юпатишга муҳтож эмасман, нодон, сен ҳам жуда билимдонман деб сайрайверма, менга шунни айт, сенингча биз қачон жанг қилишни ўрганамиз? Сибирьга етканимиздами?— деди Николай.

— Си-бирь-га?— дея такрорлади Лопахин, кўзларини пириллатиб.— Йўқ азиз дўстим, бу мактаб бизга узоқлиқ қилади. Биз мана шу ерда, шу саҳроларда жанг қилишни ўрганиб оламиз, тушундингми? Сибирьни эса вақтинча харитадан ўчириб қўяйлик. Менга кеча ёрдамчим Сашка:— „Уралгача борамиз-да, уерда, тоғлар орасида немисни сарамжон қиламиз“ дейди. Мен эса унга: „Агар сен қурбақа, менга Урал деган сўзни яна бир марта айтсанг, сени ўлдириш учун броньтешар ўқини ҳам аямайман, милтиқни оламану қаншаригдан уриб каллангни учуриб ташлайман!“ дедим. У эса: „Ҳазиллашдим“— дейди. Мен ҳам ҳазиллашдим, бўлмаса сендек аҳмоққа броньтешар ўқни сарф қилиб яна шундай милтиқни овора қиладиган жинни борми, деб жавоб бердим. Шундан кейин ширин суҳбатимиз ҳам тамом бўлди.

Лопахин сувга эмакляб борди-да ёрилиб кетган товонини қум блан узоқ ишқади, кейин Николай томонган ўгирилди.

— Коля, марҳум политрукимиз Рузаевнинг сўзлари эсимга тушиб кетди. „Агар ҳарбир қизил аскар биттадан немисни ўлдирса эди—уруш аллақачон тугаган бўлар эди“ деган эди. Бу гапни машҳур бир генерал айтган эмиш. Демак биз уларни, оз ўлдираётимиз, шундай эмасми?

Николай суҳбатдан зерикди. У аччиғи келиб деди:

— Бу жуда содда ҳисоб... Агар бизнинг ҳарбир генералимиз биттадан жангни ютганда эди—уруш ундан ҳам тезроқ тугаган бўлар эди.

Лопахин оёғини ишқашдан тўхтаб қаттиқ кулиб юборди.

— Тентак, бизсиз генераллар жангни қандай ютсин? Ундан кейин Сашкадек жангчилар блан жангни ютиб ҳам кўрчи. У Донга етмайтуриб Уралга кўз ташлайди. Аскарсиз генерал ёки ярамас аскарларга эга бўлган генерал менимча ҳезалак куёв блан барабар, биз эса генералимиз бўлмаса куёвсиз тўйга ўхшаб қоламиз.



Лекин Сашкага ўхшаган генераллар ҳам йўқ эмас. Шунақа бир-бир бечора генерални демислар чегарадан тортиб то шу ергача қувиб, уриб келаётган бўлса у бечора албатта чарчайди, руҳи тушиб кетади, немисга зарба бершни ўйлаш ўрнига, нима қилсам яна калтак эмас эканман деб ўйлайди. Лекин бундай генераллар оз, масалани ҳал қиладиганлар ҳам улар эмас. Биз бўлсак, фронтнинг бирор жойида иш чатоқрок бўлиб қолган бўлса шивир-шивир қилиб генералларни ёмонлашга тушамиз; ўзи ундай эди, мазаси йўқ эди, жанг қилишни билмайди деб ҳамма балога уларни рўпара қиламиз. Лекин ҳаққоният блан суриштириб кўрилса айб кўпинча уларда бўлмайди, уларни бунчалик қоралаш ҳам инсофдан эмас, чунки генераллар урушда энг бахтсиз кишилар. Ҳа, нега менга қўйдек бақрайиб қараб қолдинг? Менинг айтганим тўпла-тўғри! Илгари мен ҳам аҳмоқлик қилиб генералликни ҳавас қилар эдим. „Ана чинакам яхши ҳаёт кечириш! Ҳамиша ясаниб, гердайиб юради, окоп қазимайди, лой кечиб юрмайди..“ дер эдим, кейин ўйлаб кўриб айивдим.

У вақтлар мен броньтешар эмас, оддий аскар эдим, бир кун ротамизни ҳужумга бошладилар. Мен негадир ўралишиб қолдим, ростини айтсам, душман ўқни ёғдириб тургани учун ердан кўтарилгим келмай қолди, бир вақт рота командири чопиб келди, наганини яланғочлаб олипти, дўқ уриб: „Тур!“ деб бақирди, онанги деб сўкди, билдингми? Ҳужумга бориб қайтдим, кейин мен ўйладим: „Хўб менку оддий аскарман, бироз кечикканим учун онам ша'нига бир марта сўкиш эшитдим, мен фақат ўзим учун жавобгарман, дивизия командири эса мингларча одамлар учун жавобгар, ишни яхши бажараолмай қолса у бунақа сўкишлардан қанчасини эшитар экан? Армия командири-чи?“ ҳисоблаб кўриб эдим кайфим учиб кетди. Йўқ кечирасиз! Ўзимнинг оддий аскарлигим дурст, дедим.

Сен Николай шундай манзарани кўз олдингга келтирчи: генерал туни бўйи ўзининг штаб бошлиғи блан ўтириб чиқади; емай, ичмай ҳужум планини чизади, фақат шуни ўйлайди; кўп ўйлай берганидан кўзларининг теги халта бўлиб кетади, ҳар хил тахминларнинг кўплигидан боши ёрилай дейди; ҳамма нарсани олдиндан ҳисобга олиб, ҳарбир нарсани назарда тутиши керак.. Шундай қилиб у полкларини ҳужумга ташлайди, лекин ҳужумининг мазаси бўлмай қолади. Нега, нима учун шундай бўлди? Сабаби озми дейсан! Масалан у Петька Лопахинга худди ўз отасидек ишонган эди, броқ Петька қўрқиб орқага қочди, унинг кетидан Коля Стрельцов қочиб қолди. Стрельцов кетидан унга ўхшаган қўрқоқлар қочабошлашди. Ана шу блан қарапсанки тамошо тамом! Улганлар генералдан гина қилмайди албатта, омон-эсон қочиб кутилганлар-чи нафасини ростлаб олгач генерални сўкади. Нега сўкади десанг, улар ҳамма айб ўзларида эмас, фақат биргина генералда деб ўйлайдилар, ҳаммаси ҳам албатта, уставга мувофиқ ичида сўкади, лекин генералга бундан нима фойда? У ўз ертўласида бошини ушлаб хаёлга чўмиб ўтиради—атрофида аса кўз-

га кўринмайдиган ва қулоққа эштилмайдиган минглаб ҳақоратлар худди чироқ атрофида учиб юрган ларвонадек айланиб юради. Бунинг устига телефон жириглайди. Бечора генерални Москвадан чақирадилар, унинг сочлари тик бўлиб кетканидан чиройли шалкаси кўтарилиб кетади. Бечора трубкани қўлга олатуриб: „Бахтсиз онам! Нега мени генерал қилиб туғдинг!“ деб ўйлайди. Телефонда унинг онасини сўкмайдилар, чунки Москвадагилар одобли кишилар бўлади, унга масалан, „Нега сиз Иван Иванович бундай бема’ни жанг қиласиз? Сизга давлат пулини сарф қилдик, ўқитдик, кийинтирдик, та’мин қилдик, сиз бўлсангиз бунақа иш қилиб ўтирибсиз? Йўргакни ёш бола булғатса айби йўқ, чунки у ёш, сиз бола эмассиз-ку, сиз йўргакка эмас ҳужум операциясига ўтириб қўйдингиз. Нега бундай бўлди? Мумкин бўлса сабабларини бизга билдилинг?“ дейдилар. Бу сўзларни мулоим ва паст овоз блан айтишади, лекин бу мулоим овоздан генерал энтикади, а’зойи бадани терга чўмади.

Йўқ Коля, сен нимани хоҳласанг ўзинг биласан-у, лекин мен генерал бўлишни истамайман! Қанчалик амалпараст бўлганимда ҳам истамас эдим, тамом! Агар мени тўсатдан Кремльга чақириб: „Ўртоқ Лопахин, сиз-нчи дивизия командирлигини қабул қилинг“— десалар ҳам мен ранги-қутим ўчиб рад қилар эдим. Агар у ерда қистайберсалар, Кремль деворига чиқар эдимида мана шўндай қилиб, Москва дар’ёсига ўзимни ташлар эдим!

Лопахин икки қўлини баланд кўтариб сакради-да кўмкўк сувга шўнғиди. Соё ўртасида сувдан бошини кўтарди. Сувни пуркиди, кўзларини катта очганича бақирди:

— Тезроқ ташла, бўлмаса сувга пишаман!

Николай чопиб келиб сувга ўзини отди. Муздек совуқ сув баданини тикан киргандек ачиштирди, у катта-катта қулоч отиб Лопахин томонига сузиб кетди.

— Мен сени пишиб қўяман ла’нати, моймоқ!—деб кулар ва Лопахинни тутяшга интилар эди. Лекин Лопахин қўрққан кишидек юзини буриштириб яна шўнғиди, қоп-қора думбаси сув устида бир кўриндию кейин сув остига киргач бор кучи блан сузиб кетди.

Чўмилгандан кейин Николай енгил тортди. Бош оғриши қолди, ҳордиғи чиқди, у ёришган кўзлари блан дун’ёга, қуёш нурлари блан тўлган манзарларга бошқача қарайбошлади.

— Маза қилдик! Худди янгидан туғилгандай бўлдим!—деди у Лопахинга.

— Чўмилгандан кейин бир стопкадан ичиб олсангу хонаки карам шўрвани урсанг, худонинг ғазабига учрагур Лисиченко бўлса бугун яна бўтқа қиляпти! Бўтқанг тиқилиб улгур!—деди Лопахин жаҳл блан ва бир оёғини иштонининг почасига тиқаолмай иккинчи оёғида ирғишлайбошлади.—Юр битта-яримта кампирдан шўрва топиб ичамиз.

— Яхши бўлмас.

— Бермайди деб ўйлайсанми?

— Беришга-ку беради-я, бироз ноқулай бўлармикан дейман.

— Гапингни қара-я, ўзимизнинг ошхонамиз бўлманганда нима қилар эдик? Ўнғайсизлиги ҳам бўлар эмишми, юравер! Ўзимиз туғилган областда туриб бирор уйдан шурва топиб ичолмай-мизми?

— Биз ахир мусофир ёки тиланчи эмасмиз-ку,— деди Николай тортинчоқлик блан.

Туғон орқасидан иккита қизил аскар чиқиб қолди. Бир новча, озгин, ма'сум ва кўзлари нурсиз, озги кичкина, қўлида ҳўл тугуни бор, иккинчиси орқада, гимнастёркасининг тугмаларини солиб келмоқда, оқиб ўлган киши сингари кўмқўк юзи лип-лип қилиб учар, совуқдан қарайиб кетган лаблари қалтирар эди. Қизил аскарлар Лопахинга етиб келишканида у бўйинини чўзиб сўради:

— Тугунигизда нимангиз бор, йигитлар?

— Қисқичбақа,— дея истамай жавоб берди новчаси.

— Ие, қаердан тутдиларинг?

— Туғоннинг олдидан. Булоқ бор экану? Суви бирам совуқки, асти қўяверинг!

— Бизнинг ҳам эсимизга келмапти-да!— ачинди Лопахин Николайга қараб. Кейин новчадан жидидий сўради:— Қанча тутдиларинг.

— Юзтача тутдик, лекин жуда майда экан.

— Барибир иккалангизга кўплик қилади,— деди Лопахин кескин,— бизни ҳам шерик қилинглар! Пақирни, тузни мен толай, бирга пиширамиз, бўпдими?

— Керак бўлса ўзларинг тутинглар.

— Сен нима деяпсан, дўстим! Тутиб ўтиришга вақт қолдими? Таранг қилмай шерик қилабер, Берлинни олганимизда мен сенга пиво олиб бераман, броньтешарнинг сўзига ишонавер!

Новча йигит лабларини йиғиб кулки аралаш ҳуштак чалди-да:

— Ва'дани қаранг-а!— деди.

Лопахиннинг жуда ҳам қисқичбақа егиси келган экан. Бироз ўйланиб кейин деди:

— Мен ҳозир ҳам ва'дам устидан чиқа оламан, киши бошига бир рюмкадан арақ қуйиб беришим мумкин. Ярадор бўлсам керак бўлар деб сақлаб юриб эдим, энди қисқичбақа муносабати блан ичиб юборишга тўғри келади.

— Юринглар!— деди новча йигит, севинганидан кўзлари йилтиллаб кетди.

\* \* \*

Лопахин қийшайган эшикни очди-да бамайлихотир худди ўзининг уйига келгандек шура блан чаёнўт босиб кетган ҳовлига кирди. Ҳовлидаги ярим хароба ҳолига келган уй, битта ошиқмошиғи чиқиб кетган дарпарда ва кираверишдаги чириб кетган зиналар бу уйда эркак кишининг йўқлигидан дарак берарди. „Уй эгаси урушга кетган бўлса керак, демак муддаога эришамиз“— деб қўйди Лопахин.

Отхона олдада эски кўк юбка блан кир кўйлак кийган, паст бўйли, афтидан баджаҳл кампир таппи тахлаб утирарди. Эшикнинг гичирлаганини эшитиб у зўрға белини ростлади ва ажин босган

тўқ сариқ қўлини пешонасига қўйиб, кириб келган нотаниш қизил аскарга бироз индамай қараб турди.

Лопахин яқин келди ва зўр аҳтиром блан саломлашгач сўради: — Она, сизда бронта пақир блан пича туз топилмайдими? Қисқичбақа тўтиб эдик, ўшани пиширмоқчимиз.

Кампирнинг қовоқлари солинди ва худди эркакларники сингари кучли овоз блан деди:

— Туз керакми? Сизларга туз уёкда турсин мана шу ҳаром таппини бериш ҳам ҳайф! — Лопахин гангиб қолди. Кўзларини пир-пир учуриб сўради:

— Сизга нима ёмонлик қилдик она?

— Нима ёмонлик қилганингни ўзинг билмайсанми? — деб сўради кампир. — Кўзинг қурсин, уятсиз! Қаёққа кетяпсизлар? Донининг нариги ёғига ўтиб олай деб шошиляпсизларми? Сизларнинг ўрнингизга ким урушади! Балки биздек қари кампирларга миллиқни қўлга олиб сизни муҳофиза қилишни буюрарсиз? Уч кундан бери хуторимиздан аскар ўтади. Сизларга қарайвериш ҳам ме'дага тегди! Халқни кимга ташлаб кетяпсизлар? Сизда на номус бор ва на дёнат, ла'натилар! Ҳечмаҳал душман биз турган ерларгача етиб келганмиди? Ҳеч кела олмаган, мен шунча ёшга кириб бунни кўрган эмасман! Ҳар кун эрталаб кунботар томондан замбарак товушлари эшитиладиган бўлди. Сизга туз керак эди, денг? Илоҳим сизни у дун'ёда тузласин, тузсиз ўлиб кеткурлар! Бермайман! Жўна бу ердан!

Уялганидан ва жаҳлидан қизариб кетган Лопахин, кампирнинг заҳарханда сўзларини эшитиб бўлгач, нима қилишини билмай деди:

— Утакетган заҳар экансиз, она!

— Сен яхши муомила қилишга арзимаёсан! Қисқичбақа тутиб юрганинг учун раҳм қилайми, сенга? Кўкрагингдаги медальни қисқичбақа тутиб юрганинг учун берибти-да!

— Сен менинг медалимга тил тегизма! Медалим блан ишинг бўлмасин.

Кампир оғдарилиб кетган таппиларга эгилиб қўл чўзган эди, бу сўзни эшитиб яна қаддини ростлади, унинг ичига кириб кетган қора кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳаммасига ишим бор. Мен қаригунимча тинмай ишладим, барча солиқларни тўлаб келдим ва ҳукуматга ёрдам қилдим. Мен буларни сизни калавасини йўқотган кишилардек қочсин, барча бойлиқларимизни душманининг талашита ва горат қилишига ташлаб кетсин деб қилганим йўқ эди. Сен каллаварам тушинасанми буларни?

Лопахин тиши оғриган кишидек ижирғалавди:

— Сен айтмасанг ҳам буларнинг ҳаммасига ақлим етади, она. Сен чакки шундай дейсан...

— Ақлим етганича уйлайман-да... Менга ақл ўргатишга ҳали ёшлиқ қиласан.

— Армияда ҳечкимнинг йўқ бўлса керак. Бўлмаса бошқача муомила қилар эдинг.

— Менинг ҳечкимим йўқми? Қўни-қўшниларимдан суряштириб кўрчи, нима дейишар экан. Менинг учта болам блан бир куёвим фронгда, тўртинчиси, энг кенжа ўғлим Севастополь шаҳрида ҳалок бўлди, билдингми? Сен бегона одам бўлганинг учун ётиги блан гаплашяпман, агар сенинг ўрнингда ҳозир ўғлим кириб келганида эди, уни остовамга ҳам яқинлаштирмас эдим. Бошига тўқмоқ блан бир урар эдим ва оналарча одоб бериб: „Урушадиган бўлсаларнинг тузукроқ урушинглар, каллаварамлар! Душманни орқанглардан қувдириб бутун мамлакатимизни айлантириб юрманглар! Кампир онангни кишилар олдида уятга қўйманглар!“—дер эдим.

Лопахин рўмолчаси блан пешонадаги терини артди ва деди:

— Майли, бўлмаса... бизни кечиринг она, вақтимиз оз, битта пақир буладиган бўлса бошқа бирор ҳовлидан сўраб оларман. Лопахин хайрлашиб ҳовли ичида ўсиб ётган шўра ўртасидан ўтган сўқмоқ блан борар экан „Шу ерга кирмасам нима қилар эди. Бекорга гап эшитдим...“—деб пушаймон қилди.

— Ҳой аскар бола, тўхта!

Лопахин қайрилиб қаради. Орқасидан кампир келар эди. У индамай уй томон ўтди, ғирчиллайдиган зиналардан юқори чиқди ва бир-икки минутдан кейин пақир блан заранг косада туз олиб чиқди.

— Кейин идишларни олиб келиб бер!—деди кампир ўша жиддийлиги блан.

Маҳмадона, сўзга бой Лопахин тушунар-тушунмас ғудунглади.

— Ҳўб, биз бехас кишилармиз... оловерамиз... раҳмат она! Кейин у, негадир икки букилиб, кампирга таъзим қилди.

Меҳнат ва қариллик орқасида чарчаган ва икки букчайиб қолган кампир паст бўйли бўлишига қарамай Лопахин олдидан шу қадар салобат ва ҳашамат блан юриб ўтдики унинг назарида кампир ундан кўра новчароқдек, унга худди баланддан туриб, нафрат ва аянч кўлзари блан қарагандек туюлди...

Николай блан икки қизил аскар Лопахинни эшик ёнида кутиб турган эдилар. Улар девор тагида, салқинда, тамаки чекиб ўтиришар эди. Ҳўл кўйлакка ўраб қўйилган қисқичбақалар шитир-шитир овоз чиқариб қимирлашарди. Новча қизил аскар кунга қараб деди:

— Броньтешаримиз негадир жуда кечикиб кетди, пақир тополмай юрган бўлса керак. Қисқичбақаларни пиширишга улгуролмай қоламиз-да.

— Улгурамиз,—деди иккинчиси.—Капитан Сумсков блан батальон комиссари телефонда гаплашгани ҳозиргина зенитчилар олдида кетишди.

Кейин улар бу йил ҳамма ерда ҳам буғдойнинг яхши битгани, бунақанги қалин ўсган ва ётиб қолган буғдойни ўроқ машина блан ўриш қийин бўлиши, бу йил йиғим-терим пайтида хотинларга анча қийин бўлиши ва чекинишдан тўхталинмаса немис қўлига кўп бойлиқ ўтиб кетиши мумкинлиги тўғрисида сўзлашдилар. Улар бу хўжалик ишлари хусусида худди девор салқинида ўтириб суҳбатлашадиган деҳқонлардек батафсил ва ғйлаб фикр юритишар, буларнинг гапига қулоқ солиб ўтирган Николай эса ўйлар эди: „Бу кишилар кечагина жангга қатнашдилар, мана бу-

гун эса хурди уруш бўлмагандек. Пича дам олиб, чўмилвашганига, даррав ҳосил тўғрисида суҳбатлашаётгилар, Звягинцев бўлса трактор блан овора, Лопахин қисқичбақа пишириш ҳаракатида юрипти... Булар учун ҳамма нарсаяён ва жўндай. Чекиниш ва ўлим тўғрисида деярлик сўзлашмайдилар. Уруш худди баланд тоғ чўққисига чиқиш блан баробар, галаба ўша тоғ чўққисида тургандек, ана шунинг учун муқаррар йўл қийинчиликлари тўғрисида бекордан-бекор гаплашмай, сафсата сотмай кетишяпти. Булар учун шахсий қайгулар иккинчи масала, энг муҳими—аввало тоғ чўққисига чиқиб олиш, албатта чиқиб олишда! Сийғониб кетса, йиқилиб пастга тушиб кетса ҳам яна бари-бир юқорига қараб интиладилар. Буларни қандай куч тўхтатаолсин? Тирноқлари шилиниб кетар, қизил қонга бўялар, лекин бари-бир чўққи устига чиқиб оладилар. Эмаклар бўлса ҳам етиб оладилар!

Николай ўзининг жанговар дўстлари сингари кишилар тўғрисида ўйлар экан хурсанд бўларди, лекин кўп вақт ўтмай унинг хаёлини Лопахин бузиб юборди.

Терлаб-пишиб кетган Лопахин етиб келди-да ўзини елиб туриб деди:

— Кун исиб кетибди! Дўзах-а, дўзах!—Менинг кампир блан бўлган суҳбатимни эшитганмикан, йўқмикан деб билмоқчи бўлиб Николайга синчиклар қаради.

— Шўрваси йўқ эканми, суриштирмадингми?—деб сўради Николай.

— Қисқичбақа пиширадиган бўлди-ку, шўрванинг нима кераги бор!—деди Лопахин жаҳл блан.

— Нега мунча ҳаялладинг!

Лопахин ҳаммага бир-бир кўз қирини ташлаб жавоб берди:

— Шунақаям гаплашишни яхши кўрадиган, хушчақчақ кампир эканки, онсонлик блан олдидан қутилиб чиқаолмайсан, киши. Ҳар нарсани сўрайберади: кимсизлар, қаердан келяписизлар, қаёққа кетяписизлар... Жуда бир ажойиб кампир экан! Унинг болалари ҳам армияда экан. Ҳарбий кишини кўриб эриб кетди-да, дарров олдимга қаймоқ қўймоқчи бўлди..

— Ие, ичмадингми?—деди Николай.

Лопахин унга қараб хўмрайди.

— Нима, мен мусофир ё гадойманми, бечора кампирнинг бор-йўқ қаймоғини ичиб?

— Чакки ичмабсан,—деб ачинди Николай.—Пулини берардинг-да.

Лопахин четга қараб туриб деди:

— Мен сенинг қаймоғини яхши кўришингни билмаган эканман, бўлмаса олиб келардим. Қаймоқ ичкинг келса ҳали ҳам мумкин, пақирни энди сен олиб борасан, шу қилган хизматим ҳам етар, шунда қаймоғидан ҳам ичиб келасан. Кампир жуда сахий, бир тийин ҳам пул олмайди. Сен унга пул бераман деб ўтирма, хафа бўлади. У менга шундай деди: „Чекинаётган жангчиларга шундай раҳмим келадики бор-йўғимни бериб юборгим келади!“ Юринглар энди, қисқичбақаларимиз ўлиб қолмасин, тагин!

(Давоми келаси сонда).

## МИРТЕМИР

### НАҲАНГ

Жўра ўқир эди бе ҳад китоблар.  
Китобда жумбоқлар бўлар эди ҳал.  
Ҳар сўроққа топар эди жавоблар,  
Сирлар ва чигаллар аён галма-гал...  
Денгиз остидаги улкан шаҳарлар,  
Тоғларда қўзғовсиз ётган хазина.  
Наҳанглар, тимсоҳлар, аждарлар,  
Қудуқ қазар эди киприклари игна...

\* \* \*

Жўра улғайибди, зап танги ўғлон,  
Денгиз тағларида қилар саёҳат,  
Денгиз юлдузлари, юз бошлик илон,  
Унга дуч келади йўлда ҳар соат,  
Дуч келди бир наҳанг ёвуз, бепоён,  
Бадбуриш, бадҳайбат, йўлини олар.  
Кўзлари пир-пирар мисоли олов,  
Жўра қочди, наҳанг тез қувиб қолар.  
Жўра сув устига чиқса ҳам қўймас,  
Жўра тўлқинлардан отлаб югурар.  
Наҳанг қувар ҳамон, қолайин демас,  
Пишқирар, ушқурар ва на'ра урар.

\* \* \*

Жўра ҳам қўлига ол ди ханжар,  
Ханжар тишларини қоқиб ташлай деб.  
Йўқ... наҳанг тишларин қайрайди баттар,  
Бола суякларин чақиб ташлай, деб.  
Сувни тўлқинлатиб ўқ каби учар,  
Ўғлонни ялмамай ютмоқ бўлади.  
Сув остига тушса, йўлини тўсар,  
Сув устига қочса, тутмоқ бўлади.

\* \* \*

Жўра тағин андак тўплади мадор,  
Расо пойлаб урди наҳанг бўғзига

Денгиз устия қоплар туман ва ғубор,  
Ҳеч нима кўринмас ўғлон кўзига.  
Пўртана ҳайқирар, тўлқинлар тоғ-тоғ,  
Жўра якка ўзи қилади жанглар.  
Жўра жанг қилади, Жўра ҳали соғ,  
Ўраб олар яна беҳад наҳанглар...

\*  
\* \*

Денгиз усти бўлди тугал қора қон,  
Пайдо бўлар кўкда қора булутлар.  
Жўра эса якка олишар ҳамон,  
Булутлар оралаб учар бургутлар.—  
Жўра олишади, терга ботади.  
У кўради ногоҳ олисда қайиқ...  
Юз бошлик аждаҳо тутуи отади:  
„Қайиқ келмай туриб ютайиқ!“

\*  
\* \*

Тер оқади йигит пешонасидан:  
Қайиқ келар, тўлқин тоғларин ёриб.  
Бола ҳолдан тояр, кетар эсидан,  
Яна кўзин очар, ранги оқариб...  
Кўзин очсаки қайиқ эмас,  
Пўлат кема экан улуғвор.  
Жўра кўрди, унда шу нафас,  
Энг севган кишиси Ворошилов бор,  
Елкасини қоқар, бошини силар,  
— „Балли йигит, ўтдинг оғир синовдан.  
Наҳанг ўлди, ўғлим, зап урдинг ханжар,  
Халос бўлдинг, қўзим, хатарлик ёвдан“.  
Елкасини қоқар, бошини силар,  
— „Балли, танти ўғлон, ватан эркаси!  
Сенинг шуҳратингни дўстларинг билар!“  
Шу дамда уйғотиб қўйди ўкаси...  
Ўкаси уйғотиб қўйди даф'атан:  
„Туринг, чой ичайлик, ишонинг гапга.  
Бугун имтихон бор табиётдан,  
Юринг, кеч қоламыз мактабга!“.



ВАЛЕНТИН КАТАЕВ

## В И А Д У К

*Хикоя*

Қиз энгашиб кичкинагина чодирдан чиқиб келди, аввало мен бу чодирни пайқамадим, чунки; чодир иман дарахтининг япроқлари қуриган шохлари блан бостириб қўйилган экан. Атрофда биронта бошқа дарахт йўқ эди. Бу иман дарахтининг шохларини бошқа бир жойдан кесиб олингани ва ниқоблаш учун кўпдан бери уни судраб юрилгани кўриниб турарди. Қиз кўкат устига эски дивизион газетасини ёйди ва газета устига сирлик бир туника косада пиширилган роз гўши олиб келиб қўйди. Қиз, бироз ўйлаб тургач, кейин икки дона қора, қотган сухари олиб чиқди. Кейин қиз яна чодирга кириб кетди ва шохлар орасида чодирга кирадиган йўл қолдирди. Генерал бир қанча вақт роз гўшига ўйчан тикилиб турди. У, эгнидаги ёр бўлиб кетган, танкистлар киядиган комбинзони устидан камарини қисиб боғлаган эди. Пешонасига зангор юлдуз тақилган ёзлик шапкаси эса чаккалари оқарган, юмолоқ, катта бошида бироз қинқайиброқ турарди.

— Клава,—деди генерал пичинг блан.

Чодир ичидан:

— Нима?—деган товуш эшитилди.

— Ахир бодиринг йўқми?

— Бор бодиринг.

— Булса бер бизга.

Қиз чодирдан чиқди ва учта, йўғон, сарғайиб кетган бодиринг-ни газета устига қўйди.

— Тузчи?—деди генерал.

— Ҳозир.

Қиз чодирга кириб кетиб туйилмаган, катта-катта йилтироқ хўл туз олиб чиқди. Қизнинг юзлари озгин ва лаблари юпқа, қаңдайдир хонаки ҳарбий мошиначи томонидан бузиб тикилган ярим ҳарбий, кулранг ип тиринка кастюми қизга унча ярашмас эди. Кўк беретини эса, бршининг ноқ чўққисига ва тарелкага ўхшатиб ялпоқ қилиб кийиб олган. Қиз тузни газетга сепди, мени унча ёқтирмайроқ қаради-да шохлар орасида йўл қолдириб, яна чодирга кириб кетди. Генерал бодиринглардан бирини

олди, уни синдирди, тузга тегизди, броқ емади, яна газета устига қўйиб қўйди.

— Клава!—деб бақирди зарда блан.

— Хўш?

— Яна бирар нарсанг борми?

— Бошқа ҳеч нарса йўқ.

Генерал қаттиқ хўрсинди.

— Шоколадчи?

Қиз анчагача индамади.

— Нега индамайсан?—деди генерал.—Сендан сўраяпман: шоколадчи? Ҳеч ҳам қолмаганми?

— Қолган.

— Қанча?

— Ярим тахта.

— Ёп пирэй, бўл тез, олиб чиқ буёққа!

— Ҳозир.

— Ўлгудек баттарин хотин,—деди генерал. Кейин очиқ чеҳра блан қўшимча қилди.—Шуниси ҳам борки; фронт орти орқада қолиб кетяпти, сичқонлар ҳасса таяниб юришибти, кунимиз фақат сухариға қолди, ахир у, мени, қандай бўлмасин, боқишга мажбур. Тежашга тўғри келади.

Қиз чодирдан лабини қимтиб чиқди, бодиринглар ёнига жуда ҳам қалин, ёғлик, катта, жигарранг шоколаднинг ярмини қўйди.

— Ажойиб шоколад,—деди генерал,—Овқат саноати Халқ Комиссарлиги томонидан армия учун махсус тайёрланган. Жуда ҳам ширин, энг муҳими кишини тўқ тутади. Фақат чиройли эмас, устки кўриниши ҳам хунук. Урушга қадар сиз блан биз бунақанги шоколадга қарамас эдик ҳам. Ҳозирча саломат бўлинг. Қаймоқ, ёғ, қанд. Калория ва витаминлар. Хўжумда баҳоси йўқ нарсалар. Қани, ғоз гўшига, марҳамат қилинг. Фақат кечирасиз—пичоқ ҳам йўқ, вилка ҳам. Бутун идиш-оёқ нобуд бўлди.

Мен генералнинг рўпарасига ўтга ўлтирдим. Биз аёқларимизни чўзиб юбордик. Бу ер, ҳали немислар қўлида бўлган Орёлнинг яқинидаги сайхонликнинг ички ёнбағри эди. Немислар сайхонликнинг ҳамма ёғини ўққа тутиб ва кафтдек кўриб турар эдилар.

— Афсуски, кеча ошхонамга бомба тушиб абжағини чиқариб юборди.—деди генерал хафа бўлиб,—бўлмаса...

— Ҳечқиси йўқ,—дедим мен.

— Йўқ, сиз билмайсиз. Бу жуда ҳам ажойиб, генерал боп, дала ошхонаси эди. Бутун танк қисмида бирдан бир ажойиб ошхона эди. Мен, атайлаб, ўн икки кишилик идиш-оёқ топтирган эдим. Меникида тез-тез овқат қилиб туришар эдилар. Мен ўн икки меҳмонни зиёфат қилаолардим. Ошпаз ҳақида гапирмай қўяқолай. Ғаройиб ошпаз эди. У, энг яхши ресторанлардан ҳам яхши овқат пиширарди. Ҳаммаси тамом бўлди.

Генерал, қаттиқ, парлари унча яхши тозаланмаган—эҳтимол алангада шошиб пиширилган—бир парча ғоз гўшини қўлига ол-

ди, унинг ҳар томонидан узоқ қараб чиқди. Кейин яна косага қўйди-да ғамгин бақирди:

— Клава!

— Лаббай!—деб жавоб қилди қиз.

— Нега чиқмайсан?—деди личинг блан генерал ва узоқ жим бўлиб қолди.

— Ҳозир,—деди қиз.

Қиз чодир ичида анчагина похолларни шитирлатиб юрди. Охири, иман дарахтининг япроқларини шитирлатиб, қўлида кружка ҳамда оғзига ёғоч тиқилган хира бир шиша блан чиқиб келди. Генерал шишани олди ва ёриққа солиб қаради. Шишанинг чоракам бир қисмида арақ бор эди. У, шишани чайқади-да кейин пукини тиши блан очди. Шу вақт бир радист-қиз келди ва генералга, бошдан оёқ рақамлар ёзилган, бир неча варақ қоғоз берди. Генерал шифровкани дарҳол ўқиб чиқди ва мендан:

— Қуролингиз борми?—деб сўради.

— Бор,—дедим мен ҳам ўрнимдан туриб.

— Кўрсатингчи.

Мен генералга ўз тўппончамни кўрсатдим. Генерал тўппончамни қўлига олиб уёқ-буёғини кўрди ва нафрат блан афтини буриштирди:

— „Бреветато“. Италияники. Икки пулга арзимайдиган бу нарсани қаердан олдингиз? Ўқи борми?

— Ўқи йўқ.

— Мен билувдим а. Бунни ташлаб юборсангиз ҳам бўлади. Лейтенант, биринчи қулай фурсатдаёқ ёзувчига тузикроқ тўппонча топиб беринг.

— Хўп бўлади.

Лейтенант жуда ҳам мулойим, ҳорғин кўзли ва оғир, майин товушли бир йигит эди. У, „виллис“да биз блан бир қаторда ўлтирар ва ўзини мудратиб кетаётган уйқи блан курашиб борар эди. Унинг алифдек тўғри, чиройлик қошлари бор эди. У онасининг яхши ўғли бўлиши ва ўз вақтида хат ёзиб туриши ҳам аҳтимол. Генерал шифровкани ўқиётганда, нозик, чиройли юзли ва ялтироқ дўнг пешонасида пилоткаси ёнбошга оғиброқ турган радист қиз, лейтенантга қур-қур қараб қўйди. У ҳам қизга бир неча бор қараб қўйди. Қизнинг юзида савол аломатлари бор эди. У, ўз қараши блан қиз кўнглига далда берди. Аммо йигит ҳам, қиз ҳам, бирор марта бўлса ҳам кулишмади.

— Энди кетдик,—деди генерал.

Биз „виллис“га ўтирдик. Генерал шофернинг ёнига ўтирди. Мен, орқага, лейтенантнинг ёнига ўтирдим. „Виллис“да кўпгина ҳархил нарса ва қуроллар бор эди. Булар эса, ўтиришга халақит берар эди. Генерал косадаги ғоз гўшига совуқгина қараб қўйди.

— Клава ғоз гўшини олиб қўй.

Қиз кулранг пальтосини кияркан дарҳол чодирдан чиқди. Бир енгини тезда кийди, аммо иккинчисини кийиш учун анча уринди. Охири, пальтосини кийди-да „виллис“га чиқмоқчи бўлди. Генерал қовоғини солди:

— Сен қаяққа?

— Сен ўзинг қаяққа?—деди қарийб қўполлик блан ва кўзлари ялтираб, қипқизариб кетди қиз.

— Клава, сен биласанки...—деб бошлади мулойимгина генерал.

Қиз генералга гапини тугатишга ҳам йўл қўймади. Қизнинг бурун қанотлари берилди.

— Сен қаяққа борсанг, мен ҳам ўшаяққа,—деди бодиллаб қиз.—Сени ўлдирсалар, мен бу ерда ўтирайми? Агар ўлдирсалар, майли бирга ўлдирсин. Мен сенсиз яшашни истамайман. Гап битди. Кетдик.

Қиз мен блан ад'ютант иккавимизнинг ўртамизга қисилиб утирди ва бирдан пальтоси блан тиззаларини ўради. Шундан кейин ўтириш анча қийинлашди.

Генерал қўлини силтаркан:

— Кетдик,—деди.

— Қаяққа ўртоқ генерал?—деб сўради шофер.

— Ўнг флангга. Виадук\*) томонга.

„Виллис“ юриб кетди, биз жарлик блан жуда тез кетарканмиз, машина тошлар устидан ўтаётганда ирғиб-ирғиб тушар ва гаҳо жарнинг тик ёнбағрига чиқиб қолиб, худди ҳозир ағдарилиб кетаётгандек туюларди. Муйилишга келганимизда лейтенант орқасига қараб қўйди. Нозик ва келишган, чеккасига олифта қилиб кийган пилоткасининг остидан қўнғир, мулойим сочлари чиқиб турган радист қиз чодир ёнида турарди. Бурилишда бизни машина ҳаддан ортиқ силтаб ташлади. Қиз кўздан ғойиб бўлди. Биз машинанинг четидан ушлаб борар эдик. Машина бизни чайпар ва бизни бир-биримизга уриштириб юборар эди. Биз тишимизни-тишимизга қўйиб ўлтирар эдик.

Йўлда кетаётганимизда лейтенант аҳволни уқдириб берди. Ўртадан ҳечнарсга чиқмагани ма'лум бўлди. Дар'ёнинг таги жуда ҳам юмшоқ экан. Танкларимиз ўталмапти. Сапёрлар кўприк қургунча кутиб туришга вақт зиқ эди, Олий бош қўмондоннинг буйруғига мувофиқ бутун танк қисмини дар'ёнинг нариги бетига олиб ўтиш ва Золоторевони 23.00 дан кеч қолмай олиш керак эди. кўприк бўлса немис артиллериясининг кучли та'сири остида эди. Шундан кейин генерал ўнг флангга қўққисдан зарба беришга, бир бригада маторлаштирилган пиёда аскарларни темир йўл остидаги туннель орқали олиб ўтишга, немисларнинг орқа томонига чиқиб олиб, немис батареяларини тор-мор қилиб ташлаб сапёрларга бемалол кўприк қуриш учун имконият туғдириб беришга қарор қилди.

Биз, охири, виадук ёнига етиб келганимизда дасаввал ариқда ётган сигирга кўзимиз тушди. Ариқ саёз эди. Сигир ўридан туришга тинмай уринар ва яна қайта ариққа йиқиларди. Мен сигирнинг ярадор эканини пайқадим. Сигирдан сал нарироқда сув қипқизил бўлиб оқарди. Шағаллар орасидан пушти томчилар оқар ва туннельнинг зим-зиё қўйнига кириб кўздан ғойиб бўлар

\*) Виадук — Темир йўл тепаликлари остига қилинган катта цемент қувир.

эди. Сигир жони борича ма'рар, унинг ёнида кўйлакчан бир қишлоқи бола бесарамжон бўлиб ивирсиб юрарди. У сув ичида гоҳ олға, гоҳ орқага чопар ва сигирнинг ипидан тортар эди. Сигир тумшугини биқинига қўяр ва азоб-уқубат блан лиқ тўла катта кўзлари блан осмонга қарарди. Сигирнинг бир шохн сянган, яккинчи шохига эса ип боғланган эди.

Машинамиз баланд темирйўл тепалигига бориб қадалди-да бирдан таққа тўхтади. Биз шуондаёқ машинадан турли томонга сакраб тушиб кетдик. Биз машинадан, гўё биздан ҳам чаққанроқ ҳаракат қилаётган биров бордек, жуда ҳам тез сакраб тушдик. Ҳозиргина машинамиз сакраб-сакраб ва тошлар ўртасида иланг-биланг бўлиб ғириллаб ўтиб келган жарликнинг нақ тепасида қуюқ, ғоят ифлос тутин парчаси пайдо бўлди. Кейин осмонда яна шунга ўхшаган кўнгил айнитучи қора булут парчалари пайдо бўлди. Сайхонликга шрапнельдан ота бошладилар. Ариқнинг суви оппоқ пуфаклар блан қоланди. Аммо биз бу вақт жарликда эмас эдик. Биз, ташқи томони харсанг тош блан ишланган туннель қувирига кирадиган ерга суяниб турар эдик. Туннель ичда жанговар соқчи: иккита станокли пулемёт ва битта танк отар милтиқнинг расчети бўлиши керак эди. Учта солдат, ўқ солинган яшиқларни кўтариб, тўпигдан сув кечиб, туннель ичига кириб кетди. Улар мумкин қадар деволга яқинроқ юришга уринардилар. Аммо бу қарийб мумкин эмас эди. Туннель ичи одамлар, ҳайвонлар, уй асбоблари ва овқат-озик солинган қоплар блан лиқ тўлиб тошган эди. Бу ерга, авиациядан сақланиш учун, бутун бир қишлоқ қочиб кирган экан. Сал нарида, жарнинг тепасида, уйлар ёнарди. Онда-сонда туннель ичига кириб қоладиган ўқлардан бир неча сигир ўлган экан. Бу ўлган ҳайвонларнинг таналари ариқда кўндаланг бўлиб ётар ва пулемётчиларимиз учун юришга халақит берарди. Ҳанг-манг бўлиб қолган кампирлар жимгина ва сондиқлар устидаги ун солинган қопларини ушлашиб қотиб, тик туришар эдилар. Бир неча ёғоч кравотлар, туника тоғоралар, тушаклар ҳам кўриниб қолди. Тўртдан уч қисми тошлар блан тўсилган туннельнинг оғзи қоронғуда ойнадек ялтирарди. Ниҳоятда кўп одам деволга суянишиб, қимир ётмай туришар эди. Тош деволдан ингичка сув томчиси оқарди. Жуда ҳам тик ва жуда ҳам баланд бўлган темир йўлнинг нариги томонидаги бўғдайзорда немислар бор эди. Биз блан немислар оралиги етмиш беш метр эди халос. Жарликнинг ариқ бўйлаб кетган хавфли йўлдан, генерал радио орқали резервдан чақирган, моторлаштирилган пийда солдатлар кетма-кет, энгашиб чошиб келишар эди. Улар мумкин қадар тезроқ туннельга кирадиган ерга етиб олишга ошиқардилар. Улар туннель банд эканини кўришиб, нима қилишларини билишмай, ўнгга ва темир йўл тепалиги бўйлаб чапга қараб тарқаб кетишар ва нари бориб тўхташар эди. Ҳа демай, қўл пулемётлар, танк отар милтиқлар ҳамда автоматлар блан қуролланган бутун бир ротага яқин солдат тўпланиб қолди. Улардан қайси бирлари ўтиришар, ётишар ёки темирйўл тепалигининг қия

деволига суянишиб тик туришарди. Ола-була плаш-палаткалар кийиб ва бошидаги хира шлёмлари устига кўкатлар боғланган, тўр ниқоблар солиб олганлари учун, қарийб уларни ердан ажратиб бўлмас эди. Улар сув остида ўсадиган кўкатлар блан қопланган балиқчиларга ўхшарди. Темирийўл тепалигининг нариги томонида, буғдойзор ичида, немислар утиришарди. Буғдой томлари баланд ўскан ва жуда қалин эди. Унинг ичидаги ҳеч нарсаи кўриб бўлмас эди. Буғдойзор ичига пусиб олган бирқанча немис снайперлари, шошмай, темирийўл тепалиги устида кўринган ҳарбир одамни ўққа тутарди. Немис миналари темирийўл устидан ошиб ўтар ва жарлик ёнбағрига тушиб ёрилар эди. Лекин туннель ёнида панароқ жой бор эди. Биз мана шу ерда турардик. Мана шу бир парча ерга, ҳужумга тайёр турган, юз элликча солдат ҳамда офицерлар тўпланган эди. Моторлаштирилган пёдалар ротаси блан бирга келган иккита санитар қиз ҳам туннельга кираверишда тошга суяниб тулар эдилар. Гуё кишида ҳечким ҳечнарса қилмаёткандай, атрофда ҳечқандай жанг бўлмаёткандай, та'сир қолдирарди. Лекин бу орада тинмай отилаётган ўқлар шағалларга келиб тегар ва тош парчалари туннельдан визиллаб отилиб чиқарди.

Генерал нарига кетди ва ёнламасига темирийўл устига кўтарилди бошлади. У, қўлларини тиззасига тираб, зўр бериб кўтариларди. Унинг оёқлари сирғаниб кетар, бир жойда турмас эди. Ут хўл ва сирпанчиқ эди. Унинг оёғи остидан майда тошлар юмалаб тушар. У, қийтиғига, ёнбошлаб чиқиб борарди. Унинг орқасидан адъютант ҳам чиқиб борарди. Улар, темирийўл устига етишгач, бошларини темирийўлдан юқори кўтармаслик учун тиряшиб ётишди. Генерал, ниҳоят эҳтиётлик блан, ўзининг кичкина перископини темирийўлдан сал юқори кўтарди. Адъютант бўлса генерал ёнига харита ёйди. Улар шошмасдан, харитага қалам блан белгилар қилиб, бу жойни харитага солиштирабошладилар. Бир неча жойда бўйнига автомат осган солдатлар тепалик устига қийтиғига олиб тирмашар эдилар. Улар, темирийўл устига етишгач, бошларини беркитишиб, ер бағирлаб бироз ётишар, кейин бирдан ўринларидан туришиб энгашиганича темирийўлнинг нариги томонига ташланар ва кўздан ғойиб бўлишар эди. Эҳтимол улар нариги томонга тирғаниб тушиб бирор ерда тўпланаётган бўлса. Мана шундай пайтларда, айниқса немис ўқларининг визиллаши кучаяр ва айниқса атрофига кўкат ва тупроқларни сочиб жарлик ёнбағрида тез-тез немис миналари ёрилиб турар эди. Солдатлардан бири, бошқалардан кўра тепада узоқроқ ўтириб қолди, кейин сирғаниб қайтиб тушабошлади. У, қўлини чўзиб тутгани ҳолда, санитар қизлар олдига келди. Бу новча, ёш, шлёмини гежгасига кийган, чиройлик бир йигитча эди. Шлёмининг қайиши тўрт бурчак энгагини маҳкам сиқиб турарди. Орқасига ташланган плаш-палаткаси қўпол шитирлар эди. У, қизлардан бирига, панжалари қонга буланган, қалтираб турган қўлини чўзди. Ўқ унинг панжаларини мажағлаб ташлаган эди. Қиз сумкасидан бинт олди ва дарҳол унинг қўлини боғлаб қўйди. Лекин у кетмади.

— Хуш, нега турибсан?—деди қиз.—Бўлди!

У, боғланган қўли блан, қизни оҳисатагина елкасидан қучди ва қизнинг кўзларига қаради.

— Галя,—у, ҳали ҳеч нарса кўрмаган ёш бўйдоқнинг хирқироқ овози блан мулойимгина деди.

Эҳтимол, булар яхши таниш бўлишкандир, эҳтимол, бир-бирини севишгандир ҳам.

— Хуш?—деди қиз унга ўзининг кенг ва ялпоқроқ юзини кўтариб, унинг кўзлари ойнадек тиниқ эди.

— Галечка, сендан ўтиниб сўрайман, жон ўртоқ икки дона индивидуаль пакетдан бер. Ўзимникини Сергейга ишлатиб қўйдим.

— Ҳечҳам беролмайман. Ўзимнинг ҳам сумкамда ҳаммаси бўлиб олти дона қолди.

— Бер олтиним, мен бекорга уёқдан-буёққа овора бўлиб юрмай, дўстлигимиз ҳурмати учун бер.

— Ўзинг ўйлаб қара, ахир менинг ўзимда бор-йўғи олтигаю, мен қандай қилиб сенга бераман.

— Сен иккитасини бер халос.

— Нега энди! Сенга иккита берсам, бошқасига иккита берсам. Сенга бераётганимни яна бошқа биронтаси кўрсинда у ҳам келиб сўрасин.

— Ҳечким кўрмайди,—у қиз қулоғига пичирлади.

Қиз қизарди ва дарҳол иккита индивидуаль пакетни унинг қўлига суқди.

— Фақат ҳечкимга айтма. Туя кўрдингми, йўқ. Бўлди бор.

Қиз қўрқа-пуса атрофга қаради ва бирдан қипқизариб кетди. Унинг ёнида бошқа бир солдат қўлини чўзиб турар эди. Унинг ғамгин ва шунинг блан бирга айёр юзи бўлиб бурни эса лой бўлиб кетган эди.

— Менгачи?

— Шундай бўлишини билудим-а. Унга бер, бунга бер, ўзимга нима қолади? Мен одамларнинг ярасини боғлашим керак. Йўлинг-ни топ.

У, қўлини қимир эткизмай чўзиб тураверди. Қиз жаҳл блан тупирди-да унинг ҳам қўлига битта пакетни суқди.

— Бундан кейин бу ерда кўзимга кўринманглар. Хуш? Мен кимга айтяпман? Боринглар, жанг қилинглар. Бу ерда..

Улар бир-бирини чиғоноғи блан туртишиб, кўз қисиб қўйишди-да плаш-палаткаларни шитирлатиб, этиклари блан сувни шапиллатиб туннель ичига кириб кетишди. Баланд осмонда оғир-оғир сузиб юрган учта булут орасидаги мовий бўшлиқда немисларнинг кичкинагина, коррективровка қиладиган аэроплони кўришиб қолди. У, шошмасдан айланар ва осмонда ўз йўлини саккиз рақамга ўхшатиб учар эди. Кейин у, учиб кетди... Шундан кейин ҳамма артиллерия ҳужумини кутиб қотиб қолди. Тоқатлар тоқ бўлди. Клава аввал ташвиш блан осмонга, сўнгра душман-томонга, қараб қўйди. У, пальтосининг енги блан пешонасидан терини артди. Унинг оёғин ёноқларида енгилгина қизиллик пайдо

бўлди. У, „виллис“нинг ғилдирагига суяниб, ерга ўтирди. Атрофдан эшитилаётган бутун товушлар: ўқларнинг енгилгина чирқилаши, миналарнинг ингичка қилиб ҳуштак чалиб визиллаши, бомбаларнинг олисдаги гумбирлаши, автоматларнинг очериди, молларнинг укириши—мана шу товушларнинг ҳаммаёи—гўё иккинчи планга, гўё жимликка жой бўшатиб бериб, бизнинг диққатимиздан нари кетгандай туюлди, биз мана шу жимликда узоқдан яқинлашиб келаётган немис снарядининг маш'ум шапрасини пайқаб олишимиз керак эди. Броқ шу вақт, кўққис, қисқагина июль момақалди роғи гумбирлаб кетди. Шундан кейин ҳамма ёқни қопқора ва нафасларни бўғучи сел тутуни чулғаб олди. Нарсалар ҳам, одамлар ҳам, жойлар ҳам ўз шаклини йўқотди—тутунга мойил сур тусга кирди. Сел ариқлар тўлиб, қайнаб ва кўпириб, тиззага чиқиб оқа бошлади. Момақалди роқ эса, осмондан тахта туника ташлагандай шарақлаб қалдиар эди. Чақмоқнинг олтин гугиртининг ўткур ёруғига ўхшаган шу'ласида, генерал блан адъютантнинг ўрнидан ирғиб турганини, ўқдай темирўшдан ўтиб, тепаликнинг нариги томонига тушиб кетганини кўриб қолдик. Буларнинг орқасидан бизнинг моторлаштирилган пиёда аскарларимиз ҳам ўша томонга тездан ўта бошладилар.

— Вой шўрим,—деди Клава, қўллари блан юрагини чангаллаб.

У сапчиб ўридан турди ва чопиб туннель ичига кириб кетди. Бир минутдан кейин сигир ҳайдаб чиқиб келди. Сигир, беўхшов қадам ташлаб лўкиллар ва сел эса унинг дарҳол ивиб юни қорайиб кетган сағрига тегиб тисқираб кетар эди. Клава бошига ёпиниб олган пальтосин няги остидан ушлаганича сигир орқасидан чопиб борар эди. У кичкинагина лабларини ғазаб блан қимтиган. Ҳўл сочларининг толалари юзига тушиб туғар У, керз этиги блан, кўпириб оқаётган ариқни шапиллатиб кечиб борар эди. Унинг орқасидан қўрқувдан ранги-қути ўчиб, кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетган иккита жонсарак кампир туннель ичидан сандиқларини олиб чиқишар эди.

— Сиз нима қилиб ўтирибсиз?—бақирди Клава менинг олдимдан ўтиб кетаётиб ва жаҳл блан елкасини учириб қўйди.

Мен тушвидим ва туннельга қараб чопдим. Ҳозирча ҳамма ёқни селнинг қора тутини ўраб турган чоқда туннель ичидагиларнинг ҳаммасини кўчириш керак эди. Мен девол четида қисиллиб турган икки отнинг тизгинидан тутдим ва уларни туннельдан олиб чиқдим. Одамлар нима қилиш кераклигини дарҳол тушиндилар. Мен туннельга бу қадар одам сигар деб ўйламовдим. Энди улар молларини олдига солиб ҳайдаб, қоп ва майда-чуйдаларини кўтаришиб қочиб қолишди. Уларнинг арабачалари ҳам бор экан. Улар сандиқ, туника тоғора, каравот ва тушакларини арабачаларга ортиб чиқа бошладилар. Улар ҳар сафар момақалди роқ гумбирлаганда чўқиниб қўйишар ва чақмоқ шу'ласида хотинларнинг кўзлари ялтираб кўринар эди. Аламон жарликка қараб қочди ва муйилишнинг кетига бориб кўздан ғойиб бўлди. Сел қуяр эди, аммо энди, унинг нафасларни бўғучи ва тутинга ўхшаган туман босган қўйини гўё очиб юборилган дарбозадан киргандай,



юзларча километр ерда гуллаб ётган гречиха, пишиб етишган бўғдой, газак ўт, қора тупроқ, укропларнинг момақалдиросдан мусаффолашган, ўткир, яшанг ва хушбўй ҳидлари ҳамаёқни тутиб кетди. Иккав санитар қиз бўлса завқ блан бошларини селга туттишиб ёмғур суви блан сочларини ювишар эди, осмон ҳам сажийлик блан уларнинг бошига сув қуйиб берар эди. Улар сочларини совун блан ювишар, жингалак сочларига суржалган совун кўпиклари уларнинг хуш-чақчақ, қизаринқираган юзларидан оқиб тушарди. Улар сочларини сиқшар, чайқашар, яна совун суртишиб ва июль селининг илиқ сувида яна қайта чайқашар эди. Улар, пайдан фойдаланиб, сочларини юиб олишга муваффақ бўлганлари учун ниҳоятда хурсанд эдилар. Улар бир-бирининг бошини юваётганда, бир-бирининг сўзини бўлиб ва қаҳқаҳа уриб, ўзаро гаплашаётканларини мен ҳам эшитиб қолдим.

— Қаттиқроқ, Галечка, қаттиқроқ,— деди биттаси.— Тортинма. Тара, тузикроқ тара.

— Мен ҳам кучим борича тараяпману.

— Қани. Яна бир совунлачи.

— Совунлаяпману.

— Совунни аяма. Ҳеч бўлмаса, охири, сочимиз тоза бўлиб қолади-ку.

— Уҳ, қандай мулойим сув-а!

— Маза!

Улар бир-бирининг бошини жига ўтидан қилинган атир совун блан ювишди ва уларнинг атрофини ҳам жига ўтининг, гречиханинг ўткир, асал ҳидини эслатадиган исига аралашиб кетган, хушбўй ва тоза ҳиди тутиб кетган эди.

— Катя, сен военторгдан ордер блан ўзингга кўйлаклик олдингми?

— Олдим.

— Мен ҳали ололганим йўқ. Яхшими?

— Ёмон эмас. Кўк, сун'ий шоҳи. Жуда келишган.

— Бориб келиш керак, бўлмаса томом бўлиб қолади.

— Ҳуш'ёр бўл.

Шу вақт тепаликдан, энгашганича, ҳўл кўкат устида сирғана-сирғана генерал тушиб келди, у ариқдан сакраб ўтди ва жигарга ўхшаган, қандайдир бир қизил нарсани менга узатди.

— Манг,— деди шошиб.

— Бу нима?

— Мен сизга топиб бергин деб лейтенантга буйруқ берган тўппонча.

У, ҳаммаёғи қонга буланган кичкина бир тўппончани қини блан қўлимга суқиб қўйди.

— Бу ўлдирилган немисникими?— деб сўрадим.

— Йўқ, бу тўппонча лейтенантники.

Клава бизнинг олдимизга чоғиб келаётди: \*

— Нима булди?— деб қичқирди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди қайғи блан генерал.

У, бироз жим турди. Унинг исдан қоройиб кетган юзидан ёмғир томчиси оқиб тушар эди. У, фурашқасини ечди ва даст-рўмолчаси блан бошини артди.

— Лейтенант ўлди,— деди у.

Клава қўлларини силтади.

— Манг,— деди генерал қат'ий.— Қинини ариқда чайқаб олинг, ўзингизнинг „Бреветато“нгизни эса ташлаб юборинг.

Мен бир мунча вақт, нима қилишимни билмай, лейтенантнинг қини қонга буланиб кетган тўппончасини ушлаб турдим. Буларнинг ҳам-маси гўё тушда бўлаётганга ўхшар эди. Кейин мен қиндан кич-кинагина, ихчам, тоза, яхшилаб мойланган маузерни олдим ва қинини ариқда чайқадим.

Ёмғир қандай ёға бошлаган бўлса ана шундай бирданига тин-ди. Жуда ҳароратли ва жуда ёруқ қуёш кўринди. Бирданига кун исиб кетди, ивиб кетган солдатлардан буғ кўтарилар эди. Туннельдан, энгашиб, елкасига плаш-палатка ташлаб олган, кич-кина бир офицер чиқиб келди. Бу моторлаштирилган пиёдалар батальонининг командири эди. У, иссиқлаб кетган эди. Плаш-палаткасидан чакка томар ва қуёшда тутаб турар эди. Ариқ ва кўлчаклардаги анча пасайиб қолган қуёшнинг ойнадек акси кўз-ларни қамаштирар эди. Бўйнига автомат осиб олган, этиклари лой бўлиб кеткан кичкина офицер генерал олдига келди ва буй-руқ кутиб тўхтаб турди. Унинг шлёми остида чеккасидан лойқа тер оқар эди.

— Қалай?— деди генерал қовоқларини чимириб.— Қувиб чи-қардиларингми?

— Йўқ ҳали. Яқин бориш мумкин эмас. Улар буғдойзорда ўлтиришибди. Уларни кўриб бўлмайди. Боплаб отаяпти.

Генералнинг қовоғи бешбаттар солинди. Кўрсаткич бармоғини ҳўлади ва юқори кўтарди, шу блан у, шамолнинг қайси томон-дан келаётганини аниқламоқчи эди. Генерал ҳам бутунлай ивиб кетган. Унинг комбинзони қорайиб кетган, елкасидан буғ кўта-риллар эди.

— Буғдойзорга ўт қўйинг!— деди қат'ий.

— Қўйиб кўрдим. Ёнмаяпти, ҳўл.

— Ҳўл!,— деди генерал аччиқ блан.

У, олдида бўйнига автомат осиб олган, ёмғирдан қорайиб кетган плаш-платкасидан буғ кўтарилиб турган батальон коман-дирининг юзларига бир мунча вақт қараб турди.

Кейин катта кўкрак чўнтагидан рўмолчага ўхшатиб букланган харитани олди ва қалам блан, нима бўлса ҳам, туннель олдидаги буғдойзордан немисларни қувиб чиқариб, батальон ишғол қилиши зарур бўлган маррани кўрсатди.

Батальон командири тумов эди. У, бир неча бор жаҳл блан бурнини тортди. Унинг қотма, ажинлар блан ўралган ҳорғин кўзлари ва қисқа қилиб қирдирилган мўйлави ҳам бор эди.

— Лейтенантнинг жасадини олиб келиш учун машина юбо-ринг,— деди генерал.

— Хўп бўлади,— деб жавоб берди батальон командири.

Генерал қуёшдан кўзларини қисиб турар эди.

— Сиз бензин блан ўт қўйиб кўрмадингизми? — деб сўради генерал, яна батальон командирининг сурранг юзларини кўздан кечира бошлади.

— Бензин блан, йўқ.

— Чакки қилибсиз. Боринг. Тўхтаг. Мен сизга биринчи даража ватан уруши ордени ва'да қиламан. Мен буни, шахсан ўзим, сизга жанг майдонида кўкрагингизга тақиб қўяман. Сиз менинг ва'дам устидан чиқишимни биласиз. Хайр, муваффақият тилайман. Ҳаракат қилинг... машинани унитманг.

Генерал батальон командирига қўл узатди. Командир, чест бериб хайрлашгач, туннель ичига кириб кетди. Орадан бир неча минутлар ўткандан кейин туннель ёнига бир юк машинаси келиб тўхтади, машинадан тўртта темир бочка туширилди. Бочкаларни эса шу ондаёқ туннель ичига юмалатиб кириб кетишди. Мен „Бреветато“ни ариққа ташлаб юбордим ва камаримга лейтенантнинг, худди эгасининг ўзига ўхшаган ихчам, кичкинагина ва ишончли бўлган тўппончасини тақиб олдим. Темирйўл тепалигининг нариги томонида пулемётлар тариллади ва гранатларнинг бир қанча портлашлари эшитилди. Биз туннельга қарадик ва худди дурбинда кўргандек, четларида қора-қизил аланга авж ураёткан буғдойнинг топталганини ва оёқ ости бўлганини кўрдик. Шамол оловни немислар томонига қувар эди. Олов бир аждарҳодек буғдойзорни ялмаб ютар эди. Қопқора, бурқсаб турган тутун орасида қўлларини кўтарган немисларнинг кўкиш-зангар қоралари уёқдан-буёққа чошиб юрар эди. Биз юзларча товушларнинг пойма-пой „ура“ деган овозини эшитдик ва ҳамма нарса тутун ва аланга блан аралашиб кетди.

— Кетдик, — деди генерал, кўкрак чўнтагига харита ва лейтенантнинг орденлари тугулган тугунчани солиб қўйди.

Биз „виллис“га ўтирдик ва ғириллаганимизча кетдик. Энди машинани генералнинг ўзи ҳайдаб борар эди. Унинг ёнига, пальтосига ўраниб, Клава жойлашди. Шофер менинг ёнимга ўтирди, шофернинг ёнида эса мен танимаган бир лейтенант бор эди, бу лейтенантга генерал биз блан бирга боришни буюрди, мана шунинг учун ҳам яна сиқилиб, ўнғайсиз ўтирдик. Генерал машинани ниҳоятда тез ҳайдаб борар эди. Яна машинанинг чеккасидан маҳкам ушлаб ўлтиришга тўғри келди. Машина бизни чайпар ва бир-биримизни тўқнаштириб юборар эди. Биз тишимизни-тишимизга қўйиб ўлтирдик. Биз кетган еримизга қайтиб келганимизда кечкириб қолган эди ва осмонда рангсиз, хирагина ой сузар, у ҳали соя ташлаганича йўқ эди. Генерал ўз чодирининг олдига келганда машинани таққа тўхтатди. Ҳоз гўши солинган коса ҳали ҳам бояги жойида турар эди, ammo унинг атрофини авиобомбалар илма-тешик қилиб юборган эди. Биз у ёқда эканимизда, корпус штабига немис авиацияси икки бор ҳужум қилган экан. Яхшики талофат бўлмапти. Ҳоз гўши турган коса қора тупроққа тўлиб қолган эди.

— Клава, — деди генерал, биз машинадан тушканда — бошқа бирар нарсанг борми?

— Иуқ,— деди Клава.

— Сосискачи?

— Сосиска бор.

— Ё пирайе, майли сосиска булса ҳам бер.

Клава чодирга кириб кетди ва кўпдан бери ҳамманинг кўнг, лига теккан, бир банка америка сосискасини олиб чиқди. У бан- качани немис ханжари блан оча бошлади. Клава банкани очкунча- генерал дивизион газетасидан тупроқларни қоқди. Штабда иш- лайдиган бир неча қизлар менинг олдимга чолиб келишди.

— Сиз ўша ердамингиз тўғрими? Чинакам ўлдими?

Мен лейтенант тўппончасини кўрсатдим. Улар юзларини ўги- ришиб олишди. Бир четда турган ингичга, келишган, оппоқ юз- ларига пилоткасининг остидан қўнғир сочларининг толалари ту- шиб турган радист қизга кўзим тушди. У бир қанча вақт жимгина турди ва кейин жимгина бурилди-да кетиб қолди.

Генерал тиши блан шишанинг пўкини очди ва кружкага бироз арақ қуйди. У, бироз ўйлаб турди, кейин ҳечнарсга емасданоқ бир кўтариб ичиб юборди.

— Сен, Клавдия, хафа бўлма,— деди у, мулойдимгина ва унинг қўлини ушлади. Қизнинг панжаларини кучли қўллари блан қисди.

Клава енгги блан кўз ёшларини артди.

Энди сапёрлар хавф-хатарсиз битираёткан кўприк орқали, қо- ронғи тушкунча дар'ёдан ўтиб олишга шошиб, бизнинг ёнимиздан, кетма-кет тартақайлаб танклар ўта бошлади.

*МА'РУФ таржимаси.*

Ж. ШАРИФИЙ

## Т О Ш К Е Н Т

Кўмкўк майсазорда-зилол денгизда,  
Чўмилган шаҳарим, чиройли дивёр,  
Нурларда ювилган, кўк бахмал кийган,  
Шаҳарлар гўзали десам ҳаққим бор.

Сен Ўзбекистоннинг бақувват қалби,  
Ўрта Осиёга маш'алу маёқ,  
Мағрурона айтар менинг шаҳрим деб  
Памирдаги тожик, Жамбулли қозоқ.

Ма'рифат дар'ёси, илм кони сен,  
Тоза қонлар жўшқин ўйнар танингда.  
Табиат сирларин англаб олурлар  
Гўзал авлодимиз нури бағрингда.

Ашхободдан келиб дарс олар туркман  
Пишпакли қирғизга кенг очдинг қучоқ.  
Бошимизни қўшиб биродар қилдинг,  
Сенга олқиш айтар мард қорақалпоқ.

Сенинг минбарингдан нутқ сўзлади  
Қаҳрамон Фрунзе, Куйбишев ўртоқ,  
Каганович айтар доҳидан салом,  
Даста гуллар бердик қучоғу-қучоқ.

Доҳий имзо чекди Кремльда туриб,  
Тошкент яна гўзал, обод бўлсин деб.  
Дунёга овози, донги кетсин деб,  
Яна нур-шу'лага, гулга тўлсин деб.

Шарқнинг юлдузисан қаҳрамон шаҳар,  
Ҳинд, Хитой халқлари суқланиб қарар,  
Эрон, Афғон кутиб сендан зўр нажот  
Сен юрган нур йўлдан албатта борар.

Москва миз қуёш, ҳурлик макони,  
Москва йўлида сен катта бекат.  
Москва халқларнинг бахти армони,  
Москва укаси дейдир мамлакат.

Сен яна чаманзор, гулзор бўласан,  
Чунки халқ шимарди мардона билан,  
Тошкентда турганим зўр бахт-саодат  
Шубҳа йўқ рўёбга чиқар бу тилак.

1946 йил.

## МИРМУҲСИН

### ЁШ КОММУНИСТ ҲАҚИДА

#### 1

Бир дақиқа жим қолди барча...  
Совуқ шамол эсади ғув-ғув,  
Ана, оқар ҳайбатли дар'ё,  
Гирдоб урар, ҳайқирар зўр сув.  
Қирғоқларни бесмиш оппоқ қор;  
Қор учади мисоли тўзон,  
Титратади совуқ қиш ели,  
Этикда ҳам ачирди товон.  
Олисларда гумбурлар тўплар,  
Кўтарилар тутун, ўт, тупроқ...  
Эшитилар танк шалдираши,  
Авжга кирмиш ҳар қурол-яроғ.

#### 2

— Мен бораман!—  
деди Элмуродов,  
Уч-тўрт қадам чиқди олдинга,  
Ҳамма бирдан қаради унга,  
Қиш шамоли учади ғув-ғув.  
Бир ёш йигит...  
Паст бўйли...  
Хипча...  
Қотиб турар у ҳайкал каби,  
Сабз урмаган ҳали мўйлаби,  
Бўйга узун шинель ҳам пича...  
Этигини, шинельни ечди.  
Қорда турди у оёқ-яланг,  
Жунжитарди совуқ.  
Жангчилар—  
Бардош бериб турарди аранг.  
Сувга яқин борди у шу чоқ.  
Сим учини ўради қўлга,  
Командирга очди у қучоқ:  
„Агар ҳалок бўлсам, оғайни,  
Коммунист, деб эслангиз мени!“

У, шўнғиди.  
 Дар'ё тўлқини—  
 Кўмиб кетди уни бир дамда.  
 Совқотганлар ҳайратла боқди,  
 Пайдо бўлди ўт ҳар одамда.  
 Фарқ кишидек чўқди, дам чиқди,  
 Қалқди.  
 Лахта-лахта сув ютди.  
 Чапаевдек қолди ўқ ичра,  
 Тўлқин олисларга итқитди...  
 Қаршиёқдан уни бетўхтов,  
 Саваларди ёв пулемёти,  
 У, оқарди...  
 Чукарди...  
 Сузар...  
 Сув ҳайқирар, кўринмас кети.  
 Қум тўзони каби қор учар,  
 Титратади.  
 Ачийди товон...  
 Аммо, гурс-гурс тепарди қалблар,  
 Ошиқарди зафарга томон.

## 4

Бир дақиқа жим қолди барча!  
 Совуқ шамол эсади ғув-ғув...  
 — Элмуродов!  
 — Мен Элмуродов!  
 Командирга қараб юрди у.

Олисларда гумбирлар тўплар,  
 Кўтарилар тутун, ўт, тупроқ...  
 Қор устида турар булинма,  
 Ортда қолган дар'ё ва қирғоқ.

Сентябрь, 1946 йил.



ШУҲРА

**ФАРҒОНА**

Саховат боғининг гули Фарғона,  
Адолат мулкига ошнодир кўпдан.  
Бошида саодат қуши парвона  
Дўсту-ёр ортидирган Ўшдан, Харковдан.

Фарғона еткизган пахта матоси  
Морманда посбонни совуқдан асрар.  
Ҳар шона пахтада бахт муддаоси.  
Ягона фарзанддай азиз, му'табар.

Фарғона йигитин ботир қалбида  
Бахтиёр меҳнатдан нур барқарордир.  
Берлинга ташланган ҳамба зарбида  
Шубҳасиз, Фарғона ҳиссаси бордир.

Халқки бор шодланса пахтакор деҳқон,  
Кўкрагин кўтариб мисоли бир тоғ.  
Рейхстаг томида тилпираб ҳамон  
Шу азиз пахтадан тилинган бахроқ.

Фарғона ҳуснидир, пахтазор дала,  
Давлати, зийвати, иқболи ҳам шив!  
Ҳар сиқим пахтада кўрар ошқора  
Эртаги паровон ҳаётини у!

Марҳамат Фарғона, янги беш йилнинг—  
Хазинасин ярат, юксал, қувват ол.  
Эй, анчик парчиёй бепоён элнинг,  
Миррбол қувонч саодатда қол!

Фарғона.  
Июль, 1946-нчи йил.

ҲАКИМ НАЗИР

## ВАЛИЖОННИНГ ДАДАСИ

Ҳикоя

1

Валижонга дадасининг ширин эркалатишлари хуб хумори қилган эди. Унинг „ўғлим, азаматим“ деб пешанасини силашлари асига тушганда хўрлиги келиб йиғламоқдан бери бўларди. Айниқса, уч-тўрт ойдан бери хат келмай қўйгани уни безовта қилар, ўртоқларининг дадалари, акаларидан ҳар хат келганида у ўксирди. Шунинг учун ҳам бувисининг та'рифича, „ерга урса-кўкка сапчийдиган“ боланинг кейинги пайтларда шўхликлари камайган, бежиримгина башарасида ёшига ярашмайдиган жиддийлик акс этиб қолган эди. Энди у, унар-унмасга югуравермас, бировга ёқияш-ёқмасяга қарамай қўшиқ айтавермас, укаси Тўлқинни ҳа деб осмонга иргитиб чинқиртирмас эди. Бундан бувиси хурсанд бўлиб, қўни-қўшилларга „неварам ўсган сари қуйилиб қолаяпти ҳар қалай“ деб кериларди. Лекин ойиси бунга бошқача қарар эди. Валижоннинг хомушлигидан юраги эзилса ҳам, сир бой бермай, кўнглини кўтариб: „Кўп ўксима ўғлим, кўнглим тўқ, даданг соғ-саломат. Дадангни биласан-ку, ҳеч тинмас эди, у ёқда ҳам ишга кўмилиб, чамаси хат битишга ҳам қўли тегмаётганга ўхшайди“—дерди.

Валижон каникул бошлангандан буён уйда кам бўлиб, кўп вақти дала шийпонида ўтарди. Гоҳо кўрғончада ёлғиз қолса, яхши кўрган машғулоти—расм чизиш блан зерикашини ёзарди. Атрофини қуюқ ток япроқлари қоплаган сўрида ўтирар экан, бирдан фикрини алланималар чулғаб оларди. Шунда қора қошлари чимрилиб кетар, хаёл тизгини тутқич бермай, уни жуда олисга, алла қаёқларга олиб қочар эди.

Ана, дунёнинг нариги чекасида бегона шаҳар, одамлари аждарҳога ўхшайди, ҳаммаёқ олов ичида, унинг дадаси ўзининг зўр машинасини шу оташ орасидан тезлик блан олиб ўтади, охирги аждарҳони машинасига бостириб мажоқлайди. У қаёққадир шошади, кимнингдир излайди. Шунда бирдан машинаси қанот чиқарадию осмонга парвоз қилиб, бир зумда Вадил тепасида пайдо бўлади. Валижон даррав қизил галистугини ечиб, ёғоч учига бойлаб силкитади. Дадаси пастлаб учиб машина дарчасидан қарайди. Ана унинг меҳрибон дадажони жилмайиб қараётир.

Чарим қулоқчини, кўз ойнаги кўриниб турибди. У, Валижонга бир нималар дейди, броқ машинанинг гулдиросидан эшитилмайди. Валижоннинг нафаси оғзига тиқилган, дадасига қўнишга жой кўрсатиш учун, қўлидаги байроқчани силкитганича қишлоқ чекасига қараб югирар экан, шу тобда орқадан биров чақиргандай бўлади...

Чўчиб кўзини очса, қўшни томондан: „Вали! Даданг...!“ деган бўғиқ овоз эшитилмоқда эди. Валижон сакраб ўрнидан турди. Уйқисираганимми деб, эс-ҳушини йиғиб қулоқ солса, яна ўша товуш эшитилди! Бу Алижоннинг товуши эди. Валижон бир энтикиб олди. Дадасининг „охирги фашистни ўлдириб келишини“ ойларча, йилларча тоқат қилиб кутган эди у. Эндичи? Бир дақиқа ҳам ортиқчалик қилди. Эшикка томон ўқдай отилиб кетаётган жойида яна орқага тисланди, то кўчадан айланиб чиққунича худди дадаси кетиб қоладигандай туюлди, девордан ошиб тушақолай деб тиришган эди, энди кўтарилай деганда, гувала кўчиб кетиб, умбалақошиб тушди. Ҳарқалай ортиқча зарарланмади. Фақат чап тиззаси қирилиб ачишиб кетди. Бошқа бола бўлса-ку, айюханнос солиб оламни бузиб юборарди-я! Валижон унақалардан эмас. Бир вақт, ҳали дадаси урушга кетмаган ва ўзи энди биринчи синфга кирган кичкина вақти эди, шўхлик қилиб дадасининг тракторига юриб кетаётганда мингашаман деб машина остига кириб кетган эди. Дадаси машинани чаққон тўхтатиб қолиб, уни тортиб олганда, индамай кулиб тураверган эди.

Мана у ҳозир тиззасининг оғриғини ҳам сезмай оқсоқланганича яна эшик томон югуриб кетди. Алижонларнинг қўрғонига энди бурилганда, муйилишдан биров хассасини дўқиллатиб чиқиб қолди. Идора қоровули Ёрматота: „Шошма, болам!“—деб уни тўхтатди.

— Ҳа! Нима дейсиз? — Валижон шошиб сўради.

— Қани олдимга туш!—деб буюрди Ёрматота.

— Қайерга? Нега?

— Раис чақираяпти.

— Раис? Нима ишлари бор экан?

— Ия! Ишнни суриштиради я!—ота бўғилди.— Ўзингдан катта бир нарса дедими, алай-балайни қўйиб, юрабергин-да, тирмизак!

Валижон „ҳозир, ҳозир“ деганича Алижоннинг эшигига интилган эди, ота худди шу тобда жўрттага қилаёткандай унинг қўлидан тортиди ва:

— Болам дейман, бекорчи ишни қўй, буёққа юр аввал. Тез олиб кел деган!—деб жаврарди.

Булар шу зайлда тортишиб турганда, Алижоннинг ўзи қисик кўзларини бесарамжон пириллатиб, лунжини шишириб қўпол этигини судраб, ҳарсиллаб чиқиб қолди.

— Қайерда? Сенга ким айтди?!—деди Валижон нафаси тиқилиб.

— Аввал сўйинчини чўз. Ма, қара!

Валижонга газета тутқизди.

Валижон газетани оласолиб кўз югуртирди. „Қаҳрамон тапкист Темур Солиев“ деган хабарга кўзи тушиб, қисқа сатирларни бир

лаҳзада қамради... Унинг шу пайтдаги ҳаяжонини ҳечварсага қиёс қилиб бўлмас эди. Ранги қув ўчиб, юмалоқ, тим қора кўзлари ёшланиб кетди. Ҳозир унга катта байрамдек. Йўқ, ундан, ҳам афзал! Қани энди ҳозир дадаси шу ерда пайдо бўлақолсаю бўйнидан қучоқлаб ўпса. Бор овози блан „Яшасин дадам!“ деб қичқирақолса. Унинг сакраб-сакраб ўйнагиси, бутун қишлоқни айланиб ҳаммага газетани ўқиб бергиси, „Мана, бизнинг дада шунақа“ деб мақтангиси келарди.

Ерматчол ҳам кутилмаган янгиликдан ўзини йўқотиб қўйди ва Валижонга „Қани ўғлим, овоз чиқариб ўқи-чи“ деб ялиниб туриб олди. Валижон унга хабарнинг мазмунини айтиб берган эди, чол „Ёпирай, ёпирай“ деб яқасини ушлади.

— Аданг Темуржон-а?! Қўйнинг оғзидан чўп олмаган, умрида чумолига озор бермаган йигит-а? Тавба! Одам ҳам шунча ўзгарар экан-а!—Чол кўзини катта-катта очиб деди:—Менга қара ўғлим. Бир звод фашистни қирди, дебти. Фашист деганини-ку эшитганман, биламан уни. Абдукарим акангни танийсанларми? Бир қўлсиз келган, ўша менинг ўғлим бўлади. Унинг қўлини ҳам фашистлар узиб ташлаган, аблаҳ каллакесарлар! Энди зводига тушинмадим. У нимаси?

— Взвод денг!—деди Валижон.—Бир взводи бир отряд бўлади. Бир взвод фашистни қирди дегани, 40—50 та фашистни қириб ташлади деган гап.

— Балли, балли, умридан барака топсин. Газандани ўлдириш савоб дейдилар. Агарда битта чаёни йўқ қилсанг ҳам анча савоб иш қилган бўласан...

Чол гапга берилиб кетиб раиснинг буйруғини унитаёзган эди бирдан эсига тушиб:

— Дарвоқи' болам, қани энди юр. Раис койимасин,—деди.

„Эшик ёлғиз, ойим далада, бувим холамникида“ деса ҳам бўлмади. Раис чақиргандан кейин бормасдан илож йўқ. Чолдан: „Нега чақирган эканлар? Дадам тўғрисидамикан“ деб сўраган эди, чол:

— Ҳали раисларнинг бу гапдан хабари борми-йўқми билмадим. Бошқа иши бордир, балки,—деб мужмал жавоб берди.

— Буни ҳали улар билишмайди. Почтадан тўғри келаётганим!—Алижон изоҳ берди.

Бу гап Валижоннинг ховотирини оширди. Унинг шубҳаси газетадаги гапнинг тўғри ё нотўғрилигида эмас, бошқа нарсада эди.

„Сиз бораверинг, мен эшикни қулфлаб ҳозир бораман“ деб чолни жўнатганда, Алижон унга, „сўйинчини чўз“ деб тиқилинч қилди. „Нима берай“ деган эди, белидаги амиркон камарини сўради. Агар ҳозир миниб юрган жийронини сўраса ҳам „йўқ“ деялмас эди. Хўп деб камарини ечиб берди-да, ўзи дадасининг қалин қайиш камарини икки айлантриб боғлаб олди. Алижон ҳам почтадан келтирган газета ва хатларни қўлтиқлаб,—иккави биргаликда идорага чопқиллаб кетишди. Йўл-йўлакай Валижон шеригига ҳалиги шубҳасини билдирди. Раис уни ҳеч чақиргучи

эмасди. Иннайкейин дадаси тўғрисида ҳали ҳеч нарса билдир-мас, унда бошқа нима ишлари бор экан?

— Мунча ховотирланаверасан? Бирон иши бордир-да!— деб қўйди Алижон.

— Ишқилиб тунов кунги гап бўлмасин-да!

— Қайси гап?

— Ҳув расм-чи?

— Ҳа, бўлди. Карамхон аяни ойнага қараб олиб ўсма қўйиб ўтирганими? Лекин, ўртоқ, жуда боплагансан. Худди ўзи-я...

— Ахир ўхшамаса, ким танийди.

— Худди ўзи. Буёқда кетман чопаётганларни ҳам жуда ўхшатгансан. Иннайкейин тегида нима деб ёзган эдинг? Ясанишми, нима эди?

— Пардоз... „Карамхон аямнинг иш вақтида пардоз қилиш-ларига қаранг...“

— Ҳа, ҳа! Бир вақт почтадан хат олиб келиб тарқатиб юрсам, овқат маҳалида, ҳамманинг кўзи деворда. Шийпонни бошига кўтаришиб кулишаяпти. Карамхон аям изза бўлиб, бирам қизариб кетганларки... бир чеккада индамай ўтирибдилар. Бундай қарасам, овқат ҳам ўтмасдан, зарда блан ўринларидан туриб кетманни кўтариб эгатга кириб кетдилар.

— Эшитдим,— деди Валижон.— Карамхон аямга қаттиқ алам қилган экан, оймга „Сиздан ўзиб кетмасам юрган эканман“ деб баҳслашиб қолибдилар. Менинг оймга етиб бўлсиз дедим ичимда... Валижон андиша блан шеригига қараб:— Биласанми, Карамхон ая раиснинг жиянлари экан. Кейин билдим...

— Ҳа, нима бўпти? Агар аввал билганингда ёзмас эдингми?

— Собиржон акам айтганларидан кейин ёзавераман-ку. Энди, раис хафа бўлганга ўхшайди-да.

— Қаёқдан билдинг? Уришдимми?

— Уришмасам ҳам кеча далада кўриб, ҳа ука, энди кимни ёзмоқчисан деб кулиб қўйди. Ғалати қаради.

— Шунга нима бўпти?

— Хафароқдай кўринди кўзимга...

## II

Булар идорага киришганда раис Эргашака, партком Собир жонака, ҳосилот Қўзибойака бир нарса устида қизгин суҳбатлашиб ўтиришган эди. Раис болаларни кўриши биланоқ ўрнидан бир қимирлаб қўйди-да:

— Қаёқда юрибсизлар йигитчалар? Қани, қани!—деб ёнидан жой кўрсатди.

Раис шунча қистаса ҳам болалар тортинишиб пастроқдаги бир курсига иккавлари бемалол сиғиб, бир-бирига суяниб ўтириб олишди. Раис очиқ чеҳра ва эркалавчи назар блан боқарди. Валижон унинг афтига дадил қарайолмади, девордаги суратларга аланглар эди. Чиндан ҳам у раисни ҳеч қачон бунақа хотиржам ҳолда кўрмаган эди. Унинг бунчалик очиқ чеҳра блан муо-

мила қилганидан ўнғайсизланиб Валижон салом беришни ҳам унитди.

Алижон газеталарни партком олдига қўяр экан, кечиккани учун узур сўраган бўлиб, аввал газетани Валига кўрсатишга шошиб тўғри қўрғонга ўтиб кетганини айтди.

Раис болаларни янгилик блан севинтирмоқчи бўлиб турганда, Алижоннинг бу гапига қизиқиб қолди.

— Нима гап? Газетада бирон янгилик бор эканми?

— Мана!—деб Валижон газетадан ҳалиги хабарни кўрсатди, унинг юзидаги бояги ховотирланиш мағрурлик аломати блан алмашинган, ўзини катталар олдида дадил ва сипо тутарди.

Хабарни раис баланд товуш блан ўқиб чиққач, ҳаммалари Валижоннинг елкасига қоқиб, табриклашди.

— Энди буёғини эшит, ука!—Раис стол устидаги иккита қоғозни Валижонга узатди. Бундай қараса—бири дадасининг ўз қўли блан ёзилган, иккинчиси эса дадаси хизмат қилаётган қисим коман-дири полковник томонидан ёзилган хатлар экан.

Севинч устига севинч қўшилиб, ўзини йўқотиб қўйгудай бўлди Валижон. У, кўзларига ишонмай, хатларга қайта-қайта тикилар, олазарак ҳолда атрофга жовдирар эди.

— Даданг Темуржон чакана иш қилмабти,—деди раис.— Фашистлар уясига қизил байроқ тикишга борган аскарларимизга танки блан йўл очиб берибти. У энди Совет Иттифоқи қаҳрамони. Бу ҳақда Калининнинг фармони чиққан.

Раис бу сўнгги сўзларни салмоқлаб айтаркан, гўё сенинг даданг шунақа ботир киши деб писанда қилгандай туюларди.—Дадангни аввал Темуржон тракторчи десак, энди Темуржон қаҳрамон деймиз.

Унинг хатида „Яқинда бориб қолсам керак“ деган сўзлар ҳам бор эди.

— Энди дадангни яхшилаб кутиб олишимиз керак. Раис Валижон блан Алижонга уқдирди.—Сенларга ҳам катта юмиш бор. Идора, клубларни безатиш керак. Шиор ёзишми, деворий газета чиқаришми, чиройли-чиройли расмлар чизишми, ҳаммаси қўлларингдан келади. Нимайки зарур бўлса, буёғини Собиржон акангдан сўраб турасизлар. Ма'қулми, йигитчалар?

— Хўп бўлади!—деди Валижон ва ўрнидан тура бошлаган эди, раис уни тўхтатди.

— Ҳали гап кўп ука, шошма! Маслаҳатнинг хулласи, даданг келадиган куни мактаб болаларининг ҳаммасини станцияга олиб чиқасизлар. Сен, Валижон, байроқни кўтариб олдинда борасан.

— Болаларни ясантириб, қизил галистукларини тақдирамиз. Сафга тизиб чиқамиз—деди Валижон мамнун бўлиб.

— Дўмбирани ўзим чаламан. Жуда устаман—деб қўшиб қўйди Алижон.

— Маслаҳатнинг хулласи шуки, бутун кишлоқ қаҳрамонни кутиб олаётгани билинсин.

— Бўпти!—деб Валижон яна қўзғолган эди, раис „Сабр қил ука, қаёққа шошаяпсан“—деб яна тўхтатди. Тўғриси, Валижон

даррав, ғириллаб, бу катта янгиликларни онаси блан бувисига етказишга ошиқаётган эди.

— Ҳали маслаҳатнинг хулласи буёқда,—раис яна гап бошлади:—Қаҳрамон келди дейлик.—Валижон „қани“ дегандек ялт этиб раиснинг афтига бир қараб қўйди. Раис давом этди:—Клубда мажлис бўлади. Мен гапираман. Колхозчилар сўзга чиқишади. Дадангни ҳам гапиртирамиз... Кейин, Валижон, сен ҳам чиқиб гапирасан.

— А? Нимани гапираман?—Валижон хайрон бўлди.

— Қилаётган ишларингдан гапириб кейин дадангнинг қаҳрамон бўлиши блан болалар номидан табрик қиласан.

— Қанақа ишларим? Дадам бир хатларида „Катта йигит бўлиб ўрнимни босадиган бўлиб қолгандирсан“ деган эдилар. Шундан бери уяламан. Дадам мендай вақтларида тракторчига шогирд бўлган экан... Агарда ўқишингдан гапир десангиз, тузук. Бу йил 6-инини битирганимни...

Валижон раисга савол назари блан қараб туриб:

— Бошқа нимани гапираман?— деб қўйди.

— Сенга ҳозирча кетман чоп, трактор ҳайда демаймиз. „Ёшлик ғанимат. Уқишингни бўшаштирмасанг бас. Иккинчидан қўлингдаги қалам-қоғозни ҳам асти қўйма. Бригадаларда чиқарган варақангни кўрганман. Ушандай расмлардан яна солиш керак. Бўш келма, ука! Иш ёқмас такасалтангларнинг шармандасини чиқариш керак. Бу сенинг умумий ишимизга ёрдамнинг бўлади. Дадангнинг олдида яна шуларни гапириб берасан. Ахир у хурсанд бўлсин-да, ўғлим катта йигит бўлиб қолибди деб.

Валижон раиснинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, дадаси келганда бўладиган тантанани кўз олдига келтирди... Ана, одамлар залга тўлган, ҳаммаёқ безатилган. Каттадан-кичикнинг кўзи минбарда. Кўкрагида Ленин ордени, унинг қаторида Олтин юлдуз порлаб турибди. Назарида дадасининг бўйи анча баландлашиб, басавлат бўлиб кетган бўлса-да, афти бир мунча яшарган. Дадаси жилмайиб ёнига чақиради. Залда чапак, „яшасин“ деган овозлар гуруллайди. У энди жуда қадрли одам! Шу туфайли Валижонни ҳам қаҳрамоннинг ўгли деб ҳурматлашади. Қўймасдан уни минбарга чиқаришади. У гапиратуриб, одамларнинг, айниқса беш йлдан кўпроқ кўрмаган ва ҳозир қаҳрамон бўлиб келган дадасининг саловати босиб, ҳаяжондан терга тушиб тугилиб қолади...

Худди шу манзара хаёлида гавдаланар экан, раисга:

— Қўйинг гапиролмайман!— дейди ялинган оҳангда.

— Хўп бўлмаса сенинг номингдан ҳам ўзим гапираман!— деди раис охирида.

Валижон энди ўзини босиб олди ва:

— Мен, раис ака, бошқа бир иш қилсам,— деди.

Атрофдагилар унга „хўш, қани?“ деган назар блан қарашди.

— Дадамга атаб бир катта расм ишласам, уйдаги кичкина суратларидан кўтариб. Залга осиб қўйсак...— Валижон пича ўйлаб

олди, — лекин „Олтин юлдузни“ ўхшатолмасмикинман. Бу ерда нусҳаси ҳам йўқ...

— Мен кўрганман, лагерда анча қаҳрамонларнинг сурати бор. — Алижон изоҳ берди.

— Раис маслаҳат берди.

— Ўша ердан кўриб келақолгин. Яқин-ку.

— Бўпти! У ерда яхши рассомлар бор. Улардан маслаҳат ҳам оламан.

\* \* \*

Валижон эрталаб барвақт турди. Вақти хуш, севинчдан босар-турарини билмайди. У, бошига дадаси трактор ҳайдаганда офтоб урмасин учун киядиган гардиши кенг, ҳоворанг қолпоқни, ихчам гавдасига кенг келса ҳам комсомолча қўйлагини кийиб, дадасининг қайиш камарини икки айлантириб бойлаб олди. Елкасига сумкасини осиб, унга расм чизиш учун керак бўладиган асбобларни ва дадаси армиядан хотирага, солдатлик кийимида тушиб юборган суратини авайлаб солиб қўйди.

Шундай қилиб, Валижон қулоклари чимирилган оппоқ эшагини миниб Вадилдаги лагерга отланар эди. Углининг келишига энди кўрпа қавиб ўтирган кампир эса кўз ойнагини пешонасига кўтариб, та'йинлаб қолди:

— Бўтагинам, эҳтиёт бўл! Эртадан кейинга қолма! Хўпми?

24-нчи август, 1946



М. БОБОВ

## ТЕРИМЧИЛАР

Омон отаникида бугун кечқурун  
Звенонинг кичик йиғини бўлди.  
Теримчи қизлари блан супаси  
Худдики бир даста гул бўлди; тўлди.

— Қизларим, — деб секин бошлади ота,  
Содда, дона-дона қилиб сўзини.  
Айвонда ёниқ ил'ич чироғи  
Барглар орасидан ўпар юзини:

— „Куклам ерни яхши ҳайдадик. Экдик.  
Хато қилмай, текис чиқди ғўзамиз.  
Ипакдай пишиди, шарбатга қониб,—  
Ҳар тупни капида тутди еримиз.

Энди дала томон борганда ҳар гал,  
Кўнглинг пахтазордай булар-очилич.  
Гўё юлдузларки чанғороқларда—  
Яшнар, тўлиб-тошиб ётар осилиб.

Ўзимиз ундирдик. Бахт бу, қизларим,  
Колхознинг давлати-хазинаси ку.  
Саратон-офтобда тўкилган терлар,  
Меҳр ва меҳнатнинг марвариди шу!

Шамолга учирмай, тупроққа қормай,  
Ҳар дона чигитин олишимиз шарт.  
Сўз берганбиз ахир... обрумиз баланд,  
Шу куннинг ўткунчи дами ғанимат!

Пахта еримизга кўкдан ёққандай—  
Дун'ёга сиғмасдан тўлиб ётса-ю,  
Лутфихон қизимдай терсак-бўшашсак...  
Кимга ёқар, айтинг... Қанақа иш бу?...”

Бирини махтади, бирин қойида,  
Ҳамма ма'қуллади ота гапини,

Юракдан самимий айтилди мақсад,  
Парпихон турди-да, қўйди аҳдини:

— Бугунги терганим икки юз кило,  
Бундан ҳам ошириб терай эртага.  
Ўнбеш мингга, албат, етказажакман,  
Лутфихон тенглашин мен блан бирга!

Ййгиндан қайтди-да, сўрида ётиб,  
Уйларди Лутфихон „ўзарман сендан!  
Эртага теришни кўрсатай, қани—  
Чеварликда, Лутфи, кимдан кам экан!“

Тўли оё боғига қуярди нурий,  
Полиздан жаранглар найнинг овози.  
Динамо „хўп-хўп“лаб олади нафас,  
„Ға-ға“лар каналнинг ўрдаги, ғози.

Тонгда:

Уфуқда кўрингач тонг пешонаси,  
Ой ҳам ййгиб олди ёйилган тўрин.  
Жўнади қир томон колхоз-подаси,  
Қалдирғочлар сайрар ҳаёт қўшиғин.

Салқин шамол эсар дала, боғларга,  
Ўпиб меваларнинг олтин юзини.  
Жўнади оқ олтин юклаган карвон,  
Соат қилиб порлоқ тонг юлдузини.

Ҳар кунги одати чевар Парпихон,  
Бироз тартиб бергач, уй-рўзғорига,  
Сочин чанбар қилиб, ҳаммадан илдам,  
Елдай учиб борди пахтазоррига.

Аммо хайрон боқди, унинг кўзлари,  
Йўлини тўсгудай бир хирмон пахта.  
Этагин тутаркан ўйлади: „Ким бу?“  
Кўринди оқ шоҳи рўмол нарроқда.

— „Лутфихон!“ — дея чақирди бирдан,  
Ялт этиб қуш каби қаради у қиз.  
— „Сизми... Ҳорманг!“ — деди уялганидан,  
Шошиб тера кетди икки қўллаб тез...

Сентябрь, 1946 йил.

## ОВЧИ ҚАНДИМНИНГ ОИЛАСИ

(Хикоя)

У, кўча эшиги олдида ўнғайсизланиб турдида, охири бошидаги узун телпагини тўғрилади ва соқолини силаб уй томонга қараб юрди. Остонада ўлтирган, сочлари бироз оқагган, кексароқ бир хотин уйга киручи кишига савол назари блан қаради. Киши эса, хотиннинг ёнига келиб, секин ўлтирди ва қўлига илинган бир чўп блан ерни чизиб нима тўғрисидадир ўйлаб кетди. Иккинчи қўлида эса хат ёзилган қоғоз варақлари бор эди.

— Нега индамайсан, Гужик? — сўради хотин, — юрагим сезиб турибдики, сен бирор нохуш хабар келтирганга ўхшайсан.

Киши, ҳаргин, қонсиз юзларини ўзгартирмасликка тиришиб, бошини эгди.

— Тақдир кишига раҳимсиз бўлади, Оқчагул, — деб гап бошлади тутилиб, — у, одамни нимага тўғри қилмасин, одамнинг тақдирга бўй суншдан бошқа чораси йўқ.

— Нима гап! — қичқириб юборди Оқчагул.

— Мурод... — деб сўз бошлаган Гужикнинг овози бирдан кесилиб қолди.

Оқчагул бир ҳаяжон блан унга томон қўлларини чўзди.

— Мурод ўлибди, — деди қийналиб Гужик ва зўр қайғи аломати қилиб, чап қўли блан пешонасини ушлади. Оқчагулнинг аз'ойи бадани титраб-қақшаб кетди. У, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, туролмади, йиқилиб тушди. Фар'ёд қилиб ҳовлини бошига кўтарди.

— Вой, дод, шўрим қурсин! Энди нима қиламан, оҳ, одамлар!...

Ҳовли бир нафасда одам блан тўлди. Кекса Қандимнинг бутун оиласи — ўғиллари, набиралари, қариндошлари уларнинг хотин ва бола-чақалари ерда ётган Оқчагулнинг атрофини ўраб олган эдилар.

— Кўзларимнинг нури сўнди, гиламимнинг гуллари ўчди — дея сочларини юлиб, муштлири блан кўкрагига уриб, айтиб йиғларди Оқчагул.

Гужик тўпланганларга ярим товуш блан қайғули хабарни айтиб берди. Хотинлар орасида йиғи овозлари эшитилди. Эркаклар эса, тескари бурилиб, қизарган кўзларини артар эдилар. Кимдир эски одатдагидай қилиб товушининг боричча фар'ёд солиб юборди:

— Оҳ, окагинам!

Бу оғир мотам қайғиси остида ўз-ўзлари блан овора бўлиб қолган кишилар, оқ соқол, новча бир отликнинг ҳовлига кириб келганини сезмай қолдилар. Чол, йиғи ва фар'ёдларга э'тибор бермай, отини ҳовлининг ўртасидаги ёпиқ остига шошилмай боғлади-да, отининг устидаги хуржинини елкасига солиб уйга тамон юрди. Одамлар, ҳурмат блан унга йўл бўшатиб бердилар.

Бу шу оиланинг бошлиғи, бугун областъга донғи кетган машҳур овчи Қандим эди.

— Бу нима фар'ёд? — сўради Қандим. У, доира бўлиб турган одамларнинг ўртасига ўтди ва жиддий тусда уларга бир-бир қараб чиқди.

Хотинлар ҳам жим бўлди. Фақат „пиқ-пиқ“ йиғи овозларигина эшитилар эди. Фақат ҳовлининг ўртасида Қандимнинг катта келини Оқчагул ҳамон фар'ёд қилиб йиғламоқда эди. Чол секин бориб кигизга ўлтирди, белбоғидан оқ суруп халтачасини чиқариб, ёнбошида деволга суялиб турган чилимни олди-да, сархонасидаги кулини қоқиб, унга бир чеким томоки солди. Болалардан биттаси югуриб бориб, ўчоғдан чўғ келтирди. Чол чилимни бир неча марта тортиб-тортиб чекди. Ҳар томонга ёйлиб кўтарилаётган кўкиш тутунлар орасидан тўпланиб турган кишиларга қаради.

— Нима бўпти, қани гапиринглар?! — деди амирона чол.

— Ота, севикли набиранг тўғрисида биз мана бундай бир хабар олдик — деди Гўжик ва чолга иккита хат узатди.

Лекин Қандим, гуё ҳеч нарса сезмагандай, ўсиқ қошларини чимириб, хўмрайган ҳолда Гўжикдан кўзини олмай:

— Қандай хабар? — деди.

— Икки дона хат. Биттаси Муроднинг бир ўртоғи томонидан ёзилган, бунда Муроднинг ҳалок бўлганини ёзади. Иккинчи хат эса, Муроднинг дараксиз йўқолиб кетганидан хабар беради.

— Хўш, — деди чол, — бу йиғи-сиғи нима учун?

Чол ўрнидан турди.

— Мен сизлардан сўраяпман? Нима учун фар'ёд қиласизлар? — дея такрор сўради чол.

Ҳамма жим. Қандимнинг ёнида чўққайиб ўлтирган қора мўйлабли бир туркман уялганидан йўталган киши бўлиб, томоғини қириб қўйди. У, Муроднинг худойисини ўтказиш керак—демоқчи эди-куя, броқ Қандимнинг ғазабга тўлган чеҳрасини кўриб, яхшиси жим туришни афзалроқ кўрди.

Қандимнинг саволига ҳечким жавоб қайтармади, ўзи ҳам жавоб кутмаган эди. У, яна ўрнига келиб ўлтирди, чилим чекди ва ғазабидан тушиб, тинчланган ҳолда гап бошлади:

— Бу қайғи фақат Оқчагулнинг бошида эмас, — деди йиғлаб турган хотинга қараб, — бу, бутун юрт бошига келган қайғи. Юртни душмандан сақлашга тўғри келар экан, бу қонсиз қурбонсиз бўладими? Биз болаларимизни тўйга юборганимиз йўқ-ку.

Тўпланиб турганлар ичидан бирор киши ҳам бир оғиз сўз демади. Ҳамма жим. Чилим сувининг „қуруллагани“ ҳаммага эшитилиб турарди.

— Ҳозир йири-сиги-вакит эмас. — давом этди чол, — агар биз ҳаммамиз у ёқда бўлолмас эканмиз, бутун кучимиз блан бу ерда туриб ёрдам беришимиз керак. Буни мен сизлардан талаб қиламан. Эшитасизми, туркманлар! — дея Қандим атрофидагиларнинг ҳаммасини яна бир қур жиддий назардан ўтказди.

— Уй-уйларингга жуъанглар, ишларингни қилинглр.

Ҳамма эшикка томон жимгина юрди. Гўжик ҳам хижолатдан бошини қуйи солган ҳолда чиқиб кетди. Елғиз Оқчагул қолди.

Қандим чолнинг саккиз ўғли бор эди. Энг каттаси Оқчагулнинг эри бўлиб илгариеқ ўлиб кетган. Ундан икки қиз ва бир ўғил — Мурод қолган эди. Оқчагул бутун умрини болаларига сарф қилди. Қандимнинг бу катта оиласида ишчан ва беозор бу хотинни ҳамма ҳурмат қилар эди. Қандимнинг ўзи тўнғич ўғлидан эрта ажраб, бутун оталик меҳрини шу кичкина набираси Муродга қўйган эди. Мурод 1940 йилда Қизил Армия сафига хизматга кетган эди. Мана энди у йўқ.

Қандим оғир бир „уф“ тортди. У, ўсиқ қошлари остидан раҳмдиллик блан Оқчагулга қаради. Оқчагул овоз чиқармасдан куйиниб йиғламоқда эди. Қайғили мотам хабари унинг юрагини пора-пора қилиб юборган эди. Бу абадий жудолик юки остида унга шундай туйилардики, агар ёшлигидан бери кўзи кўникиб қолган мана шу баланд тоғлар унинг елкасига қуласалар, балки бунчалик оғир бўлмас эди. Оқчагул, элига қанча-қанча азоб ва уқубатлар келтирган ва мана унинг яка-юягона ўғлини ўлдирган немисларни гира-шира кўз олдига келтирди. Агар улар, ҳозир унинг кўз олдида пайдо бўлсалар эди, у яраланган бир йўлбарсдай улар ўстига ташланарди.

Чол ўзининг қадоқли қўллари блан Оқчагулнинг сочларини оҳистагина силаркан деди:

— Қуй, ўзингни қийнама, Оқчагул. Бу икки хил ёзилган хатларга ишониб бўлмайди. Мен „бедарак йўқолиб кетди“ деганига яхши тушинмайман. Аммо ўйлайманки, бу ҳалок бўлди деган сўз эмас, қуй Оқчагул умидсиз бўлма. Агар у тирик бўлса, биз ундан, албатта, бирор хабар эшитамиз... Бу хабарни сенга ким келтирди? Гўжикми? У, ўзи илгаридан ҳам шундай маҳмадана, ёлғончи, мўйлавини шоптай қилиб қўйган бўлса ҳам... У сени бекорга хафа қилиб қўйибди, ҳар қандай хабарни ҳам, аввал текшириб билиш керак. Сўнгра бировга айтиш керак. Ўзингни тут. Оқчагул. Хафа бўлма, бор уйингга кир...

Қандим кўчага чиқди. Қуёш эндигина ботиб, атрофни кечки гира-шира туман босган эди. Шамол тандирдан янги узиб олинган ноннинг исини думоққа урар эди. Чол оғир қадам ташлаб колхозчилар тўпланиб турган оқ уй томонга овул мактабига қараб юрди. Мактаб эшигининг тепасига радио карнайи ўрнатилган бўлиб, бу ерда ҳар куни кечқурун колхозчилар ишдан кейин совет ахборот бюросининг маълумотини эшитар эдилар. Бу бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг кеч кузлари эди. Фронтлардан кўнгилсиз хабарлар эшитилиб турар. Одамлар қайғили тусда қавоқларини осилтириб, жимгина уй-уйларига тарқа-

лардилар. Шунингдек, бу кечқурун ҳам хурсанд қиладиган бир-бир хабар эшитилмади. Дикторнинг овози қачанлари тинган бўлса ҳам, аммо Қандим кўнглини хурсанд қилиб юборадиган бирор хабар эшитилиб қолмасмикан — деган умид блан анчагача радио карнайига кўзларини тикиб, қулоқ солиб турди. Лекин чанг босган, товоқ нусха, қора карнай „чурқ“ этмас эди. Қандим оппоқ қошларини чимирди ва битта-битта қадам босиб уйга қараб кетди.

Ховлида оғир қайғили жимлик ҳукм сураб эди, Чол, ўз жойида кўрпага бурканиб, қимир этмай ётган Оқчагулга бир қаради-да оғилхонага қараб юрди.

Уни таниган сигирлар чўзиб ма'раб юборди. От эса, худди уни кутиб тургандай, қулоқларини диккайтириб, иккита катта кўзлари блан эгасининг ҳарбир ҳаракатига қараб қолди. Қандим молларга хашак солди, тоғораларга эса тўлғизиб сув қуйди. Шунда чолнинг юрагини кўққисдан қандайдир бир оғриқ зир-қиратиб юборди. Чол хайрон бўлиб, улкан гавдасига қулоқ солгандай тўхтаб қолди. „Қарилиқ, — ўйлади у, — вақти... Ёш ҳам саксанга қараб кетди“.

Қандим осмонга қаради. Кўкда эса, кузнинг қайғили юлдузлари чарақлар эди.

\* \* \*

Ноябрь жуда қизик катта-катта воқиалар блан келди, байрам олдидан Сталин радио орқали сўзлади. Қандим докладни бошдан охиригача диққат блан эшитди. Рус тилини яхши билмаганлигидан бир қанча сўзларга яхши тушинмади. Шундай бўлса ҳам доҳининг салобатли ва ишанч тўла овози унинг юрагига умид ва дадиллик бағишлади. Эртаси куни доҳининг газеталарда босилиб чиққан нутқини колхозчилар умум мажлисла ўқиб эшитдирилади. Қандим ўз қалбининг алдамаганини сезди. Сталин келажакдаги галабаларимиз ҳақида, аҳиллик блан меҳнат қилиш тўғрисида гапирган. У, ёнида ўлтирган Оқчагулга, унинг кўнглига далда берадиган бир қараш қилди. Оқчагул Қандимнинг чеҳрасида кўлдан буён бу қадар ошкора ва равшан қиёфани кўрмаган эди. Шундан сўнг Оқчагул ўзини анча енгил ҳис қилди.

Доклад ўқилиб тамом бўлиши блан Қандим ўрнидан турди ва қўлини кутарди. Бир нафасгина кўтарилган кучли жонланиш ва овозларнинг гулдираши яна қайта тинди.

— Одамлар, — деб сўз бошлади чол, — сардор Сталиннинг сўзларини эшитдиларинг. Бу уруш халқ уруши, буни бутун халқ олиб бормоқда, негаки, бу уруш хавфи ҳаммамизнинг ҳаётимизга чанг солмоқда, ҳаётимиз оёқ ости қилинса, бизга олам бойлигининг нима фойдаси бор? Биз нима блан бўлса ҳам аямасдан ҳукуматимизга ёрдам беришимиз ва сардор Сталиннинг айтканидай қўлни-қўлга бериб тинмай ишлашимиз керак.

Мажлисдагилар ичидан ма'қулаган овозлар эшитилди.

— Жуда туғри гапирди Қандим!

Оқчагул бирдан ўрнидан турди:

— Болаларим, — деди жаранглаган овози блан. Қандим гапирган вақтдагидай ўртага яна қайта жимлик чўкди. Оқчагул бир оғиз ҳам сўз айталмай қолди. Ҳаяжон уни бўғарди, қўлларини кўкрагига қўйгани ҳолда меҳрибон, қора кўзлари блан колхозчиларнинг юзларига тикилиб қараб қолди.

— Гапир, Оқчагул опа, — дадиллик берди колхоз раиси.

— Мен гапирмоқчи эмас эдим — деди уялиб Оқчагул, — мен фақат бир нарсани сўрамоқчи эдим: бизда ҳархил тилла, кумуш безаклар бор. Агар биз шуларни душманга қарши жанг қилаётган ака-укаларимиз ва ўғилларимизга ёрдам учун берсак, ҳукуматимиз қабул қилармикан? Қадирдонларим, — Оқчагулнинг овози яна кучлироқ жаранглади, — бир вақтлар ота-боболаримиз айттар эдилар: агар ватанинг бўлмаса қуёш блан ой ҳам чиқмай қўяқолсин. Агар ватанимиз хавф остида экан, бу зебу-зинатлар бизга нима керак? Мана шуни мен сўрамоқчи эдим.

Бирдан кўтарилган шодлик овозлари Оқчагулнинг сўнги сўзларини босиб кетди. Оқчагул тез тез нафас олиб ўз ўрнига ўлтирар экан, Қандим, қаноатланган ва мақуллаган тусда унга қараб қўйди.

Кечқурун Оқчагул ўзининг тилла ва кумуш безакларидан олиб келиб мудофаа фондига топширди. Буни куриб бошқалар ҳам топшира бошладилар.

Оқчагул ўзини бироз енгиллашгандай, чанқоғи бошилгандай ҳис қилди. Броқ қалбини ўтдай ёндиручи ўғлининг меҳри уни яна қайта чулғаб олди. Узоқ қоронғи куз кечалари ухлаёлмасдан анча вақтгача кўзлари очиқ ётар эди. „Энди менинг жасадимни гўрга ким қўяди? Ким болаларини менинг номим блан атайди? — ўйлар эди Оқчагул, — умр ўтиб кетаётибди. Мендан бирорта ҳам нишон қолмайди!.. О, Мурод, Муродгинам, қандай қайғи-жафолар қолдирдинг менга!..“

Қандим келинининг гўнғиллашини ҳаяжон блан эшитса ҳам, лекин ийдамас эди.

Ба'зан Оқчагулнинг қалбида бир умид йилтирар. Бундай вақтларда у, тўғри фолчига борар, Муроднинг ўлими ҳақидаги хабар бутун овулга ёйилганлигидан полчи ҳам мужмал қилиб жавоб берарди.

Декабрь кирди. Тунлар узайди. Оқчагул тунларини уйқисиз ўтказарди. Шундай тунларнинг бирида унинг ёнига, кутилмаган бир пайтда Қандим кириб келди. У, чолнинг доимий тинч ва хотиржам юзлирида қандайдир ҳаяжонни пайқаб қолди.

— Бизникилилар Москваёнида немисларни енгбдилар — деди Қандим, — бизникилар уларни тор-мор қилиб ташлаб, энди орқасига қувламоқдалар. Мана энди у ла'натилар кўради... Чол дўқ блан муштини ўқталиб ҳам қўйди. Шу дақиқадан бошлаб, немисларнинг Москва ёнидаги ҳалокатини эшитган овул бошқача бир руҳга кириб кетди. Уйларда чироғлар фовқулодда порлар, ҳар томонда жонланиш хуш-чақчақ овозлар, кулги ва дутор жаранглар эди.

— Уни кўрасанми, овул бутунлай ўзгариб кетди, — деди бир

кекса қўшнисини кўриб Қандим,— одамлар жуда хурсанд бўлиб қолишди.

Ҳарбир уй ўз бахтини эсон оман қайтишини кутарди.

Оқчагулга ҳам энди Мурод тўғрисида бирор янги хабар келмаётгандай туйилди.

Аммо бир қанча кунлар ўтиб кетди. Муроддан ҳечқандай янги хабар бўлмади. Оқчагулнинг яна умиди узилди. Энди у, Муроднинг худойисини ўтказишга жони-жаҳди блан қаршилик қилаётган Қандимдан аччиғлана бошлади. „Бу жуда катта гуноҳ,— ўйларди Оқчагул,— Муроднинг тез-тез тушимга кириши бечиз эмас. Унинг руҳи но тинч. Йўқ, Қандим нима қилса-қилсин. Муроднинг худойисини ўтказаман“.

У тездан бу кори-хайрнинг тайёрлигига киришди. Мовлутини келадиган жума кунига мўлжаллаб, уч кун олдин бир қўй олди. Унга ўзи қарарди. Келинининг бу тайёргарлигини кўрган Қандим бу сафар ҳечқандай қаршилиқ кўрсатмади. „Майли шунинг блан тинчланар“ деб ўйларди, у.

Пайшанба куни кечқурун Оқчагул қўйни охирги мартаба сугориб олдига хашак солди. Қўйнинг кирсиллатиб хашак чайнашига тикилиб қолган Оқчагул қайғи блан ўйлаб кетди: Мана эрта худойини ҳам ўтказадим, демак ўғлининг келишидан умид узилди. У, сочлари оқарган бошини қўйин солди.

— Эй, Оқчагул хола! Қайдасан? Ҳой, ҳой — бирдан қийқирган овоз эшитилди. Бир қўлида хат силкитиб ҳовлида Гўжик турар эди.

— Оқчагул хола,— деди бақириб Гўжик,— тирик, Мурод тирик!

Гўжик бирдан жим бўлиб қолди: Оқчагулнинг ранги оппоқ оқариб кетди! Қўллари блан ҳавога чанг урганича, бир сўз демай, ерга қулаб тушди. Гўжик нима қилишини билмай, ўзини йўқотиб қўйди. Уйдан Қандим югуриб чиқди.

— Сен ҳамавақт шунақасан,— ғазаб блан деди ўғлига,— ўткан сафар Муродни ўлипти деган хабар олиб келдинг, бугун эса, тирик экан деб бақириб юрибсан.

Ҳовлига қариндош-уруғ, қўшнилари югуриб киришди. Бир хотин ерда ҳушсиз ётган Оқчагулнинг бошини кўтарди, иккинчисининг юзларига совуқ сув сепди.

Оқчагул секин кўзларини очди.

— Хатни ўқиб беринглар... — деди эшитилар-эшитилмас.

Гўжик хатни очган эди, аммо Қандим, унинг қўлидан хатни олиб неварасига узади.

— Ўқиб бер бувингга! — буюрди чол.

Бола хатни секин, битта-битталаб ўқий бошлади, ҳамма хатнинг ҳарбир сўзини диққат блан тинглар эди. Мурод, хатнинг бошида, одатдагича ҳамма қовми-қариндошларига биттама-битта салом ёзган эди. Ҳаммадан олдин Қандимнинг оти чиқди, ундан сунг онаси ва бошқа туғишган ёри-дўстларининг оти чиқди. Буларнинг ичида Гўжикнинг ҳам оти бор эди.



— Нима-нима?— Гўжик хат ўқиятган болани тўхтатди, — яхши эшитмай қолдим, қайта ўқи, қайта.

Бола хатнинг шу жойини қайтадан ўқиб берди. Гўжик ғурур блан ўзини тузатиб, мўйлабини силаб қўйди.

— Мана кўрасизми?, Мурод, амакиси Гўжикни ҳам эсидан чиқармабди!— Қандим Гўжикка кулиб бир қарадию лекин бошқа ҳеч нарса демади.

Хатни бир неча марта ўқитиб эшитдилар. Мурод ўз хатида, бир қаттиқ жангда ярадор бўлиб, асир тушганини, орадан кўп вақт ўтмай асирликдан қочганини, немислар уни жуда кўп излаганини ва бир рус деҳқон аёли Муродни ўз уйида бекитиб сақлаганини, унга ўз боласидай қараб тузалиб кетгунича парвариш қилганини, ундам кейин Мурод партизанларга бориб қўшилганини ёзган эди. Мурод то Қизил Армиянинг ҳужум қилиб бораётган қисмлари партизанлар отрядига қўшилгунча ўша ерда бўлганини ҳам ёзган ва ўзига меҳрибонлик кўрсатган рус деҳқон аёлининг номи ва адресини ҳам ёзиб қариндошларидан, ўша унинг иккинчи онасидай бўлиб қолган хотинга миннатдорлик билдириб, тез-тез хат ёзиб, алоқа қилиб туришларини сўраган эди.

Оқчагулнинг юзларидан шодлик ёшлари оқиб тушар эди. Овозини чиқаралмасдан лабларини қимирлатиб таниш бўлмаган аммо ўғлини қайтариб берган ҳалиги рус деҳқон аёлининг отини такрорларди.

— Мен, Муродни ўлди деган хабарга ҳеч қачон ишонганим йўқ эди, — деб биринчи сўз бошлади Гўжик, — кеча менинг чап қовоғим учиб турди. Мен хотинимга: „бу хурсандчилик аломати“ деган эдим. Мана айтканимдек бўлди.

— Ҳая, — деди унинг сўзини тасдиқлаган хотини, — Гўжик ростанам шундай деган эди.

Қандим, яна ўша кулги қиёфаси блан Гўжикка тикилди:

— Сендан яхши полбин чиқади, Гўжик, — деди у. Ҳамма бирдан кулиб юборди. Шу пайтда бирдан қўйнинг мағрагани эшитилди. Ўнғайсизланиб турган Гўжик қўйга томон ўгрилди:

— Энди буни нима қиламиз — деди у, — энди худойи эмас, буни сўйиб, тўй қилиш керак.

Ўзини бахтиёр сезган Оқчагул шодлигидан бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини берди.

— Мана, бундақа ишни сен бажарасан, Гўжик, сен қачон уйда иссиқ нон блан қовурма еб турган пайтингда, ўзингни бир ботир ҳис қиласан — деди Қандим кулиб. Яна ҳалигидай ҳамма кулиб юборди. Аммо бу сафар Гўжик буни кўнглига олмади. Чопонини ешиб, билакларини шимара бошлади.

Қандим Оқчагулнинг ёнига борди. Ердан туриш учун унга ёрдам бермоқчи эди, у ўзи сафчиб турди ва енгил қадам ташлаб уйга томон кетди.

Туркманчадан таржима қилучи: *М. РАСУЛ*.

А. С. ПУШКИН

## БАЛИҚЧИ ҲАМ БАЛИҚ ЭРТАГИ

Ўтган чоқда денгиз бўйида  
Чол ва кампир умр сурипти.  
Ертўлада-эски уйида  
Ўттиз уч йил бирига турипти.  
Чол тўр солиб овларкан балиқ,  
Кампир эса йигирар урчуқ.

Чол денгизга тўр солди бир гал,  
Бақа япроқ илинди ёлғиз.  
Тўр солганда чол иккинчи гал,  
Чиқиб келди денгиз ўлони.  
Тўр солганда чол учинчи гал,  
Чиқиб келди бир митти балиқ,  
Жўн балиқмас, нақ олтин балиқ.  
Олтин болиқ ёлвориб қолди  
Одам каби чиқариб овоз:  
„Қўйиб юбор денгизга тушай,  
Тўловим ҳам қиймат бўлур, чол.  
Кўнглинг не тиласа бергайман“.  
Хайрон бўлди, чол қўрқиб кетди,  
Ўттиз йилу, боз уч йил расо  
Балиқчилик қелган ва лекин,  
Балиқ сўзин эшитмагани.  
Чол балиқни қўйиб юборди  
Ва сўз айтди унга меҳрибон:  
„Олтин балиқ, тангри ёр бўлсин,  
Керак эмас менга тўловинг,  
Майли, тушгил яшил денгизга,  
Эркин-эркин ўйнаб юравер!“

Чол қайтибди кампир ёнига,  
Ва сўзлабди улуг му'жиза:  
„Тутиб олдим бугун мен балиқ,  
Жўн балиқмас, бир олтин балиқ,  
Балиқ бизнинг тилда айтди сўз,  
Қўп ялинди қўйиб юбор, деб,  
Ўз уйига-яшил денгизга:  
Катта тўлов тўлайин, деди,

Не истасанг берайин, деди,  
Мен олгани ботинолмадим,  
Қўйивордим яшил денгизга“.  
Чолни қарғай бошлади кампир:  
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!  
Ололмапсан балиқдан тўлов!  
Ҳеч бўлмаса битта тоғора —  
Олмайсанми ундан ахир сен,  
Тоғорамиз, биласан, тешик!“  
Чол борибди яшил денгизга,  
Мавж урмоқда денгиз, қараса,  
Чақирибди балиқни сувдан:  
Балиқ чиқиб сўрабди ундан:  
„Нима керак сенга, чол бобо?“  
Та'зим блан жавоб айтар чол:  
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,  
Хўп уришди кампирим мени,  
Тинчлик бермас, қаридинг демас,  
Керак эмиш янги тоғора.  
Тоғорамиз тешилган, ахир“.  
Олтин балиқ айтади жавоб:  
„Қайғирмагил, тангри ёр бўлсин,  
Боргил, бўлуր янги тоғора“.

Чол қайтибди кампир ёнига,  
Тоғоралик бўлибди кампир,  
Урушибди кампир баттарроқ.  
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!  
Кир тоғора бой қилармиди?  
Жўна, тентак, балиққа боргил,  
Та'зим қилу, уй сўраб олгин“.

Чол барибди яшил денгизга,  
(Яшил денгиз лойқаланибди)  
Чақирибди балиқни сувдан,  
Балиқ чиқиб сўрабди ундан:  
„Нима керак сенга, чол бобо?“  
Та'зим қилиб шундай депти чол:  
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,  
Баттар уришди кампирим мени,  
Тинчлик бермас, қаридинг демас,  
Жағи тинмас, уй сўраб нуқул“.  
Олтин балиқ айтади жавоб:  
„Қайғирмагил, тангри ёр бўлсин,  
Боргил, уй ҳам булади насиби“

Ертўласи томон қайтди чол,  
Ертўладан из ҳам қолмабди:  
Кўз олдида: фишт мўрилик, оқ,

Полут ёғочидан ясалган —  
Дарвозалик бир уй турибди.  
Деразанинг ёнида эса  
Ўлтирибди кампир талтайиб,  
Қарғамоқда чолни баттарроқ:  
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!  
Келиб-келиб уй сўрабсан-а!  
Жўна даррав балиқ ёнига,  
Та'зим қилгил унга сен тағин:  
Қора деҳқон бўлмайман ортиқ,  
Мен-бегойим бўлиш истайман!“  
Чол борибди яшил денгизга,  
(Денгиз бетинч, тўлқин урмоқда)  
Чақирибди балиқни сувдан,  
Балиқ чиқиб сўрабди ундан:  
„Нима керак сенга, чол бобо?“  
Та'зим қилиб, чол шундай депти:  
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,  
Кампирни жин урди баттарроқ,  
Тинчлик бермас, қаридинг демас,  
Қора деҳқон бўлмасмиш ортиқ,  
У бегойим бўлиш истармиш!“  
Олтин балиқ айтади жавоб:  
„Қайғирма, бор, тангри ёр бўлсин!“

Чол қайтибди кампир ёнига,  
Нима кўрар? Баланд бир сарой.  
Ошқулдоқда турар кампирни,  
Савсар пўстин унинг эғнида,  
Бошида ҳам алвон дакана,  
Қатор-қатор инжу бўйнида,  
Қўлларида олтин узуклар,  
Оёғида қирмизи этик,  
Атрофида оқ соч хотинлар,  
Қоқ ўртада кампир турарди,  
Сочларидан судраб урарди,  
Кампирига сўз қотади чол:  
„Салом аслзода, бегойим!  
Кўнглинг энди тўлди шекилли!“  
Кампир бўлса ушқурди баттар,  
Отхонада ишлашга солди,  
Ўтиб кетди ҳафталар, ойлар,  
Кампир тағин минди қаҳрига,  
Балиқ томон йўллади чолни:  
„Тез бор, та'зим қилгил балиққа:  
Ортиқ мен бегойим бўлмайман,  
Пошшо хотин бўлиш хоҳлайман!“  
Қўриб кетди чол, шундай деди:  
„Эшак мия едингми, кампир?“

Юриш, туриш нима билмайсан,  
Пошшолик масхара бўлдимиз?“.  
Кампир баттар минди қаҳрига,  
Чол юзига тарсаки урди:  
„Қора деҳқон, қандай ботиндинг,  
Ким қўйибди сенга сўз айтмак,  
Менга—мендай беғамга-я?  
Яхшиликча жўнаб қол, дейман,  
Жўнатгайман боғлаб, бормасанг“.

Чол денгизга қараб йўл солмиш,  
(Яшил денгиз қора ранг олмиш)  
Чақирибди балиқни сувдан,  
Балиқ чиқиб сўрабди ундан:  
„Нима кирак сенга, чол бобо?“  
Та’зим қилиб сўз айтади чол:  
„Пошшо балиқ, ҳолимга очин!  
Кампир тагин бошлади ғавғо:  
Бўлмас эмиш ортиқ бегойим,  
Бўлур эмиш эркин малика!“  
Олтин балиқ беради жавоб:  
„Қайғирмагил, тангри ёр бўлсин,  
Майли, кампир бўлар малика!“.

Чол қайтибди кампир ёнига,  
Қарасаки, шоҳона қаср,  
Қаср ичида кўринар кампир,  
Утирибди малика бўлиб,  
Хизматида беклар, амирлар,  
Асл шароб куйиб бермакда;  
Ҳам малика қуймоқ емоқда;  
Атрофида талай ёсовул.  
Елкаларда ойболталари,  
Ўраб олмиш, жуда ҳам қўрқинч.  
Буни кўриб қўрқиб кетди чол,  
Ва етти букилиб, сўз айтар:  
„Совлатли малика, салом алайкум!  
Шояд, энди тўлгандир кўнглинг!“  
Қайрилиб ҳам боқмали кампир,  
Тез ҳайданг, деб бўюрди халос.  
Сакраб турди беклар, амирлар,  
Чолни судраб, ҳайдай солдилар,  
Ясаввуллар эшик ёнида  
Сал бўлмаса чопаёздилар.  
Мазоқ қилиб қолди аламон:  
„Қилиғингдан топдинг, нодон чол!  
Бундан кейин бўлгуси сабоқ:  
Ўз кўрпангга қараб чўз оёқ!“

Тағин ўтди ҳафталар, ойлар,  
Кампир баттар минди қаҳрига,  
Эрин излар, чопар юбориб,  
Чолни топиб келдилар ахир,  
Кампир унга шундай сўз деди:  
„Жўна тағин балиқ ёнига,  
Та'зим қилиб ўтингил даррав  
Бўлмагайман ортиқ малика  
Денгиз шоҳи бўлиш истайман,  
Денгиз ва уммонда яшайман,  
Хизматимда турсин балиқ ҳам,  
Балиқ бўлсин менга чоповул!“

Ботинолмай жим эшитар чол,  
Бўлаолмас кампир сўзини,  
Тағин борди яшил денгизга,  
Қора куюн кўрар денгизда.  
Тўлқинлар ушқурар ғазабкор,  
Ҳам тўлғанар, ҳам увлар тинмай,  
Чол чақирар балиқни сувдан,  
Балиқ чиқиб сўрабди ундан:  
„Нима керак сенга, чол бобо?“  
Та'зим қилиб жавоб айтар чол:  
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,  
Жонга тегди ла'нати кампир,  
Нима қилсам экан шу топда?  
Ортиқ бўлмас эмиш малика,  
Денгиз шоҳи бўлиш истармиш,  
Ва денгизда яшаш истармиш,  
Сен ҳам борармишсан хизматга,  
Бўлармишсан унга чоповул“.  
Битта сўз ҳам демади балиқ,  
Сувга уриб думини фақат,  
Ҳойиб бўлди денгиз тағига.  
Жавоб кутиб турди шўрлик чол  
Узоқ қолиб денгиз бўйида.  
Қайтди кампир ёнига ахир,  
Кўрса: тағин ўша ер тўла.  
Бўсағада ўтирар кампир,  
Қаршисида — тешик тоғора.

*МИРТЕМИР таржимаси.*

В. ШЕКСПИР

## РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА\*

УЧИНЧИ ПАРДА

3-нчи сахна

Сўфи Лаврентийнинг кулбаси.

Сўфи Лаврентий кириб келади.

- Лаврентий — Бу ёққа чиқ, бу ёққа чиқ қўрқоқ Ромеом.  
Шавкатингга ошиқ бўпти аламлар, дардлар.  
Ҳалокатга ўқилгандир никохинг, ўғлим.  
(*Ромео кириб келади*).
- Ромео — Ота, айтнинг, нима бўлди? Ҳукм қанақа?  
Қандай янги алам блан танимоқчиман?
- Лаврентий — Дарду-ғамлар сенга жуда қалин дўст экан;  
Бекнинг ҳукмин олиб келдим меҳрибон ўлим!
- Ромео — Бек, ўлимдан камроқ қандай ҳукм чиқарди?
- Лаврентий — Сен тўғрида бекнинг ҳукми кўп қаттиқ эмас;  
Ўлим эмас, бадарғага маҳкум қилиндинг.
- Ромео — Бадарғами? Инсоф қилгин! „Ўлим“ десанг-чи!  
Ўлимлардан баттарроқдир бадарға деган!  
Шунни айтма!
- Лаврентий — Веронадан суруласен сен.  
Сабр қилгин. Ернинг юзи улуг, бепоён!
- Ромео — Веронадан ташқарида қандай дун'ё бор?  
Унда а'роф, қийноқ-жафо, жаҳаннам бордир.  
Бундан кетсам, жаҳондан ҳам кетдим демакдир.  
Бу жаҳондан кетмак эса, ўлимдир, ўлим!  
Бадарғанинг ўзи хўдди ўлим демакдир.  
Шу гап ўзи — олтин чопқи бошимга тушган,  
Сен кишини ўлдирасан, ўзинг куласан.
- Лаврентий — Вой одамнинг тўймас нафси, вой кўрнамаклик!  
Ўлим эди гуноҳингнинг ҳақи қонунан,  
Аммо сени бек ёқлади, қонунни четлаб,  
Бадарғага алиштирди пора ўлимни;  
Буку сенга илтифотдир, — ақлидан озган!

\* Боши журналнинг 7-8 сонларида.

Ромео — Бу мен учун катта қийноқ, илтифот эмас.  
Жульетта қайда бўлса, осмон у ерда.  
Ҳарбир кўппак, мушук, сичқон, ҳар пасткаш  
маҳлуқ

Кўк тегида нафас олар, осмонга қарар, —  
Лекин шундан маҳрум бўлар фақат Ромео.  
Ўлаканинг излагучи пашшаларнинг ҳам  
Ҳақ-ҳуқуқи Ромеонинг ҳақидан баланд!  
Чунки улар Жульеттанинг оппоқ қулидан!  
Сирпанади, ёки тоза дудоқлариндан,  
Дудоқларки, бир-бирига текса қизарар:  
Истаганча лаззатларни ўғирлай олур.  
О мен бўлсам, ишим битди: мен сургунланаман.  
Ҳамма нарса пашшагаю, мен четга учай,  
Ахир улар ҳур кишилар; мен бўлсам сургун.  
Шундан кейин: ўлим эмас — сургун деб, кўр-чи?!  
„Сургун“ сўзи деганингдан бир ўткур пичоқ,  
Ёки оғу ё тез бўғар ажал йўқмиди,  
Биратўла ҳалок қилсанг бўлмасми мени?  
Бу ўз, наҳот назарингда, ўлимдан афзал?  
Жаҳаннамда гўноҳкорлар шу сўзни айта,  
Сенку менинг дўстим эдинг, авлиём, пярим,  
Қандай қилиб менга айтдинг „бадарга“ сўзин?

Лаврентий — Менга қара жинни ошиқ, девонагинам...

Ромео — Сен ҳали ҳам бадаргалан сўзламоқчисан!

Лаврентий — Мен бу сўзга қарши сенга шифо бераман;  
Фалсафанинг ғоят ширин шарбатидан ич,  
Дарҳол кўнглинг овунади сургун ҳам бўлсанг!

Ромео — Мен сургунга кетар бўлсам, фалсафанинг гўрга!  
Жульеттанинг фалсафами ярата олар?  
Фалсафанинг кучи борми шаҳарни йиқсин,  
Ё ҳукми буздироқсин? — Индама бўлди!

Лаврентий — Қулоқ деган бўлмас экан девоналарда.

Ромео — Қандай қилсин, кўз бўлмаса ақилликларда.

Лаврентий — Бўлди энди гапирмайин иш тўғрисида.

Ромео — Хабаринг йўқ иш ҳақида жим туриш мақул.  
Жульеттани севсанг эдинг мендай ёш бўлиб,  
Мен сингари бир соатга уйлансанг эдинг  
Тибалтга сен қотил бўлсанг, ваҳмага тушсанг,  
Сўнгра яна бадаргага кетсанг мен каби, —  
Қани-қандай бўлар эдинг? Сотмас эдинг гап!  
Сочларингни юлиб ерга қулардинг мендай;  
Тананг блан ўлчар эдинг нотайёр гурни.  
(Эшик қоқилади).

Лаврентий — Тур, эшикка биров келди, яширин ўғлим!

Ромео — Майли, менинг фар'ёдларим луди, тумани  
Излавчилар кўзларидан яширғай мени.  
(Эшик яна қоқилади).

Лаврентий — Эшикда ким? Нима шовқун? Ромео, боргин!



Сени ҳозир ушлайдилар! Тўхтанг! Турсанг-чи.  
(Эшик яна қоқилади).  
Меҳробга бор! Ҳа, эшитдим! Ёраб, ё аллоҳ  
Қандай аҳмоқ! Ҳозир дедим! Ҳозир очаман! Ҳозир!  
(Эшик яна қоқилади).

- Нега мунча шовқун-сурон? Кимсиз? Не даркор?  
Доя — (Ташқаридан)  
Очсангиз-чи, ҳаммасини ҳозир биласиз.  
Жульеттанинг амри блан келгач кишиман.
- Лаврентий — Кириг!  
(Доя кириб келди).
- Доя — Авлиё пир, авлиё пир, қани тез айтинг,  
Хонимимнинг эри қани? Қани Ромео?
- Лаврентий — У ўзининг кўз-ёшидан маст-аласт ётар.
- Доя — Хонимимнинг ҳолати ҳам худди шунақа!
- Лаврентий — Худди шундай! Эвоҳ, қандай бахтсиз қиёс!
- Доя — Ачинарли кўп дилозор бир ҳолат! Ана —  
Худди шундай ётиб йиғлар, ҳўнграр, инграр.  
Мард бўлсангиз, эр бўлсангиз, қани кўзғодинг!  
Қани туринг, Жульеттанинг ҳурмати, туринг!  
Нега шунча теран гамга ботиб кетибсиз?
- Ромео — Оҳ энага!
- Доя — Оҳ, тақсирим, ҳаммасининг охири ўлим.
- Ромео — Жульеттанинг сўзлайсанми? Унга не бўлди?  
Мен қариндош қонин тўкиб навжувон бахтни —  
Бузганимга мени қотил деб санайдими?  
Ўзи қайда? Менинг махфий, гўзал хотинчам?  
Нима дейди мен поймол қилган никоҳдан?
- Доя — Оҳ, тақсиржон, ҳеч гапирмас, нуқул йиғлайди.  
Гоҳо картга ёнбошлайди, гоҳо туради,  
Гоҳо „Тибалт!“ — деб чақирар, гоҳо „Ромео!“  
Сўнгра яна ҳушсиз ётар.
- Ромео — Албатта исмим  
Унга қарши оташин ўқ каби туйилар,  
Ё акасин ҳалок қилган ла'нати қулдай.  
Сўйла ота, вужудимнинг қайси қисмида  
Қайси разил бўлагиди исмим яшайди?  
Сўйла, хароб қилиб ташлай мурдор маконни.  
(Қиличини суғиради).
- Лаврентий — Қўлингни ол! Эркакмисан, нимасан ўзинг?  
Кўринишда эр бўлсанг ҳам, йиғлашинг хотин.  
Қилиғингда жонворнинг бефаҳм қаҳри;  
Сен қалбаки эр танила хотин экансан;  
Ё хуваса қиёфада бадкирдор ҳайвон!  
Худо ҳақи ишларингга таажубдаман!  
Ўйлар эдим, руҳинг маҳкам, пишиқ йиғитсан,  
Ўзингни ҳам ўлдирасан Тибалт кетидан?  
Сени дея тирик турган ёш хотинингни  
Ўлдирмоқчи бўласанми ла'натга учраб?

Нега ерни, тирикликни, фалакни сўқдинг?  
 Ахир ҳаёҳ, дун'ё, фалак — ҳаммаси ҳамкор;  
 Учави ҳам сенда жам'дир — йўқотасанми?  
 Сен доғ босдинг ақлу-ишқга ва одамзодга;  
 Сен буларга бойсан, лекин ялқов судхўрдай —  
 Давлатингдан кўп бемаза фойдаланасан;  
 Безамайсан қиёфангни, ақлу севгингни.  
 Одамият ҳосиятин йўқотиб, шаклинг —  
 Худди мумдан ясалган бир кўғурчоқ бўлди.  
 Муҳаббатинг бориб етди қасамхўрликка.  
 Қасам ичдинг хотинимни асрайман дединг,  
 Аммо ҳозир, фе'линг блан ўлдирмоқчисан.  
 Муҳаббатинг ва одамнинг ҳусни бўлган ақл,  
 Сенинг севги ва фи'лингда барбод бўлгандир.  
 Худди нўноқ бир нўкарнинг ўқ дорилари  
 Ўқдоида кўп бемаҳал портлаганидай,  
 Сени ўз қуролинг парчалаб қўйди.  
 Уялсанг-чи! ахир ҳали Жульетта ҳаёт,  
 Ҳалигина ўлмакчийдинг ўша учун сен,  
 Энди ўнинг висолига сен етдинг: ютиқ!  
 Тибалт сенга ҳужум қилди, ўлдирдинг: ютиқ?  
 Гуноҳингга ўлим эди қонуван жазо,  
 Аммо сенга сургуи бўлди, бу ҳам ютиқдир.  
 Бу ҳаммаси сенга улуг нозу ни'мат-ку!  
 Пешонангни силамоқчи ҳашаматли бахт.  
 Лекин сен-чи ўсал, водон бир қиз сингари  
 Ўпка қилиб турмоқдасан ишқу бахтингга.  
 Ўйланиб кўр, йўқса, эсиз ҳалок бўларсан.  
 Севганингни олдига бор, ўйлаганигдай,  
 Хонасига кириб уни овинтириб қўй,  
 Тонг отмасдан лекин унинг уйдан чиққин,  
 Акси ҳолда Мантуяга улгиралмайсан,  
 Мантуяда яшаб тургин, то фурсат келса —  
 Биз никоҳни э'лон қилиб дўстларни яна —  
 Ярашдириб сенга бекдан афу сўрармиз,  
 Чақирармиз яна сени ўз ватанингга,  
 Унда шодлик шу аламдан юз ошиқ бўлур.  
 Боргин доя, хонимингга биздан салом айт,  
 Дегин ҳамма хона аҳли ётқизаверсин,  
 Зотан ҳамма мусибатдан толган, чарчаган.  
 Ўз вақтида Ромео ҳам етиб боради.  
 — Кеча бўйи сизни тинглаб турсам, ёрабби!  
 Ўгутларга қўлоқ солсам! Ана донолик!  
 Сизни, албат келади деб айтаман, тақсир!  
 Дегин, мени сўкмак учун шайланиб турсин!  
 — Бу узукни, тақсир, сизга та'йинладдилар.  
 Чаққон бўлинг, тезроқ келинг, кеч кирди тақсир!  
 (Кетади).  
 — Бу ҳаммаси юрагимга таскинлик берди!

Доя

Ромео  
Доя

Ромео

- Лаврентий — Хайрли кеч! Боргин ўғлим, аммо ҳушёр бўл.  
Посбонлар чиққанча сен шаҳардан чиққин,  
Ё кечиксанг бошқа кийим кийгин эгингга.  
Мантуяда кутиб тургин. Агар мабодо —  
Бирон яхши хабар чиқса хизматкорингдан  
Сенга мутлақ билдирарман. Қўлингни бергин;  
Хайрли кеч! Хайрли кеч! Кечкириб қолди!
- Ромео — Ёрим блан мулоқатнинг шавқи бўлмаса—  
Менга озор берар эди сендан ажралмоқ.  
Алвидо! (*Кетадилар*).

(Жульеттанинг отаси чол Капулетти ўз қизининг майлини сўрамасдан, уни Верона Бегининг жияни граф Парисга беришни қарорлаштириб (III парда, 4-нчи саҳна) икки кундан кейин тўй маросимини ўтказмоқчи бўлади).

## 5-нчи саҳна

### Капулеттнинг боғи.

Йўқорида дераза олдида Ромео ҳам Жульетта.

- Жульетта — Кетмоқчисан? Ахир, ҳали саҳарга узоқ;  
Шу сайраган бул-бул эди, у тўрғай эмас,  
Анорзорда у ҳар кеча чаҳ-чаҳ қилади:  
Севикли ёр менга ишон, у булбул эди.
- Ромео — У, саҳарга жарчи бўлган тўрғайнинг ўзи,  
Булбул эмас, севикли ёр ана қараб қўй:  
Булутларнинг орқасида бахил саҳарни.  
Сўнмоқдадир кечаларнинг шамчироғлари,  
Қўвноқ кундуз пусиб турар тоғ томонида.  
Кетмаклигим менга ҳаёт: қолишим — ўлим!
- Жульетта — У саҳарнинг нури эмас, менга ишонгин —  
У қуёшдан ажраб кетган учар юлдуздир,  
У, бу кеча сенга йўлда маш'ал бўлғуси,  
Мантуянинг йўлларини ёритғусидир.  
Сенга кетиш даркор эмас, оҳ яна қолгин!
- Ромео — Мени ушлаб ўлдирсалар майлими дилбар!  
Модомики сен хоҳлайсан, мен бунга хурсанд.  
Уфукда нур саҳар эмас, дейман, хоҳласанг,—  
Ғалки ойнинг ерга тушган сўлғун ёғдуси.  
Бошимизнинг устидаги кўклар қуббасин —  
Чок-чок қилиб сайрагучи тўрғай эмас, йўқ  
Боришликдан қолмоқлиқни кўпроқ хоҳлайман.  
Кел э, ўлим, салом! Шуни хоҳлар Жульетта!  
Ҳали саҳар бўлмаган-ку, шундайми, шодлик?
- Жульетта — Йўқ, йўқ, саҳар! Саҳар экан! Тезроқ жўнагин!  
Шундай носоз сайраётган тўрғайнинг ўзи!  
Унинг чача қилишини нафис дейдилар,  
Тўғри эмас; уку бизни ажратаётган...  
Алмаштирган бўлса бақа бирла кўзларин

- Кошки эди товшини ҳам айрибош қилса!<sup>\*</sup>  
 У айирди қучоқлашган икки ма'шукни:  
 У тунни ҳам сенга ўхшаб ҳуркитиб қўйди.  
 Оҳ жўнагин! Равшан сахар ёримоқдадир.
- Ромео — Сахар ёрса — қораймоқда гамнинг сояси.  
 (Доя хонага кириб келади).
- Доя — Хоним!
- Жульетта — Нима гап, доя?
- Доя — Хозир бунга келмоқчидир сизнинг ойингиз.  
 Сахар бўлди. Бохабар бўл! Фурсат кечмасин!
- Жульетта — Деразадан кел эй кундуз, сен учкин ҳаёт!
- Ромео — Фақат битта бўсагина — сўнгра кетаман.  
 (Деразадан тушади).
- Жульетта — Менинг эгам, ёрим, эрим, менинг севганим!  
 Ҳар соатда сендан дарак олмоқ йстайман:  
 Ҳар лаҳзада қанча-қанча бе саноқ кун бор,  
 Шу ҳисобдан Ромеомни яна кўргунча —  
 Жуда қариб кетарман-а!
- Ромео — Алвидо' энди!  
 Қулай фурсат бекор кетмас, кўзимнинг нури  
 Юборарман муҳаббатнинг саломларини
- Жульетта — Ўйлайсанми, биз яна ҳам кўришармиз деб?
- Ромео — Шубҳам йўқдир. Яқин кунда сен блан баҳам  
 —  
 Ширин-ширин гапирармиз шу аламлардан.
- Жульетта — Менинг қалбим шум хабарга берилган фолбин.  
 Сени пастда кўрганимда, менга туйилар —  
 Гуё гўрнинг тубидаги бир мурдасан сен.  
 Менми яхши кўролмайман, ёки сен сўлгун?
- Ромео — Назаримда муҳаббатнинг чеҳраси сўлгун,  
 Оҳ, алвидо! Дардларга эм бўлди бизнинг хун...  
 (Кетади).
- Жульетта — Толи', сени кўп бевафо дейди одамлар.  
 Вафоликда донг отканга нима қиласан?  
 Майли бўлгин сен бевафо, уни кўп тутма,  
 Қайтар менга!

(Капулетти. Жульеттани мажбуран граф Парисга бермоқчи бўлади. Қизнинг нозилигига қарши у қаттиқ ғазабланиб уни оқ-падар қитиш блан таҳдидлайди. Қиз маслаҳат сўрагани сўфи Лаврентийнинг олдига боради. (IV-нчи парда I-нчи сахна). У қизга бир дору берадики, бу доруни ичган киши 48 соат ўликдай ўхлайди. Қиз буни ичиши керак, шунда одамлар уни ўлик деб ўйлаб Капулеттиларнинг оилавий соғонасига қўярлар, сўфи бўлса Монтуя шаҳрига сургунга кетган Ромеого хат юбориб уни хабардор қилар ва у келгач буларни кўришдириб, буларнинг никоҳи илгаридан ўқилган деб э'лон қилар. Жульетта бу планга рози бўлиб доруни олиб кетади. Капулеттининг ўйида тўй учун тайёргарчилик. (IV парда, 2-нчи сахна).

<sup>\*</sup> халқ афсоналарига кўра, тўрғай ўзининг чиройли кўзларини бақанинг кичик ва хира кўзларига алмаштирган эмиш. Жульетта тўрғайнинг эмас, балки бақанинг товушини эшитмакни хоҳлайди, я'ни ҳозир сахар эмас, кечкурун бўлишни хоҳлайди.

## Жульеттанинг хонаси

Жульетта ҳам доя кириб келадилар.

Жульетта — Ҳа буниси энг чиройли. — Энди энага —  
Мени бугун ёлғиз қолдир, илтимосим шу.  
Фалақдан мен шафқат тилаб, шафоат тилаб,  
Кўп қилишим керак буқун дуо ва ниёз,  
Биласанки андиша ва гуноҳим кўпдир.  
(Капулетти хоним кириб келади).

Капулетти — Сизлар бунда машғулсизлар? Ёрдам керакми?  
хоним

Жульетта — Йўқ онажон: биз эртага тўйнинг базимига —  
Керак бўлган бўюмларни саралаб эдик.  
Энди мени ёлғиз қўйинг, илтимосим шу.  
Дояни ҳам бирга олиб кетсангиз ма'қул:  
Кутилмаган ишлар чиқиб қолиши мумкин.

Капулетти — Ҳўб бўлмаса, хайрли кеч, ором ол қизим!  
хоним (Капулетти ва доя чиқиб кетадилар).

Жульетта — Видо'лашдик! — мулоқатни тангри билади.  
Томиримии бурамоқда совуқ бир қўрқув,  
У ҳаётнинг иссиғини музлатаёпти.

Уларни мен қақриб олай: овунтирсинлар.  
Энажон! — Йўқ, нимага? Мен ўзим якка  
Бу саҳнада ачинарлик рўлимни ўйнай.  
Кел эй шиша! Ухлатмаса сендаги дору,  
Мабодо мен мажбур бўлсам эрга чиқишга!  
Йўқ, сра йўқ! Бу қўймайди, мана буниси?  
(Пшчоқни чиқариб қўяди).

Балки мени ўлдиргани роҳиб макр ила  
Бу шишада захар берган? Йўқ, шундай бўлса —  
Шу никоҳнинг ла'натлари унга тушарди:  
Ромеога мени никоҳ қилган ўзи-ку...

Нигоронман, аммо шундай бўлмаса керак:  
Ҳозиргача у авлиё бир одам эди.

Лекин барвақт уйғонсаму аммо ўша чоғ —  
Менга келиб еталмаса азиз Ромео —

Ўз вақтида элталмаса мени — бу даҳшат!

Ўша сассиқ соғонада бўғилиб қолсам,  
Ўлиб кетсам келмасданоқ азиз Ромеом?

Мабодо, мен тирик қолсам, ўзга хатар бор:  
Мен ўйлайман, ўлим ҳамда қаронгиликни,

Мен ўйлайман, соғонанинг ваҳимасини —  
У юз йиллаб оиламга гўристон бўлган,  
Кўмилгандир боболарнинг суяги унда...

Ҳам яқинга меҳмон бўлди у эрга Тибалт,  
Қонли а'зо чиримакда оқ кафан ичра, —

Дейдиларки, унда, кеча ма'лум соатда —

Соғонада пайдо бўлар мудҳиш арвоҳлар.  
 Агарда мен нолалардан, сассиқ ҳидлардан  
 Одамзодни жинни қилган ваҳималардан  
 Уйғонсаму ўша онда тентираб кетсам?  
 Боболарнинг суягини қўғурчоқ қилсам,  
 Ечиб олсам у сўйилган Тибалт кафанин,  
 Ё боболар суягини ҳассадай қўллаб  
 Жинниларча эзиб қўйсам бадбахт калламни.  
 Ҳозир менга кўринмоқда Тибалтнинг руҳи  
 У қасос деб Ромеони излаб юрипти.  
 Тибалт тўхта! Ромео боқ, ҳозир бораман.  
 Сенинг учун ичаяпман! (*Парда орқасидаги ётоқ-  
 қа йиқилади*).

(Тўй, базм, музика кизиб кетаётир. (IV парда, 4-нчи саҳна). Лекин, бирдан Жульеттанинг ўз ётоқхонасида „ўлганлиги“ маълум бўлгач (IV парда, 5-нчи саҳна) тўй азага айланади ва келинни тобутга солиб соғонага олиб кетадилар)

## 5-НЧИ ПАРДА

### I нчи саҳна

#### Монтуя кўчаси.

(Ромео кириб келади).

- Ромео — Агар тушда кўрганларим ҳақиқат эса,  
 Кўрган тушим хушxabарга йўйилса керак.  
 Қалбимда бор севгининг шод парвардигори,  
 Бутун кун и алла қандай фавқул'одда руҳ —  
 Мени элтиб, енгилгина учириб юрди.  
 Гўё ёрим мени ўлик учраткан эмиш, —  
 Даҳшатли туш: ўлик бўлиб тушда ўйласанг —  
 Мени ўпди, лабларидан жон тегди менга:  
 Мен тирилиб император бўлган эмишман,  
 Қандай ширин экан севги ҳатто сояси —  
 Унинг ҳатто шарпалари бахт олиб келар!  
 (*Узун этиклар кийган Балтазар кириб келади*).  
 Веронадан дарак бордир! Салом Балтазар!  
 Авлиёдан менга бирон хат келтирдингми?  
 Хоним қалай? Қандай экан дадамнинг ҳоли?  
 Жульеттачи? У қалайдир, сўраяпман мен!  
 У соз бўлса, демак ҳамма нарса жо-бажо.
- Балтазар — У яхшидир, ҳеч нарса ҳам ёмон бўлмайди.  
 Унинг жисми Капулетти соғонасида,  
 Руҳи эса фаришталар ичра яшайди.  
 Тобутини оиланинг соғонасида  
 Кўрган ҳамон чопиб келдим сизга айткали.  
 Кечирасиз, шум хабарни келтирдим сизга:  
 Сиз ўзингиз буюргансиз бу вазифани!

- Ромео — Бу гап ростми? Чақираман сизни, юлдузлар!  
Бу ердаги ўйимни топ! Қалам қоғоз топ.  
Отлар ялла — мен шу кеча жунаб кетаман.
- Балтазар — Ялинаман, шошилмангиз шунча тақсирим,  
Кўзларингиз асабий ва сўлгундир... Бало!!!
- Ромео — Янглишасан, индамагин, айтканимни қил.  
Двлиёдан менга бирон хат келтирдингми?
- Балтазар — Йўқ тақсирим!
- Ромео — Майли, бориб отларни ялла.  
Мен ҳам дарҳол келажакман. (*Балтазар кетади*).  
Мен сен блан ётажакман бу тув Жульетта  
Сенга йўл-чи? Ноумид бўлган киши дилига  
Қанақа ҳам тез киради ўсаллик, ожаб!  
Доручини мен эсладим, яқинда уйи.  
У дорулар устасини яқинда кўрдим,  
Увадалар ичра эди, йўқсил камбағал.  
Кўзларида қашшоқлиқнинг аччиқ алами.  
Дўканида ташбақадан, тимсоҳ балиқдан,  
Қўрқитғичлар қўйган эди мижозлар учун.  
Токчаларда бўш қутилар сафи саргардон,  
Лой лаганлар, кўп хашаки шиша идишлар,  
Алла қандай чирик уруғ, сарғимтил ҳаблар,  
Арқонлардан узинтилар—кўп бадбахт аҳвол.  
Мен бу бадбахт гадойликни кўргач дедимки:  
„Бир кишига даркор бўлса мабодо ўлим,  
Бу ердаги банда сотар ўша ўлимни,  
Монтуяда шунга жазо ўлим бўлса ҳам!“  
Бу тушинча менинг учун бекор бўлмапти,  
Ўша гадой менга сотар заҳарни ҳозир.  
Эсимдадир, унинг уйи шу бўлса керак.  
Дукан бекик, ҳа айткандай букун байрам-ку...  
Дорифруш, ҳой, хўжайин! (*Аптекачи келади*).
- Доручи — Ким бу қичқирган?
- Ромео — Бу ёққа кел. Сени жуда йўқсул кўраман.  
Буларни ол, бу ерда бор роса қирқ тилла,  
Бунга эваз менга керак бир мисқол оғу,  
Бир заҳарки томирларга тез заққум элтсин,  
Ҳаётидан безган киши жон бериб чўксин,  
Баданидан нафас кетсин шундай қисталон —  
Тўп оғзидан портлаб чиққан ўқ дори каби.
- Доручи — Шундай дори менда бору... аммо қонунан  
Монтуяда сотган киши ўлимга маҳкум.
- Ромео — Ўзинг гадо: ўлимдан-чи шунча кўрқасан!  
Ахир сенинг чехрангда бор очлик излари,  
Кўзларингда муҳтожликнинг, ўлимнинг дарди,  
Орқангда-чи? Тиланчилик, гадойлик ҳазар.  
Сенинг дўстинг на дун'ёдир ва на шу қонун;  
Шундай қонун мавжудмикин сени бойитгай?  
Қонунни буз, шуни олгин, гадойликдан чиқ.

- аручи — Розиликни хоҳиш эмас, гадойлик берур.  
(*Заҳарни унга беради*).
- Ромео — Гадойликга пул тўлайман, хоҳишга эмас.
- Даручи — Бу заҳарни қўшиб қўйинг суяқ насага,  
Ундан кейин ичаверинг: сиздаги мадор —  
Йигирмата кишича ҳам бўлса ўласиз.
- Ромео — Мана олтин виждон учуи энг ёмон заҳар,  
Бу қабоҳат дун'ёмизда энг ёмон қотил,  
У баттардир ман' қилинган шу дорудан ҳам.  
Менга заҳар сен сотмадинг, мен сенга сотдим.  
Хайр сенга, овқат олиб егин, семиргин.  
Заҳар эмас мен қўлимга олганим малҳам,  
Ёр гўрида сендан лаззат олурман мен ҳам.  
(*Кетадилар*).

## 2-нчи саҳна

Лаврентийнинг кулбаси.

(*Иоанн келади*)

- Иоанн — Ҳой авлиё, сўфи қардош, биродаримиз!  
(*Лаврентий кириб келади*).
- Лаврентий — Биродарим Иоаннинг овозидир шу.  
Монтуядан келасизми? Ромео қалай?  
Нима айтди? Ёки менга мактуб бердимми?
- Иоанн — Сўфилардан биттасини олиб кетгани —  
Бу шаҳарга излаб келдим, у бу шаҳарда  
Қасалларни суриштириб, боқиб туради.  
Тополдиму қўрғондаги дарбозабонлар —  
Биз ваболик хавлиларга кириб чиқдик деб  
Дарвозанинг муҳирлади, бизни тўхтатди,  
Шундай қилиб Монтуяга бораолмадик.
- Лаврентий — О, хотин-чи Ромеога ким олиб борди?
- Иоанн — Юборишга қўл тегмади, мана ўзи ҳам.  
Ҳатто сенга қайтаришга топмадим имкон:  
Ёвуз вабо ҳаммани ҳам чўчитган экан.
- Лаврентий — Шум толи'! Онт ичаман биродарликка,  
Бўш эмас-ди ўша хатнинг мундарижаси;  
Жуда муҳим. Кўп хавфлидир бормай қолиши.  
Битта теша толиб даррав кулбага келтир.
- Иоанн — Шу соатда келтираман (*кетади*).
- Лаврентий — Соғонага ҳозир ўзим боришим керак,  
Уйғанади уч соатдан сўнгра Жульетта,—  
Ромеога хабар қилмаганим учун  
Менга шаксиз ла'натларни ёғдиради, у!  
Майли, яна Монтуяга бир хат ёзаман,  
У келгунча яшираман қизни кулбада.  
Тириклайин ётипти гўрда бечора (*кетади*).



### 3-нчи саҳна

Гўристон; у ерда Капулеттилар соғонаси.

(Парис, орқасида гуллар ҳам ма'шал ушлаган маҳрам).

- Парис — Ҳой йигитча, маш'ални бер, ўзинг нария тур. Энди ўчир, токи бизни ҳечким кўрмагай. Шу дарахтнинг тагида ёт ва шу кавланган Ерга қулоқ қўйиб, қунт қил товушни тингла: Гўристонда ҳарбир қадам эшитилар-ку. Бунда тупроқ кўп эшилган, мўрт ва юмшоқдир. Нимаyki эшитолсанг ҳуштак чалиб қўй, Бунга одам келганини биламан шундан. Гулларни бер, энди жўна, айтканимдай қил!
- Маҳрам — *(Ўзича)*.  
Кўп қўрқаман гўристонда ёлғиз қолишдан;  
Нима қилай, чора йўқдир, баҳарҳол турай.  
*(Яширинади)*.
- Парис — Чечакларга ёпиб қўяй никоҳ ётоғин.  
Фақат тош ва тупроқ бўлди кажаванг, эй гул!  
Сени энди ювиб олай атрли сувда,  
Ёки ўтдай қайнар бўлган кўз ёшларида.  
Сени энди қайта бошдан кўмиб қўяман,  
Ва тунларда кўз ёшлари тўкаман яна.  
*(Маҳрам ҳуштак чалади)*.  
Бола ҳуштак чалди, демак, кимдир келмакда.  
Бу ерларда кезар кимнинг мурдор оёғи.  
Ким бузмоқла менинг севги маросимимни?  
Нима? Маш'ал? Яшир мени эй тун, озгина!  
*(Яширинади)*.  
*(Ромео ва Балтазар маш'ал, теша, метин ва бошқаларни олиб келадилар)*.
- Ромео — Чўкични бер, ҳамда ўша темир метинни.  
Бу хатни ол, эрта блан отамга бергин.  
Маш'ални бер. Ҳаётингдан безмаган бўлсанг —  
Нималарни кўрсанг, сезсанг аралашма ҳеч.  
Тушмоқчиман ўлимларнинг шу маконига,  
Хотинимнинг чеҳрасини кўрмоқчи бўлиб:  
Ундан кейин унинг ўлик бармоқларидан  
Қиматбаҳо узукни ҳам чиқармоқчиман  
Жуда муҳим бир иш учун у менга керак.  
Энди жўна. Аммо агар қизиқиб қолсанг  
Ёки агар дусиб турсанг, онт ичаманки  
Шу очовот гўристонда қилиб чилпора  
Танингдаги а'золарни тўғраб ташлайман  
Ниятларим ёввойидир, маҳал ҳам ваҳши,  
Бўкиручи денгизлардан, оч бир қоплондан  
Даҳшатлидир менинг букун ёвуз ниятим!

- Балтазар — Хўб кетаман, ишингизни тўсмайман, тақсир.  
 Ромео — Дўст бўлганинг аён бўлур шу блан. Мана!  
*(Унга пул беради).*  
 Яша дўстим, бахтиёр бўл, ҳамда алвидо!
- Балтазар — *(Узича).*  
 Ҳар ҳолда бир яширинай-чи. Иш жуда катта!  
 Қарашлари галатидир, вияти бадхоҳ *(Яширинади).*
- Ромео — Эй ла'нати очкўз оғиз, эй ўлим нафси,  
 Дунёдаги энг нафис бир вужудни единг!  
 Сенинг чирик жағларингни бир очиб кўрай,  
 Зўрлаб сенга едирайин янги бир таом.  
*(Соғонани очади).*
- Парис — Ҳа, бу ўшал Монтиккидир, беҳаё сургун!  
 Жульеттанинг акасини ўлдирган қотил!  
 Ўшани деб йиғлай-йиғлай ўлди Жульетта.  
 Энди азиз жасадин ҳам ҳақорат қилиб  
 Хўрлагани келган экан. Уни ушлайман.  
*(Олдинга келади).*  
 Қўй қабоҳат ишларингни, аблаҳ Монтикки!  
 Қабрда ҳам ўч излайсан ортиқ маҳкумсан  
 Сени ҳозир қаматаман, юргин орқамдан —  
 Сен ўласан.
- Ромео — Мен ўламан. Шу учун ҳам бу ерга келдим.  
 Мени қўйган. Қизитмагин, жўнагин бола...  
 Ўлганларнинг тақдиридан ҳайиқ, нари бор!  
 Ялинамая, олижаноб гўдак, илтимос!  
 Мени янги гуноҳларга булғама, боргин!  
 Мен ўзимдан кўра, сени ортиқ севаман.  
 Худо ҳақи, менинг қасдим фақат ўзимга.  
 Тезроқ қочгин ва яшагин, сўнгра айтарсан:  
 Девонанинг илтифоти умримга бо'ис.
- Парис — Ялинишинг-ёлборишинг менга жирканчдир,  
 Сени ҳозир қаматаман жинояткор!
- Ромео — Менга иғво қилмоқчисан? Бўлмаса ана!  
*(Уришадилар).*
- Маҳрам — Уришдилар, сақла тангрим! Соқчи чақирай!  
 Парис — Яраландим *(йиқилади).*  
 Агар сенда бўлса бир шафқат,  
 Гўрни очиб Жульеттанинг ёнига қўйгин *(ўлади).*
- Ромео — Хўп қўярман, қани бунинг юзини кўрай:  
 Меркудио қариндоши, граф Парис-ку!  
 Менга, менинг азиз кишим нима деган-ди?  
 Гапларини эшитмадим ҳаяжонланиб.  
 У дедики: Жульеттани граф олмоқчи.  
 У айтдими, ёхуд буни тушимда кўрдим?  
 Ёки ҳозир Жульеттанинг номин эшитиб,  
 Ақлимдан ҳам озганимми? қўлянгни бергил,  
 Сен ила мен бир ёзилдик ҳам китобига!  
 Тантанали гўрга сени қўяман, ўсмир!

Гўр ичида эмас балки ёруғ гумбазда.  
 Жульетта ҳам бу ердадир, мана соғона —  
 Шу туфайли қанча ёруғ, базимгоҳ каби:  
 Э, мурда ёт, сени кўмган киши ҳам мурда!  
*(Париски соғонага қўяди).*  
 Кўп бўлади, одамзодлар ўлмасдан олдин  
 Туядилар алла қандай масаррат-шодлик!  
 Бу ҳолатга ўлим олди яшин дейдилар.  
 Аммо мени бўладими дейилса хурсанд?  
 Менинг севгим, эй хотиним! Нафасларингдан  
 Ўлим шимиб олган бўлсаҳамки асални,  
 Аммо ҳуснинг устида у ҳукмирон эмас.  
 Сен ўлимга бўйсунмабсан — ҳуснинг белгиси —  
 Лабларингнинг, менгизингнинг гулғунчасидир:  
 Тикилмабти ажалларнинг сўлғун байроғи...  
 Тибалт, сен ҳам бу ердасан, қонли кафанда?  
 Бундан ортиқ сенга қандай ҳурмат қилайки,  
 Ёшлигингни ҳалок этган шу қўллар блан —  
 Чок-чок қилиб парчалайман ёвингни сенинг.  
 Кечир, қардош! Мен ўзимни ҳалок қиларман.  
 Сен ҳали ҳам нега шунча гўзал, Жульетта?  
 Тансиз ўлим сенга ошиқ бўлди, ажабо?  
 Ё у ориқ, мурдор жаллод қоронғиларда.  
 Ўз нафсига эрмак учун сени сақларми?  
 Рашк қиламан, шу учун ҳам сенла қоламан,  
 Энди асло мен кетмайман қора қасрдан.  
 Канизларинг бўлган қуртлар блан қоламан  
 Бунда менга бошланади абадий тинчлик,  
 Бунда ортиқ ирғитарман ҳорғин зиммамдан  
 Ўша маш'ум юлдузларнинг бўйинтуруғин.  
 Сўнги марта: кўзлар кўринг, қўллар қучоқланг!  
 Эй ҳаётнинг эшиклари бўлғучи лаблар  
 Ўлим блан аҳд қилишнинг бўса орқали! —  
 Сен келақол, менинг аччиқ, сассиқ етакчим,  
 Умидлардан, ҳаваслардан ҳоли дорғам, кел,  
 Қояларга уриб синдир мўрт қайиғимни.  
 Севгим учун мен ичаман *(Ичади)*.

Бақувват экан,

Баракалла дорифруш — ўпиб ўламан *(Улади)*.  
*(Гўристоннинг бошқа томонидан Лаврентий  
 фокус, чўкич ҳам курак олиб кириб келади).*

Лаврентий — Сендан мадад эй муқаддас, авлиё Франциск,  
 Қабрларга кўп қоқилдим. Бу ердаги ким?

Балтазар — Сизни яхши биладиган бир дўстингиздир.

Лаврентий — Омон бўлинг меҳрибон дўст, менга айтинг-чи:  
 Ўша кўзсиз бош чаноқлар ва қуртлар учун  
 Бехудага ёниб турган маш'ал кимники?  
 У ёнмоқда Капулетти соғонасида?

- Балтазар — Ҳа шундайдир, овлиё пир ўша ердаги  
Сиз кўп яхши кўргангиз менинг афандим.
- Лаврентий — Ким экан у?
- Балтазар — Ромеодир.
- Лаврентий — Купдан берими?
- Балтазар — Ярим соат бўлса керак.
- Лаврентий — Юр соғонага.
- Балтазар — Йўқ, бу ёрдан кет деган-ди, менинг афандим.  
Уни пойлаб қолсам агар мутлақо, мени —  
Ўлдираман деган эди.
- Лаврентий — Майли, қол, кетдим,  
Бирон бало бўлмасин деб қўрқаётиман.
- Балтазар — Бу дарахтнинг тегида мен ўхлаганимда,  
Тушда кўрдим ким бландир уришди эгам;  
Ва ўлдирди наригисин.
- Лаврентий — Ким, Ромеоми?  
(*Соғонага яқинлашади*).  
Эвоҳ, эвоҳ, бу кимларнинг қонларидирки,  
Соғонанинг тош зинасин булғаб қўйипти?  
Одамзоднинг оромгоҳи, сўнгги манзилга —  
Ушбу қонли қиличларни кимлар ташлапти?  
(*Соғонага кириб келади*).  
Оҳ Ромео Қандай сўлғун! Яна ким? Парис!  
У қонларга булғанипти! Бу шум қазога  
Сабабчилик қилган қайси ноқулай соат?  
Қиз уйғонди. (*Жульетта уйғонади*).
- Жульетта — Оҳ меҳрибон отагинам! Қани соҳибим?  
Қайда бўлиш кераклигин яхши биламан.  
Мана бунда. Айтинг қани менинг Ромеом.  
(*Саҳна орқасида шавқин*).
- Лаврентий — Ана шавқин! — Хоним туринг, дарҳол кетайлик,  
Йўқимликлар, мудҳиш тушлар, ўлим уйидан!  
Биздан ҳам зўр худо бузди ниятимизни.  
Юр кетайлик, — ўлик эринг ётмиш кўксингда,  
Бу ёқда ҳам ўлик Парис, юр сени элтай.  
Манастирга тарки дун'ё опаларингга.  
Сўрамай юр, кечикасан, мана соқчилар.  
Жульетта юр! Ортиқ бунда қолалмайман мен.  
(*Лаврентий кетади*).
- Жульетта — Борсанг боргин. Мен бормайман. Буниси нима?  
Севгилимнинг қўлида бу қанақа шиша?  
Заҳар экан, шундай бевақт ўлимга сабаб.  
Қандай хасис! Ўзи ичиб ҳамма заҳарни —  
Бир қатра ҳам қолдирмабти менга ёрдамга.  
Лабларидан бир ўпаман, балки ҳали ҳам —  
Заҳар бордир дудоқларда, бу сўнгги бўса —  
Менга дармон қувват берар ўлим олдидан.  
(*Ромеони ўпади*).  
Ҳали лаблари иссиқ экан.

- 1-нчи соқчи— *(Саҳна орқасидан).*  
Юр, кўрсат, бола!
- Жульетта — Унда шовқин! Шошилаин. Оҳ бахтли пичоқ!  
*(Ромеонинг пичоғини қинидан чиқаради).*  
Энди қивинг кўксим!  
*(Узини пичоқлайди).*  
Бунда зангла, бер ўлим!  
*(Ромеонинг жасади устига йиқилиб ўлади).*  
*(Париснинг маҳрами блан соқчилар кириб келади).*
- Маҳрам — Мана бу ер! Мана маш'ал унда ёнмоқда!
- 1-нчи соқчи— Ер қон ичра? Гўристонни яхши изланглар?  
Кимга учраб қолсаларинг қўлларин боғланг:  
Бунда граф ўлиб ётар; ачинарлик ҳол!  
Уч кун олдин кўмилган-ди бунга Жульетта,  
Аммо ҳозир тани иссиқ қонга ғалтондир.  
Бекка чопинг! Хабар қилинг Капулеттига!  
Ҳаммани ҳам чақаринглар! Монтеккини ҳам!  
Тупроқ ботди мусибатга, қонларга тамом,  
Аммо бунинг сабабини билмаймиз асло:  
Бизку ҳукм беролмаймиз тергав қилмасдан.  
*(Балтазар ва соқчилардан бир нечтаси кириб келадилар).*
- 2-нчи соқчи— Бунда гўристонда экан, Ромео қўли.
- 1-нчи соқчи— Бек келгунча қочирмайин ушлаб туринглар!  
*(Бошқа соқчилар ва Лаврентий кириб келадилар).*  
Сўфи бунда ҳолсирайди, титраб йиғлайди,  
Биз қўлидан курак блан чўқични олдик.  
У бу ердан, гўристондан кетмакчи эди.
- 1-нчи соқчи— Шубҳали иш. Ушлаб туринг!  
*(Бек ўз яқинлари блан кириб келади).*
- Бек — Эрталабки уйқимизни ҳаром айлаган —  
Қандай қазо юз берипти яна шу ерда?  
*(Капулетти унинг хотини ва бошқалар кириб келадилар).*
- Капулетти — Нима бўпти? Нимага бу шовқин-суронлар?
- Капулетти — Кўчаларда аламон гоҳ „Ромео“ дейди,  
хоним Гоҳ бақирар „Жульетта!“ деб, гоҳо „Парис!“ деб,  
Ҳамма нолиб юз тутибти соғонамизга.
- Бек — Қандай даҳшат экан бизни қилган безовта?
- 1-нчи соқчи— Соҳиб-фармон, бунда Парис ўлик ётипти,  
Ромео ҳам Жульетта ҳам бу ерда ўлик.  
Эндигина ўлдирилган, таялари иссиқ.
- Бек — Ислаб топинг бу босқиннинг гуноҳкорларин!
- 1-нчи соқчи— Шу Ромео хизматкори: ана у сўфи.  
Соғонани очадиган асбоб-яроғни  
Биз булардан тивтиб топдик.
- Капулетти — Хотин қара, қонлар қандай оқиб кетмоқда!

- Янглишипти ўша пичоқ: унинг қини  
 Монтеккининг ёнида бўм-буш ётипти.  
 Қин ўрнига Жульеттанинг бағрига кирган.
- Капулетти — Шўрлик бошим! Бу кўриниш кекса чоғимда —  
 хоним — Улим мунги чолаётган мотам оҳанги!  
 (Монтекки ва бошқалар кириб келадилар).
- Бек — Монтекки, сен ўз уйқингдан бевақт турибсан,  
 Боқ, ягона ўғлинг бевақт чўзилиб ётар.
- Монтекки — Хукмдорим, шу кечаси хотиним ўлди:  
 Сургундаги фарзандининг хасратларида,  
 Яна қандай мусибатни кўргим бор экан?
- Бек — Қараб кўргин!
- Монтекки — Ўдон ўғил! Бу қанақа беэҳтиромлик —  
 Ўз отангни якка қўйиб гўрга шошибсан!
- Бек — Бизлар, тамом бу ғалати ишнинг бошини,  
 Авж поясин ва охирин аниқлагунча,  
 Сизлар сира шикоятга, оғиз очманглар.  
 Ундан кейин ўзим бошлиқ фарёдингизни —  
 Қабргача элтиб борай. Ҳозирча сизлар —  
 Ғамингизни буйсундиринг сабру тоқатга.  
 Ушланилган одамларни олиб келинглар!
- Лаврентий — Бошлиқ менман, гарчи ишда қатнашим андак:  
 Бу даҳшатли ўлимларнинг пайти, макони —  
 Гўё менга қарши оғир айбномадир.  
 Мен бу ерда оқловчиман ҳам қораловчи,  
 Ҳам оқлайман — ўз-ўзимни, ҳам қоралайман.
- Бек — Билганинг ҳаммасин айтиб бер дарҳол.
- Лаврентий — Галим, қисқа, зотан умрим ҳам қисқа қолди:  
 Аччиқ бирон қиссадан ҳам қисқа муҳлатим;  
 Жульеттанинг эри эди ўлик Ромео,  
 Унга шар'ий хотин эди ўлик Жульетта  
 Никоҳларин мен ўқидим, худди ўша кун  
 Тибалт қатл қилинганди билганингиздай.  
 Бу туфайли янги куёв сургунга кетди:  
 Тибалт учун эмас эди қизнинг йиғиси.  
 Аммо сизлар бу мотамни бостираин деб —  
 Уни қистаб истадингиз графга тегсин.  
 Ҳузуримга келди даррав у безовта қиз,  
 Ва иккинчи бир никоҳдан қутилмоқ учун —  
 Девонавор кўзлар блан мадад сўради,  
 Йўқса ўзини ўлдирмоқчи эди кулбада.  
 Ушанда мен ҳунар қилиб ўрганганимдан —  
 Ухлатучи дору бердим, ўйлаганимдай —  
 Дору берди унга худди ўлиқ тусини.  
 Ўша чоқда Ромеога бир мактуб ёздим,  
 У, даҳшатли тунда келиб, дардисар қизни  
 Жульеттани уйғонганида олиб кетсин деб.  
 Юборганим сўфи эди, сўфи Иоанн,  
 Тасодифан қўлга тушиб бораолмапти:

- Ва бу кеча қайтиб берди мактубни менга.  
 Шундан кейин қиз уйғониш пайтини пойлаб,  
 Қутқазай деб якка келдим шу соғонага.  
 Яширмоқчи эдим уни хонақоҳимда:  
 То Ромео бундан хабар топиб келгунча:  
 Афсусларки, муҳлатидан зиғирдак олдин —  
 Етиб келсам, ётган эди бунда ўликлар —  
 Шу вафодор Ромео ҳам му'табар Парис.  
 Қиз уйғонди, мен ялиниб илтимас қилдим:  
 Бундан чиқиб бўйсунгин деб амри худога,  
 Мени шавқин ҳайиқтирди; у эса шошиб,  
 Истамади бундан бирга чиқиб кетишга, —  
 Ва узини шунда ҳалок қилган шекилли.  
 Мана ҳамма билганим шу. Аммо тўйгача —  
 Бўлган ҳамма гапни айтиб берур энага.  
 Модомики бу мотамга айбдор менман,  
 Муҳлатидан олдин олиб қўйинг жонимни,  
 Қурбон бўлсин менинг умрим сипоҳ қонунга.
- Бек — Пири комил деганлари сени рост экан,  
 Ромеонинг қули қани? У нима дейди?
- Балтазар — Ромеого Жюльеттанинг ўлимин айтдим:  
 Буни билгач Монтуядан отланиб дарҳол,  
 Келиб қолди соғонага, ана шу ерга.  
 Бу мактубни отасига та'йинлаб берди:  
 Сўнгра тушди соғонага, менга буюрди:  
 „Жон ўзингга даркор бўлса, бу ердан даф' бўл“!
- Бек — Сен мактубни менга бергин, ўқиб кўрайин.  
 Соқчиларни айтиб келган маҳрам қайерда?  
 Соҳибингиз нима қилиб, бу ерга келди?
- Маҳрам — Гулдасталар блан келди хоним қабрига,  
 Менга айтди: кутиб тургин; риюя қилдим.  
 Бирдан кимдир, қўлда маш'ал, гўрни очмоқчи.  
 Унга ҳамла қилиб қолди менинг афандим,  
 Ушанда мен соқчиларга қарай югурдим.
- Бек — Та'кидлайди Сўфи гапин хатнинг мазмуни,  
 Ишқ тарихи, бу ўлимнинг саргузашти ҳам.  
 Ёзадики, шаҳардаги ғоятда йўқсул —  
 Доручидан оғу олдим ва ўлмак учун  
 Соғонага жўнадимки, Жюльетта блан  
 Бир тобутда ўлиб ётай. Мана... вассалом.  
 Ҳой, Монтеки, Капулетти, қани душманлар?  
 Мана қамчи топилибти нафратингизга:  
 Гулингизни сўлдирмишдир фалак ишқ блан!  
 А мен бўлсам, парво қилмай низоингизга,  
 Икки яқин қариндошдан айрилдим: ибрат!
- Капулетти — Эй, Монтеки биродарим, қўлингни бергин.  
 Бер, у бева Жюльеттанинг ҳурмати учун:  
 Бундан ортиқ таманном йўқ.

- Монтекки — Мен бўш келмайман:  
Мен олтиндан қизга битта ҳайкал қўйдирай.  
Қанча турса Веронамиз Верона бўлиб,  
Вафодорлар вафодори қизнинг ҳайкали  
Ҳамма бўлак ҳайкаллардан бебаҳо бўлгай!
- Капулетти — Унга қатор бўлиб турар олтин Ромео,  
Кўр хусумат қурбонлари, эҳ бечоралар
- Бек — Ҳаммамизга тонг келтирди мотомсаро сулҳ,  
Ҳатто турмоқ истамайди аламли қуёш.  
Юринг ҳали кенгаш қуриб, ўиламоқ керак —  
Кимга биздан илтифоту ва кимга жазо!  
Ромео ва Жульеттанинг қиссасидан ҳам  
Ғамли қисса кўрган эмас умрида олам!  
(Кетадилар).

ШАЙХЗОДА тавжимаси

Тамом.



## НАВОИЙ ДАВРИДА ХУРОСОННИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАН

XV асрнинг 46-нчи йилида, Шоҳрухнинг вафотидан сўнг Ўрта Осиё ва Эронда темирларнинг тахт учун кураши авж олди. Мовароуннаҳри — катта ер-сув эгаси — Хўжа Аҳрорнинг ёрдами билан Абу Саид эгаллайди. Хуросон ва Эронда эса ҳукумат Абулқосим Бобирга ўтади. А. Бобир ўз ҳукмронлиги даврида гоҳ Абу Саид, гоҳ ғарбий қўшнилари билан уруш қилиб турди.

Шоҳрух вафотидан Абулқосим Бобир вафотигача (1457 йил) 10 йил мобайнида Хуросонда тўхтовсиз қонли урушлар юз беради, ишлабчиқариш кучлари ва муносабатлари емирилади. Ҳамма ерда қаҳатчилик ва офат бошланади. Бунинг натижасида ўн мингларча одамлар қирилади, ҳисобсиз ҳайвонлар нобуд бўлади. Иккинчи томондан, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари устига тушадиган феодал чиқимларининг хили ва миқдори ортади. Халқ хўжалиги томомила торумор келтирилади. Кўп ерларда ҳукмронларга ва уларнинг зулмига қарши халқ қўзғолонлари рўй бериб туради.

Абулқосим Бобирдан сўнг Хуросон, айниқса Ҳиротнинг аҳволи, яна оғирлашади. Бобир амирлари унинг 11 яшар ўғли Мирза Шоҳ Маҳмудни тахтга кўтариб, Ҳиротни эгаллайдилар ва истаганларича шаҳар аҳолисини талайдилар. Шаҳарни иккига бўлиб олиб, минг бошга саршумор (жон бошидан олинадиган солиқ) соладилар. Тарихчи Абдураззоқнинг малумотиغا кўра, бу оғир маблағни 2-3 кун ичида ундириб оладилар. Иккинчи томондан Ҳирот атрофида Боғи Зағондаги Хўжакалон бузқуш ва Хўжаали амир хўжа ҳам бутун мамлакат бўйича саршумор солигини одатдагидан ўн мартаба ошириб юборадилар. Солиқ йиғувчилар уни ундириш учун истаган воситаларидан фойдаланадилар, камбағал—қашшоқларни талайдилар. Уй-жойларини бузиб ташлайдилар. Ҳатто бу амирлар вақф дарамадларини ҳам ўзлаштирадилар. Жуда кўп Ҳиротлиларни ўлдирадилар. Бу ҳақда ўша замон тарихчиларидан Хондамир бундай ёзади: „.. Ёвуз вазир (халқдан) ҳар нарса ундиришга киришиб, вақф маҳсулотларини ҳам бутунлай ўзларига олдилар. Сўнг саршумор номи билан олинади ган солиқларнинг бир динорини 10 динор қилиб белгиладилар. Таҳсилотномалар ёздилар.

Қўпол, шиддатлик маҳосиллар (солиқ йиғучилар) бечора қашшоқ оммани боғлаб оладилар. (Улар) зулм блан ўтакетган миқдорда пул (зар) сўрадилар. Бу маблағни тўлашга халқ қодир эмас эди... Жабр ва ситам олови хонадонларга тушиб, қаттиқ фожиа аломатлари юз берди. Омон-эсонлик сурати Анқо<sup>1</sup> каби яширин пардага киради. Тинч, роҳат турмуш ким'ё илми ва фузало ишларининг ривожига каби йўқолиб кетди. Фуқаронинг кўпчилиги тарки ватан қилиб, чиқиб кетдилар. Ниҳоятда кўп кишилар шиканжа<sup>2</sup> остида ўлиб, жон азобидан қутулдилар. Гуноҳсиз хотин-қизлар бошларини очиб, сочларини ёйиб, девонбошига бориб, ялиниб-ёлвориб шафқат тиладилар. Раҳмсиз Амир Абу Саидга у бечораларнинг фар'ёд ва фиғонлари та'сир қилмади<sup>3</sup>.

Бунинг устига амирларнинг ўзаро курашлари кучайиб кетди. Бобир вафотидан кейинги 70 кун ичида амирлар орасида кетмакет фожиали воқиялар давом этиб, Хуросоннинг ҳар қайси бурчагида ҳарким ўзини мустақил ҳукмдор ҳисоблайбошлади. Хуросон вилояти ўн бир ҳукмронликга бўлинади. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: „Бу йили Хуросоннинг вилоят ва далаларида бир нечта мустақил фармон беручи ҳокимлар пайдо бўлди. Уларнинг ҳеч бири иккинчи бирига итоат қилмас эди. Астрободдан Сабзаворга қадарли ерни Мирза Жаҳон шоҳ (Озарбайжон, Форс ва Эрон ҳукмдори Р. Н.) ўз ихтиёрига олган эди. Балх қувватул-исломдан Мирза Султон Абусаид ҳукмдорлик қилар эди. Мирза Султон Иброҳим Ҳирот дорул-салтанатида ўлтириб, бошқаларга бош эгмас эди. Мавлоно Аҳмад Ясавул Ихтиёритдин қал'асини забт қилиб, бошқа Султон йўқ деб санарди. Мирза Султон Санжар Марвада истиқомат қиларди. Мирзашоҳ Маҳмуд Тусда туриб, ўз хаёлида истиқлол нақшини чизарди. Пирка Мўғул Нерату қал'асини ишғол қилган эди. Амир Абдулла Сарахс кўрғонини муҳофизат қиларди. Малик Қосим валад Амир Искандар Қора Юсуф Амир Халил блан иттифоқ тузиб, Сайистон мамлакатини Фароҳ ва Исфизоргача забт қилди. Хабушон қал'асида Ҳасан Шайх Темур сардорлик вазифасини ижро қиларди. Сабас қал'аси Амир Авис бинни Ховандшоҳ қўл остида эди. Мирзаалоудданла бирнеча йил юрганидан кейин Қипчоқ даштидан қайтиб келиб, Обивард атрофида бирнеча кунгача истиқомат чодирини қурган эди“<sup>4</sup>.

Хуросоннинг ғоятда майда, кучсиз ҳукмронликларга бўлиниб кетиши, унга кўпдан кўз тикиб келган Мовароуннаҳр султони Абусаиднинг ҳужуми учун қулай момент бўлиб чиқди. У Хуросонда, Журжон блан Балх ўртасида Мирза Султон Иброҳим блан қилган урушидан бошқа, ортиқча қаршилик кўрмай Ҳиротга киради. Энди Хуросон, айниқса Ҳирот Абусаид сипоҳлари томонидан таланади.

<sup>1</sup> Анқо — хаёлий қуш.

<sup>2</sup> Шиканжа — қийнаш асбоби.

<sup>3</sup> Хондамир — „Ҳабибуссияр“ III. т. III, жуз, саҳифа 175.

<sup>4</sup> Хондамир — „Ҳабабуссияр“ т. III, жуз III, бет 179.

Абусайд забтидан кейин Хуросон аҳолисининг аҳволи беҳад танглашдики, Абдураззоқнинг малумотига кўра, бундан сўнг 3 йил давомида Хуросон, хусусан ҳирот аҳолисидан, уч ҳукмдор (Шоҳ Маҳмуд, Иброҳим Султон ва Султон Абусайд) баробар солиқ йиға бошлайдилар. Бу ҳукмдорларнинг турлича амалдорлари гузар-кўчаларда юриб, ўзларича халқдан солиқ йиғиб ола бошлайдилар. Бу ҳақда Абдураззоқ ёзади: „Халқнинг поймол бўлиши сабабларидан бири буки, маҳосиллар (солиқ йиғучилар) аскарлар учун солиқ олар эдилар; дориғалар (шаҳар ҳокимлари) ҳар ерда — кўча ва гузарларда юриб „дориғона“ олар эдилар. Ясоқилар (девон ма'мурлари) ғорат ва торожни ҳаддан оширган эдилар. Ҳечбир одам бунни суриштирмас эди“. „...Фитна ва фасод баланд даражага етди. Хараж-мараж<sup>1</sup> ва ўғирлик-босқинчилик бутун уфуқларга ва жаҳоннинг ҳар тарафига тарқалди. Бунни даф' қиладиган шавкатли подшо йўқлиги учун бундай қийинчилик ва фасодлар юз берди...“

„Ҳақиқат шуки, хоқони Саид (Шоҳрух) вафотидан сўнг кутилган оламнинг харобалиги Мирза Абулқосим Бобир воқиаларидан кейин юз берди. Ҳирот Дорул-салтанати кетма-кет азобларнинг манбаи ва ҳархил балоларнинг қаттиқ шамол эсадиган майдонига айланди. Хосу авомнинг ҳоммаси бу бедармон касалга грифтор ва бепоён саҳрода ҳайрон ва саргардон бўлиб қолдилар<sup>2</sup>“.

Абулқосим Бобир вафотидан кейин Хуросон ва унинг пойтахти Ҳирот шаҳри мана шу аҳволда эди.

Бу воқиалар юз берган вақтларда Алишер Навоий Ҳиротда яшади. Ҳирот аҳолисининг чидаб бўлмайдиган оғир аҳволи, шаҳарнинг харобага айланиши Навоийни ҳам Ҳиратни ташлаб кетишга мажбур этди. Зотан бундай оғир шороитда шоир ўзининг адабий-ижодий ишини қандай давом этдирсин! У бундан сўнг пойтахтдан узоқ Машҳадга бориб, унда турли илмлар (фалсафа, риёзиёт)ни ўрганишга киришди. Шу блан бирга ўзининг севгани ижодий ишини ҳам давом этдиради.

Алишер Машҳаддан Ҳиротда яшовчи яқин дўстларидан Саид Ҳасан Ардашерга 294 сатрлик катта мактуб ёзади. Бу мактубида юқаридаги тарихий манба'лардаги каби, Ҳирот ва унинг аҳолисининг қийин аҳволини муфассал тасвирлайди ва Ҳиротда туриш имконияти йўқлигини ва ундан чиқиб кетишга мажбур бўлганини ёзади.

„Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жало даф'и взор эди.  
Сафар тушди олимға беихтиёр,  
Қазо амридин элга не ихтиёр“.

Ҳақиқатан, шу қисқа давр ичида вужудга келган турли воқиалар Навоийни Ҳиротдан чиқиб кетишга мажбур этган эди. На-

<sup>1</sup> Хараж-мараж — анархия.

<sup>2</sup> Абдураззоқ — „Матлаус-са'дайн ва мажмаул-баҳрайн“ жилд II, вароқ 257 — 264.

воий бу мактубида Ҳиротнинг ортиқ даражада хароб ва вайрон бўлганини аёвсиз равишда алам блан очиб ташлайди:

„Дема мулкким, ваҳшати ободи зишт,  
Тамуғ билгуриб ғойиб ўлғоч беҳишт,  
Тамошосини кимки бунёд этиб,  
Сипухону, Рай мулкидин ёд этиб.  
Ҳисори иноду тааб маҳбаси  
Сийёҳ ҳолдин тирайроқ баси.  
Иморотида ганчдин йўқ асар,  
Хазона хароба бўлиб сарбасар“.

Юқарида биз бу даврда Хуросон айниқса Ҳирот аҳолисининг ғоятда ночор ҳолда яшаганини, амир ва вазирлар халқни ҳарта-рафлама талаганларини, оч-яланғоч халқдан катта маблағлар талаб қилганларини, солиқ йиғиш учун бераҳм қотиллар тайин этилганини Абдураззоқ ва Хондамирнинг қийматли малумотлари блан кўрсатиб ўтган эдик. Навоий ҳам воқиянинг бу деталини — зулм ва ҳақсизликни мактубидан тушуриб қолдирмайди.

„Ҳам эл манзилин шоҳ катакдек бузиб,  
Товуғ ўрнига чуғз ўлтурғузуб,  
Элида кишиликдин асар йўқ,  
Шароратдин ўзга паидор йўқ.  
Не эл, не киши, балки шайтон, дев,  
Қилиб барчаға да'в бедоду-рев,  
Бўлиб ломакон сатҳидин хонлари,  
Адам мулки буғдойидин нонлари,  
Қора пул учун айлабон қатлу фан,  
Ўликдин тама' айлаб аммо кафан.  
Не вайронда эски таноби бўлиб,  
Йилон соғиниб ганж да'во қилиб,  
Қизил олтин истаб қора тошдин,  
Фалак гўйи бир дона хашшошдин,  
Тутилса биров ўғридир дебки чин  
Тутубон илик, лек кесмак учун.  
Ўлим келса бир зор бедил сари,  
Мадад айлабон лек қотил сари.

Навоий мактубидаги яна бир моментни юқаридаги тарихий воқиаларга солиштирсак, Алишернинг Абулқосим Бобир вафотидан кейин 1457-нчи йилда Ҳиротдан чиқиб кетиш сабабига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Юқорида Хуросон в Ҳиротнинг Абулқосим Бобир вафотидан юз кун кейин султон Абусаид қўл остидаги аскарлар томонидан олинганини ва шаҳарнинг Самарқанд аскарлари томонидан таланганини ўз ўрнида кўрсатган эдик. Навоий ҳам воқияни айнан баён қилади.

„Ҳирот аҳлин элтиб ҳаволис ели,  
Эсиб дай елидек Самарқанд ели.

Бу мулк аҳли ул елга зори асир.  
Бўлуб маҳвн-яғмо, қалилу касир“.

Алишер ҳам бу даврда бутун мамлакатни қўлга олган бир ҳукумдорнинг йўқлиги, давлат ма'мурларидан ҳеч нарса умид қилиб бўлмаслигини тубондагича ифодалайди:

„Не шоҳики, топса ишим нҳтилол,  
Мадиҳига кўргузгамен иштиғол.  
Не бир аҳли давлатдин онча умид,  
Ки, андин наво топса бир ноумид.

Демак, биз мактубда бошдан-оёқ та'рих манба'ларида мукаммал акс этган, 1457-нчи йил воқиясининг баён этилганини кўрамиз. Шунинг учун мактубнинг ҳаммасини айнан кўчиришни кичкина мақолада лозим топмадик.

Аммо шуни айтиб ўтиш зарурки, Алишер Навоий ҳаётида муҳим ўрин тутган бу воқиа, Олим Шарафутдиновнинг „Алишер Навоий“ номли биографик китобида ҳечқандай конкрет тарихий воқиялар блан боғланмаган ҳолда кўрсатилган. Унда мактубдаги воқиянинг даврини аниқ баён этадиган моментлар туширилиб қолдирилган. О. Шарафутдинов бу мактубни, Навоий ҳаётининг энг сўнги даври, я'ни 1498-нчи йилларда ёзилган, деб кўрсатади. Дуруст, бу вақтларда ҳам, умуман феодализм жамиятида ҳукм сургани каби, ички урушлар, вилоят ҳукмдорларининг марказий феодал давлатига қарши бош кўтарганлиги, меҳнаткаш омманнинг таланиши ҳақиқат эди. Лекин Алишер мактубида кўрсатилган 1457 йил учун характерли конкрет воқиа ва деталлар XV асрнинг охирларида кўрилмайди. Жумладан, бу вақтларда Самарқанд аскарларининг Ҳусайн Бойқаро турган Ҳиротни келиб талаб кетиши воқиясини ҳали тарих фани билмайди. Шарафутдинов, Навоий мактубини худди, шу кейинги даврга боғлайди. Чунки у, кўп Навоийшунослар каби, Навоий блан Султон Ҳусайн ўртасида даставвалдан душманлик ҳукм суриб келганини бўртдириб кўрсатмоқчи бўлди. Бу эса тарихий материалларни синчиклаб ўрганмаслик натижасида келиб чиқди. Бу ўринда Шарафутдинов тарихий материаллар асосида хулоса чиқармасдан, аввалдан ўйлаган мақсадига қараб, материал танлаган. Бу мактуб Алишер „Чор девони“нинг биринчи девони „Ғаройибус-сиғар“га қўшиб берилган. Шарафутдиновнинг ўзи ҳам Алишер бу девонни-йигитлик чоғларида ёзганини уқдириб ўтади. Ваҳоланки, бу мактуб, Шарафутдиновнинг фикрича, 1498 йилда, я'ни Алишер ҳаётининг сўнги йилларида ёзилган бўлса, биринчи девондан жой олмаслиги керак эди. Мактубнинг 1498-нчи йилда ёзилмаганлиги шу оддий фактдан ҳам кўринадики, Саид Ҳасан Ардашер, Шарафутдинов томонидан кўрсатилган вақтдан 9 йил илгари, я'ни 1489 йилда 73 ёшида вафот этган. Ҳарҳолда Навоий ўлиб кетган одамга мактуб ёзмаган бўлса керак.

Бу ҳақда қисқача малумот беришдан мақсад ўртоқ Шарафутдинов асарининг қийматини камситиш эмас, балки бу воқиа та-

рихига аниқлик киритишдир. Бу нарса Навоий даврининг сиёсий тарихига алоқадор бўлгани учун у блан ўқучиларни таништиришни лозим топдик.

Буюк ўзбек шоъри, гумонист Алишер Навоийнинг йигитлик чоқларида, у яшаган мамлакатда юқорида зикр қилинган, феодализм жамиятига хос сиёсий вазият ҳукмрон эди.

Улуғ адиб Алишер каби замонининг энг пешқадам тараққий-парвар кишилари хароб мамлакатнинг оғир аҳволига қарши қаттиқ норозилик билдирганлар. Навоий майда ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигини йўқотиш, тахт таллашишлар ва ма'носиз ички урушларга хотима бериш, мамлакатни ривожлантиришга имконият туғдирадиган марказлашган бир давлат вужудга келтириш учун бор кучини сарф қилиб, курашди.

Хуросонда Султон Ҳусайн давлатининг майдонга келиши ва Хуросоннинг XV аср охиридаги тараққиёти мана шу курашнинг оқибатидир.

## ТАМАРАХОНИМ

ЎзССР халқ артисткаси Тамарахоним ёлғиз Ўзбекистон эмас, балки Бутун Иттифоқ ва бирмунча ажнабий мамлакат тамошабинларига манзур бўлган, уларни қойил қолдирган сан'аткордир. Тамарахоним жуда кўп шаҳарларни ва қатор-қатор мамлакатларни кезиб, ўз маҳорати ва сан'атини намойиш қилди. У, халққа хизмат қилиш учун ўз меҳнатини сра аямайди. Мингларча колхозчилар, ишчилар, Ватан урушининг жангчилари, интеллигентлар, телеграммалар, газета мақолалари орқали Тамарахонимнинг сан'атидан беҳад завқ олганликларини ёзадилар. Тамарахонимнинг сан'ати зўр сиёсий, тарбиявий роль ўйнайди.

Ўзбек халқи сан'атида якка ва қўш овоз блан ашула айтиш, оркестр мақомига рақс этиш кўпдан буён бор эди. Бу жанр тўй-хашамлар, базмларда кенг ўрин оларди. Ашула ва рақс халқ ижодининг энг эски, дастлабки турларидир. Бир кишининг ашула айтиб, айн замонда рақс этиши ўзбек саҳнасида шу дамгача сақланиб келади.

Броқ, бу жанрни ижро этучилар ашула блан рақсни бир-бирига механика равишда қўшар эдилар. Улар ашуланинг мазмунига мос келадиган ва ашула блан бирга бир ма'нони ифода қиладиган, ашуланинг мафҳумини тўлдирадиган рақсни топмаган эдилар. Иккинчи томондан рақс этучи киши ашула айтучи кишига ўхшамай қоларди. Бу ҳолда рақс ашуладан келиб чиқмайди, у, ашула блан узвий равишда боғланмайди. Шу дамгача рақс этучиларнинг ашуласига қараб рақс этиш жанри бошқа халқларда ҳам учрайди. Уларда ҳам рақс ашула блан бир бутунликни ташкил қилмайди, ашула рақс этучилар учун аккомпанимент ролини бажаради.

Тамарахонимнинг жанри бошқачадир. Унинг жанри шартли суратда ашула ва рақс жанри деб оталса ҳам у ўз номига қараганда чуқурроқ мазмунга эгадир. Тамарахоним ашула, сўз, рақс ва нозик имолар (жест) воситаси блан кишининг эсида чуқур сақланиб қоладиган, юксак бадий образлар яратган ижодчи артистдир. Тамарахоним кўшиқчи раққоса, ёки рақс этучи кўшиқчи эмас. У образлар яратиш учун турли-туман ва ранг-баранг воситалардан, ҳаракат, сўз, имо, ашула, рақс, кийим, музика воситаларидан фойдаланучи моҳир артисткадир.

У ўз тўдлаган ашула ва рақсларни намойиш қилиш эмас, балки турли халқ намояндаларининг образини яратишни ўзига вазифа қилиб олади. Биз унинг концертидан чиққанда бирон ашуланинг ва рақснинг қандай маҳорат блан бажарилгани эмас,

балки шу концерт давомида яратилган бир қатор образлар эсимизда қолади. Бу жуда яхши нарсаси.

Бу ерда қадимги юнонлиларнинг хор блан бажариладиган ритмикали орхестика-рақсларини эсга олиш фойдалидир. Афлотуннинг сўзича „Орхестика завқ бериш учун эмас, балки ҳамиша бирор идеяни-фикрни яққол курсатиш учун, масалан, худолардан бири, қаҳрамон ёки ватанни мадҳ этиш учун хизмат қилган“ (Е. Жак Далькроз „Ритм“ 140 саҳифа).

Юнон ёзучиси Лукиан раққосаларнинг қандай билимларга эга бўлиши тўғрисида гапирганда, рақснинг мақсади, „хулқ ва эҳтиросларни тасвирлаш, фикрни аниқ ритмик фигуралар орқали баён қилиш, улар учун ифода топиш ва энг қийин тушунчаларни очиқ мужассамлантириш“ эканини айтади.

Лукианнинг фикрича раққоса, ҳаммадан бурун тарих, мифология, шоирларнинг асарларини билиш ва инсон руҳининг мазмунини ифода қилиш учун мастер бўлиши лозим.

Тамара хоним энг характерли нарсаларни кўриш ва кўрган нарсасини илиб олиб, унга рақс, имо (жест) ва ашула воситаси блан тақлид қилиш қобилиятига эгадир. У, болалик чоғидаёқ мушоҳада қилиш ва тақлид этишга салоҳиятли эди. Тўққиз ёшида Марғилонда, халқ сайида, ўзбек рақсларини ижро қилган эди. Халқ театрининг усталаридан Юсуф қизиқ Шокиржонов Тамара хонимнинг қобилиятини кўриб, уни ўз ҳимояси остига олди, уни эски ўзбек сан'атининг ан'аналари блан таништирди.

Тамарахоним Марғилонда халқ рақсларини диққат блан мушоҳада қилиб, уларни ўрганди. Бош, асосий ва характерли моментларни илиб олиш артист учун жуда муҳим хислатдир. Тамарахонимда шу хислат бор.

Тамарахоним ўзбек халқ рақсининг эски ан'аналарини билучи Юсуф-қизиқ ва Уста Олимдан та'лим олди. У рақсни ўзига касб қилиб олиш учун ўқишга киришди. 1921 йилда рус операси театрининг труппасига кирди. Бу — ижодий фаолиятнинг боши эди. Брок, ўзбек халқ рақси блан боғланмаган классик балетда Тамара хоним ўзига мос шароит тополмади. Лекин классик балетнинг бойлигини ўзлаштириш учун кўп куч ва ғайрат кўрсатди. Балетмейстер Карганова, Шаевичлар турли халқларнинг рақсларини ўргатиб, рақс композициясини ҳал қилишга ёрдам бердилар.

Ўзбек рақсининг ривожланиш йўллари тўғрисида анчадан бери жанжал борар эди. Ба'зилар, ўзбек рақс элементларини ўзгартирмасдан асраб қолиб, рақс ҳаракатлари, фальклор элементларини бир-бирига қўшишнинг янги усулини топиш керак дер эдилар.

Бошқалар эса, асрлар давомида юзага келган ва бутун дунёда қабул қилинган классик танец системаси универсаль „тил“ эканини тўғри кўрсатдилар. Уни ўрганиб, классик хореография „тили“ ёрдами блан ўзбек рақсининг миллий бойлигини ривожлатиш кераклигини айтдилар. Бу блан бир қаторда классик хореография халқ рақсининг умумий миллий колоритини бузмай, рақснинг янги тараққий йўлига солишини, уни юксак профессиональ ижодий босқичга миндиришини кўрсатдилар. Тамара хоним шу



кейинги нуқтаий назарда эди. Бу эса шубҳасиз, миллий рақсинг колоритини бузмай туриб, янги рақс формаларини яратишга ёрдам берди.

Тамарахоним ўзбек музыка театрини ташкил қилган Қори Ёқубнинг таклифи билан 1926 йилда этнографик ансамбльга кирди ва Ҳамза Ҳакимзоданинг танецлари ва ашулалари билан сахнага чиқабошлади. Хотин-қизларни батамом озод қилишга да'ват қилиб, партиянинг буюк ролини тараннум қилди. Артистка чуқур ғоявий мазмунга эга бўлган номерларини яратди. У рақсинг ашула мазмунига мос келадиган ёрқин формаларини астейдидил қидириб топар эди.

Қори Ёқуб раҳбарлигида бўлган Тамарахоним ва Уста Олим Комиловнинг қатнаши билан ташкил қилинган этнографик ансамбль Ўзбекистон меҳнаткашларига маданий-сиёсий тарбия беришда катта роль ўйнади.

Ансамбль 1930 йилда СССР халқлари сан'атининг Бутун Иттифоқ олимпиадасида қатнашди. Олимпиада жюриси „рақс номерларида жест (имо, ҳаракат) билан товушнинг аниқ бирлаштирилганини“ қайд қилди. („Советский театр“ № 9 — 10, 1930 й.) бу баҳо ҳаммадан бурун Тамарахонимга тааллуқли эди. Тамарахоним, ажойиб чилдирмачи Уста Олим раҳбарлигида рақсда нозик имонинг аниқлиги, ифодали бўлиши, ҳаяжонли бўлишини таъмин қилди. Кўп ўтмай, Тамарахоним, энг олдин ўз устози Уста Олим билан бирга, кейинчалик мустақил равишда рақслар: соло, дуэт, ансамбль рақсларини соҳнага қўябошлади. Масалан: „Қаринаво“, „Уфорий“, „Дилхирож“, „Пилла“, „Пахта“, „Садр“, „Синча хирож“, „Мирза Давлат“ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Музыка — этнография ансамбли, қадимги ашулалар, рақсларни топиб, баъзан уларга бадиий тугаллик беришга, жестнинг ма'ноли ритмикасининг аниқ, музикасининг рақсга уйғун бўлишига эришди. Бу — халқ рақсининг иккинчи марта дун'ёга келиши эди. Тўғри, рақс орқали логик мураккаб бир мазмунни бераман деб, уни бузиш ҳодисалари ҳам рўй берди. Рақс бундай оғир мазмунни кўтаролмай йўқ бўлиб кетади, унинг ўрнини „Кўк кўйлак“ ишғол қилади.

1929 йил ноябрьда ансамбль ўрнига Давлат Ўзбек Музыка Театри ташкил қилинди. Бунда Тамарахоним балет солисткаси ва балетмейстр бўлиб, саккиз йилдан ошиқ ишлади.

1937 йил ўзбек сан'ати учун муҳим йил бўлди. Ўша йил Москвада ўзбек сан'атининг декадаси бўлди. „Фарҳод ва Ширин“, „Гулсора“ каби музыкали спектакльлар, „Колхоз тўйи ва Сайил“ каби сахналаштирилган концерт программалари берилди. Партия ва ҳукумат ўзбек сан'ати ва унинг ижодчиларининг ишига юксак баҳо берди.

Тамарахоним обрўйли сан'ат усталарининг махтовига сазовор бўлди. Унинг мастерлиги декададан анча илгари ма'лум бўлган эди. 1934 йилда Тамарахоним Лондондаги халқ аро рақс сан'атининг фестивалига бориб, ўзбек рақсини кўрсатди ва бунда диплом ва медал олиб, юксак баҳо олди. У „Ипак йиғиручи қиз“ рақси-

ни ижро қилди. Бунда меҳнат процессини кўрсатиш зўр ўрин олади, лекин ҳарбир ҳаракат техникани эмас, балки эҳтирос ва ҳисни ифода қилади, у аниқ ва совуқ муҳокама эмас, ўтли юракдан келиб чиқади.

Декадада қўйилган „Фарҳод ва Ширин“ да ҳам Тамарахоним рақсда поэзия руҳини сақлаб қолган, лекин бунда ҳам рақсда поэзия руҳини техника жиҳатдан моҳир бўлган тақдирдагина ифода қилиш мумкинлигини ҳисобга олган.

Декададан сўнг Тамарахоним театрдан кетиб, ўз ансамблини ташкил қилди ва ўзи учун Советлар Иттифоқи халқларининг ашула ва рақслари программасини тузди. Халқларнинг ашула ва рақсларининг бойлиги катта бўлишига қарамай, репертуар танлаш Тамарахоним учун жуда муҳим ва жуда қийин вазифа бўлиб қолади.

Артистка бу бойликдан алоҳида ашула ва рақсларни танлаб олади, ва ўзи ижод қилади.

Танланадиган ашулаларнинг хусусияти қуйидагилардан иборат бўлиши керак: агар ашуланинг ўзида ижро этувчининг руҳига яқин бўлган шеърят унсури бўлса, ёки бу унсур, инсон, унинг ҳислари, эҳтирослари, истаклари тўғрисидаги фикрни ифода қилса, бу ашула халқнинг баъзи хусусиятларини символик тарзда беришга имкон туғдирса, агар ашуланинг сюжетида „кутилмаган бурилишлар“ бўлса, бундай ашулани Тамарахоним уз ижодий репертуарига киритади.

Хоразмда бўлган вақтда Тамарахоним бир талай қадимги ашулаларни тинглади. Бир кун Тамарахоним бир чолнинг оғзидан, шамолга рўмолини учирган қиз тўғрисидаги ашулани эшитди. Чол бу ашулани айтганда, қандай рақс этганини ҳам кўрсатиб берди. Бу ашула ва рақс артистнинг руҳига, ҳиссига таъсир қилиб, фикрини кўзгади. Хоразм балиқчиларининг „Балиқчи қушлар“ номли эски рақси артистнинг эсига тушди. Чунки чолнинг рақси (қўлларининг қимирлатиши) чарчаган қушнинг қанот қоқишини эслатарди... Ижодий ассоциация! Брок бу ҳам етишмайди. Номернинг вужудга келиши учун яна қўшимча таассуротлар керак. Ўзорларга борди, бир кўп рақсларни кўрди ва рўмолини йўқотган кишининг образини, унинг тўғрисида фикр, ҳис уйғатадиган янги таассурот ахтарди. Мана бундай турли-туман, лекин бир-бирига сал ўхшаб кетадиган материаллардан янги „Рўмолим“ рақси пайдо бўлди.

Эстрада артисти тамошабинларнинг диққатини тамомила жалб қилиб туриши зарур эканлигини Тамарахоним тушунади. Бу иш театрдагига қараганда қийинроқдир, чунки спектакльда бир талай объектлар-актёрлар, кишини қизиқтиручи сюжет, декорация ва бошқалар бор. Эстрадада эса, у бир образни тўла равишда бериши керак. Шунинг учун у ҳали ҳечким томонидан ёзилмаган, номаълум ашулани, ҳар қаерда бўлсада халқ томонидан қандай айтилса худди шундай айтмайди, қандай рақс этилса уни худди шундай ижро этмайди. Артист шу ашула ёки рақс асосида ўз

„номерини“ яратади. Кўпинча у бу ашула ва рақсларнинг вужудга келтирган фикр ва ҳисларини, дун'ё ва кишилар тўғрисидаги ўз ҳиссиётини ашула ва рақс орқали беради.

Халқ ижодини бундай образли ва ижодий равишда қабул қилиш — Тамарахонимнинг буюк ҳислатидир. Шу сабабдан тамошабин, ўз номерини яраткан, ўз фикир — ҳисларини бу номер орқали бера билган Тамарахонимнинг ижодини ҳар гал қизиқиш блан тамоша қилади. Биз юқорида Тамарахонимнинг оддий ашулачи эмаслигини айтган эдик, у актрисадир, у куплет ва ашулардан ҳам ашула, ҳам мелодекламация, ҳам драматик сўз сифатида фойдаланади.

Тамарахоним тайёр костюмларни танлаб олмайди, балки образ характерига мос бўлган костюмни танлайди, ёки тайёрлатади. Ба'зан, миллий костюм, унинг бир қисми артисткага „номер“нинг характерини очиб беради ва умумий ма'носини қидириб топишга йўл очади.

Ватанимизнинг улуғ композиторларидан бири Тамарахонимга қуйидаги баҳони беради: „Унинг сан'ати (рақслари) камолат чегарасига етиб қолган“.

Тамарахоним танец, жести ҳақиқатан камолат даражасига етиштирган.

Артистка Ўрта Осиё республикалари, Совет Иттифоқи ва чет элларда гастрольда юрган маҳалида халқларнинг ашулалари, рақслари, урф-одати, тилини тинмасдан ўрганади. Жуда кўп тўплаган бундай мушоҳадаларидан, ба'зи бир икки номердагина фойдаланади, халос.

Монголлар, қурялилардаги сингари танец традицияси кучсиб бўлган халқларнинг ритуал рақслари (ибодат чоғидаги рақслари), худоларнинг ҳайкали, расмини ўрганиб, ма'лум бир номер учун характерли рақс ишлаб чиқади.

У янги ашула, рақс яратганда ҳам тилда, ҳаракатда, костюмда, характерда ўша халқнинг услубини сақлайди. Броқ, ўзбек халқининг рақс сан'ати блан тарбияланиб ўсган Тамарахоним бошқа услублар ичида эриб, йўқ бўлиб кетмайди. У ўзбек рақсининг устаси бўлиб қолаверади. Испанча, монголча, бошқа рақсини ижро этаётганда, уларни ўзбек рақсининг устаси ижро этаётгани сезилиб туради. Гап шундаки, бошқа ҳечбир халқнинг рақси ўзбек ва тожиклар рақсидек қўл ҳаракатини мукаммаллаштирмаган.

Рақс чоғида Тамарахонимнинг қўллари катта роль ўйнайди. Лекин қўл ҳаракатлари киши характерининг ма'лум томонларини ифода қилади ва айни замонда халқнинг миллий хусусиятини кўрсатадиган услубга эгадир.

Тамарахоним номерлари бирор новеллалардирким, улар бошлича севги, самимий ва алангали ҳисни, лирикани ифода қилади, булар ҳазил, киноя, пародия шакилларида очиб берилади. Биз актрисанинг репертуарида драматик характерда бўлган бирор новеллани кўрмаймиз, лекин актриса лирик новеллаларда ҳам кичик бир сюжетни ривожлатиб, кўпинча драматик приёмлардан фойда-

ланади. Ҳислар, фикрлар, истакларни тўла айтиб бермасдан, тоғиб кетиш қобилияти драматик кучга эгадир. Қирқта халқнинг ашула ва рақсларида актриса киши характерининг олижаноб хусусиятларини тараннум қилади. Тамарахоним инсонга бўлган илиқ муҳаббат, олижаноб фикрларини, яхшилик тўғрисида ҳақиқатни жозибали ҳис ва истакларни ифода этгани учун тамошабинлар унга миннатдорлик билдирадилар. Тамошабин залда, цехда далада, билиндажда, госпитальда, ҳарбий лагерда Тамарахонимнинг концертини кўриб, юксак эстетик ҳислар блан бирга бизнинг халқларнинг мардлиги, инсонпарварлиги, самимийлиги, гўзаллиги тўғрисидаги фикрлар блан тўлқинланиб кетади.

Тамарахоним 1927 йилдаёқ якка, дуэт ва группа блан бажариладиган жанрларни саҳнага қўйишга уриниб кўрган эди. 1940-41 йил сезонида у балетмейстр Арбатов блан бирга ўзбек опера ва балет театрида „Гуландом“ балетини саҳнага қўйди, аини зомочда у, либереттони ёзишда ҳам қатнашган эди.

Тамарахоним ўзбек балетининг кадрларини тарбиялаш ишига кўп куч ва меҳнат сарф қилди. Брок, ўзбек балет спектаклини яратиш ҳам олдимизга турган масаладир. „Гуландом“ эса бу масалани ҳал қилиш йўлида қўлга киритилган бир ютуқдир.

Тамарахоним ўзбек сан'атининг намояндасидир. Унинг сан'ати эса, ўзбек халқи сан'атининг тарақиёт даражасини кўрсатадиган порлоқ намунадир. Унинг кетидан янги-янги сан'ат усталари етишиб келмоқда. Тамарахоним, уни тарбиялаб етиштирган ўзбек халқининг сан'атини Париж, Лондон, Вена ва Эронда намойиш қилди.

Тамарахоним зўр жамоатчидир. У ўз ансамбли блан Иттифоқимизнинг ҳамма узоқ бурчакларида, кўп шаҳарларида, заводларида. Қизил Армия ва флот қисмларида концерт берди.

Улуғ Ватан уруши бошланганидан кейин Тамарахоним ансамбли (композитор П. Раҳимов, концертмейстр С. Швидлер, А. Қодиров, Г. Солихов, И. Шукруллаев ва С. Алиев) олдинги позицияларда Қизил Армия қисмларида жуда кўп концертлар берди. Фронт ва катта қўшилма қомондонлари, фронт қаҳрамонлари, ярадорлар ўз фармонлари, офицерлар, жангчилар ўз хатлари орқали унга кўндан-кўн миннатдорлик билдирдилар.

Тамарахонимнинг йигирмабеш йиллик ижодий йўли тийимсиз меҳнат, халқ бойлигини билиб олишга интилишдан иборатдир. Унинг ижоди, Улуғ Октябрь социалистик революцияси орқасида рўёнга чиққан ўзбек халқининг исте'додини исбот қилучи порлоқ далилдир.

М. ВЕРХАЦКИЙ.

## ТЎҚАЙНИНГ „ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ“ ҲАҚИДА<sup>1</sup>

А. М. Горький миллий маданият ҳар тарафлама қувғинга учраган 1907 йил реакция давридаёқ А. Тўқай ше'рларини рус тилига таржима қилиш зарур деган дадил таклифни кўтариб чиқди. Бу бечиз эмас эди. Ўзини „халқнинг виждониман“ деб атаган исёнкор шоир биринчи ше'рларидаёқ меҳнаткаш халқнинг вакили, унинг қудратли ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. У, барча прогрессив халқлар учун қадрли бўлган буюк ғояларни кўтарган ва шу туфайли миллий рамкаларни парчалаб чиқиш блан бирга ижодида ўз миллий хусусиятларини ҳам мустаҳкам сақлаган шоирлардандир. Мана шунинг учун А. Тўқайнинг бой меросини чинакам илмий асосда, чуқур ўрганиб, уни СССР халқларининг умумий маданияти ҳазинасига киритув—муҳим вазифадир.

Шу нуқтаий назардан, шоирнинг туғилганига 60 йил тўлиш муносабати блан Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан „Танланган асарлар“ тўпламининг босиб чиқарилиши китобхоннинг кўнғлидагидай иш бўлди.

Тўқай асарларини ўзбек тилига таржима қилишда шоир Миртемир, Туроб Тўла ва Рамз ўртоқлар катта куч сарф қилганлар. Миртемир ўз таржималарини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан оригиналига яқинлаштириш учун уриниб, бирмунча муваффақият қозонган. Натижада Тўқайнинг миллий ижодий хусусиятлари ўзбек китобхонига тўла тушинарли ҳолда етказиб берилган.

Ҳали китобхонга таниш бўлмаган, бoshқа миллат ёзучиларининг асарини биринчи марта нашр қилганда, айниқса, унинг юбилейи муносабати блан танланган асарларини босиб чиқарганда, нашриёт ва муҳаррирлар шу ёзучининг ҳақиқий қиёфасини унинг кураш йўлини ва асосий ижодий хусусиятларини тўла кўрсатиш мақсадини кўзда тутишлари керак, токи, китобхон бу ёзучининг бутун улугворлигини, ижодий маҳоратини ва хизматларини кўз олдида гавдалантираолсин.

Қўлимиздаги „Танланган асарлар“ ҳақиқатан ҳам шу талабларга жавоб берадими? Мутлақо йўқ. Китобнинг муҳаррири ўртоқ А. Ўразаев тўпламини тузишда юқорида айтилган мақсадни кўзда тутмаган. У, шоирларнинг ўз истаklarича таржима қилиб

<sup>1</sup> Абдулла Тўқай. „Танланган асарлар“ 1946 йил. Ўзбекистон давлат нашриёти, А. Ўразаев таҳрири.

келган асарларини кўриб, тўпламга киргизган. Шоирлар аса, онсонроқ таржима қилиш мумкин бўлган шеърларни танлаганлар. Умуман, тўплани тузишда энгил ва машаққатсиз йўл тутилган. Асар тўплашдан олдин Тўқай ижодининг барча этапларини, ундаги муҳим хусусиятларни чуқур илмий ўрганилмаган, аҳамияти жиҳатидан биринчи ёки иккинчи планда турадиган асарлар фарқ қилинмаган. Натижада „Танланган асарлар“ сарлавҳаси остида тасодифий асарлар тўпланиб қолган.

Ўртоқ Ҳразаев томонидан ёзилган сўз бошида ҳам устоз шоирнинг чинакам қиёфаси тўлалиги билан кўрсатилмаган. Бунда Ҳразаев, асосан, шоирнинг даври ҳақида гапиради. Тўқайнинг татар адабиётида тутган ўрни, унинг ижодий хусусиятлари, сиёсий лирика, ижтимоий сатира каби татар адабиётининг янги илғор жанрларини яратиши, умуман янги татар адабиётининг асосчиси бўлиш сифатлари мақолада мутлақо баён этилмаган. Шоирнинг умум кишилик ғояларини олға сурган асарлари тилга олинмайди, бунинг ўрнига Тўқайнинг миллий интилишлари ва тушқинликка учраган зиёдилар билан олишувигина бўртдириб кўрсатилади. Бутун халқ диққатига сазовор бўлган жиддий асарлари ўрнига, ҳажвий журналларда чиққан майда мақолаларни ҳақдеб тилга олина беради. Мақолада Тўқай буюк шоир бўлишидан ҳам кўра, кўпроқ жамоатчи сифатида гавдалантирилади. Шоирнинг сиёсий лирикасидаги ёрқин намуналар тўпламдан туширилиб қолдирилган.

Тўқай тинмас курашчи ва исёнкор шоир эди, бу мақолада тўғри, кўрсатилади. Броқ, буни исбот қилучи асарлар қани? Қани машҳур „Кузги еллар“? „Халқ умидлари“, большевик Хусайин Ямашевга бағишланган ўткир сиёсий шеърлар, „Татар ёшлари“, „Дун’ёда турайми“ асарлари тўпламга нега кирмаган? Юбилей муносабати билан китоб чиқарилган экан, бундан шоирга халқ муҳаббатини оширадиган асарларни оммалаштириш учун фойдаланиш керак эди.

Ватанпарвар шоирнинг шу кунларда чиққан тўпламига унинг:

Биз жангларда йўлбардан қудратлимиз.

Биз тинчликда, меҳнатда — шуҳратлимиз.

каби сатлари эпиграф бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бундай тўплани шоирнинг:

Рус ерида биз асарли, излимиз,<sup>1</sup>

Тарихида бир-да топсиз<sup>2</sup> кўзгумиз.

Рус билан турмиш кечирдик сайрашиб,

Тил, луғот, одат ва ахлоқ алмашиб,

Ҳеч битарми тарихий бу биргалик,

Биз туған<sup>3</sup> бир илға бирга тиркалиб.

<sup>1</sup> салмоғимиз, изимиз бор

<sup>2</sup> беғубар, доғсиз.

<sup>3</sup> туғилганимиз

Ёки:

Кўк бўлиб кўкрар<sup>4</sup> ҳавода ҳвр яшав довлашлари<sup>6</sup>.  
Ялтирар эзгу курашнинг ханжари, олмослари.

каби сатрлари блан бойитилиши зарур эди.

Тўпламда шоирнинг кучли сиёсий лирикасидан „Текинхўрларга“, „Кетмаймиз“ каби бир-иккигина намуна бор. Булар ҳам катта камчиликлар блан берилган. Кучли ватанпарварлик руҳи блан ёзилган сиёсий лирик ше’р „Кетмаймиз“ ҳечқандай изоҳсиз берилиб, ўзининг қимматини йўқотган. 1907 йилда татар пантуркист зиёлилари татар халқининг султон Туркиясига кўчиши зарур—деб иғво тарқатдилар. Тўқай бу ше’рини мана шу чиркин иғвога қарши ёзган эди. Ўзбек китобхонига бу муҳим ше’рнинг сиёсий аҳамиятини тушинтириш учун кичкина тарихий изоҳ бериш наشريётдан лозим эди.

Тўпламда асосан Тўқай ижодининг дастлабки йиллардаги асарлар берилдики, бу шоирнинг бадиий маҳорати, ижод йўлининг чўққисини ва қудратли талантини тасаввур этишга ёрдам бераолмайди. Бу ерда шоирнинг ҳали мустақил ижод йўлига кирмаган давридаги асарлари керагидан ҳам кўпроқ жой олган. Шоир ижодий кучининг энг етилган даври—11—12—13-нчи йиллар тўпламда деярлик йўқ. Муҳаррир балки Тўқай асарларидаги бу йилларда тарихий шароит блан боғлиқ бўлган ба’зи ғамгинликлардан чўчигандир. Ундай бўлса, у, Тўқай оптимизмининг мазмунини тушинмабди. Бу жойда Горький томонидан келтирилган бир мисол жуда характерли. Горький ёзади: „Бир Қозон шоири очлик ва қасалликдан ўла ётиб ажойиб сўзлар айтади:

Учди дун’ё қапасидан

Торсиниб кўнглим қуши

Бу сўзларда қайғу эмас, шодлик сезилиб туради“. Максим Горькийнинг мана бу сўзлари, „Тўқай умидсиз куйчи бўлиб ўлди“ дейдиган ба’зи енгилтак адабиётчиларга ҳақиқий қақшатқич зарба беради.

Ба’зи таржималарда жиддий камчиликлар бор. Айниқса, Рамаз таржималари хом ва ўқучини мутлақо қаноатлантирмайди. Рамаз асарни ҳаддан ошиқ ўзлаштиришга уриниб, оригиналдан узоқлашади. У, нима учундир, маснавийни тўртликка, арузни бармоққа, ёки тўртликни маснавийга айлантиради, сатрларга бошқа ма’но беради, ба’зиларини олиб ташлаб, ба’зи жойларга янги сатрлар қўшади. Тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган тиллар блан иш қурганда ва ҳечқандай эҳтиёж бўлмаган ҳолда, оригиналга бу қадар „эркин“ муносабатда бўлиш яхши эмас, албатта! Масалан, „Шурали“ да „Гўёки жонга малҳам“, „Жўр бўлиб эсар еллар“, „Қурғирлар жуда маккор“, „Қайтмади ҳам довулдан“, „Қайрилмайди қанотим“ қаби ўнлаб янги сатрлар қушиладики, уларнинг қофия жуфтлашдан бошқа ҳечқандай хизмати йўқ. Оригиналдаги миллий колорит беручи чиройлик ва реал тафсилотлар кўпинча умумий гаплар блан пайпаслаб ўтилади.

<sup>4</sup> момақалди роқдай гулдирар.

<sup>6</sup> ҳайқирнқлари.

Масалан: „Ул бутун яшил уланлар ҳатфадан юргон эди“ деган сатр Рамзда:

Яяшил ўсимликлар  
бесаноқ, бесон эди.

деб осонгина „таржима“ этила қолган. Пичанзордаги ўсимликларни ҳечким санамаган. Унинг бесаноқ бўлиши турган гап. Бунда ҳақда гапиришнинг ўзи кулгили. Тўқай бундай завқ бермайдиган сатрларни севмаган. Рамзда бу каби бузишлар анча-мунча. Таржимоннинг ожизлиги натижасида „Шўрали“нинг тасвирларида ва тилидаги ўзига ҳос руҳни суғириб олиб ташлаган.

Ёки „усули жадид тарафдори“ деган шеърнинг таржимасини олайлик. Шоир бунда ўзини азгулик тарафдори деб ҳисоблаган нодон зиёлининг образини беради. Образни яратишда Тўқай нодоннинг ўз тилидан усталлик блан фойдаланади. Унинг тили ўша вақт модага кирган рус сўзлари, қадимги китоблардан олинган „тахи“ „амр“, „магар“ каби сўзлар блан булғониб, нодонлигини фож этиб туради. Рамз таржимасида эса тилдаги бу ўткур сатирик воситалар сақланмаган. Рамз баъзи нозик кинояларни тушинмайди. „Кофир“, „номаҳрам“, „эвоҳ“ каби сўзлар ноўрин ишлатилган, улар маънога халақит беради.

„Субхонолло“ шеърида Тўқай „ўқимишли“ зиёли блан содда одамларнинг ўз туйғиларини изҳор қилишдаги фарқ ҳақида гапирди. Олифта зиёли ўз ҳиссини қалбаки такаллуф, чучмал нафосат ва сохта донолик блан изҳор этса, оддий йигит ўз ҳиссини гўзал соддалик блан равшан қилиб айтиб қўяқолади. Рамз асарнинг мақсадини тушинмасдан таржимага олиб, авторнинг киноя маҳоратини йўққа чиқаради. Рамз таржимасида содда одам „жуда чиройлик“ ўрнига „нақадар гўзал“ иборасини ишлатади. Ҳолбуки, бундай ибора Тўқай даврида содда йигитга эмас, кўпинча туркпараст зиёлига хос еди. Бунда Тўқайнинг мақсади етказиб берилмаган. Чунки Тўқай содда йигитларнинг содда, гўзал тили ва соф ҳиссини чирик зиёлига қарама қарши қўймоқчи.

Халқ ўртасида севилиб айтилган „Номуси барбод этилган қиз“ романси ҳам Рамз таржимасида ўз таъсирини йўқотаёзган. Халқ бу романсда соддалиқ, раволик, юксак бадийликни севади. Таржимада эса „маъюс“ каби асли оргиналда йўқ сўзлар уч-тўрт марта такрорланиб, „сариг“ деган оддий сўз ўрнига „зафар“ сўзи ишлатилиб, кўп жойларда қофиялар йўққа чиқарилиши блан романснинг завқи камайган.

„Танланган асарлар“ ўзбек китобхонларини қардош татар халқ адабиётининг энг яхши намояндалари блан таништириш йўлида биринчи тажрибадир. Бирқанча нуқсонлар блан чиққанига қарамай, тўплам иштиёқ блан ўқилди. Татар халқ шоири А. Тўқай асарларининг ўзбек китобхонлари томонидан севилиб ўқилиши қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва маънавий бирлик ифодасидир. Ўзбекистон ёзувчилар жамоатчилиги ва Давлат нашриёти Тўқай асарларини, унинг юксак гоёларини яна қенгроқ оммалаштириш учун тадрижий иш олиб бориши керак.

АСҚАД МУХТОР.

